

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК: 821.512.133.09-1**

**ХИДИРОВА МУНАВАРА РУСТАМОВНА**

**ТОҒАЙ МУРОД АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ  
ВА ИЖОД ЖАРАЁНИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Қосимов Усмон,  
филология фанлари доктори, доцент**

**Жиззах – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси).....	3
<b>I БОБ. ИЖОД ЖАРАЁНИ ВА ИЖОДКОР ШАХС</b>	
<b>БИОГРАФИЯСИ</b> .....	12
<b>1.1.§</b> Адиб биографияси ва ижодкор шахсининг шаклланиши: объектив-субъектив омиллар .....	12
<b>1.2.§</b> Тоғай Мурод қиссаларининг яратилиши: биографик унсурлар ва ижодкор шахсининг акс этиши.....	40
Боб бўйича хулосалар.....	59
<b>II БОБ. АДИБ РОМАНЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАРИХИ</b> .....	60
<b>2.1.§</b> “Отамдан қолган далалар” романининг яратилиши ва ижодкор меҳнати.....	60
<b>2.2.§</b> “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романи: ҳаётининг манбалари, бадиий талқин ва тасвир муаммоси.....	85
Боб бўйича хулосалар.....	107
<b>III БОБ. ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ВА АДАБИЙ</b>	
<b>ТАНҚИДЧИЛИК</b> .....	109
<b>3.1.§</b> Тоғай Мурод асарлари тили ва услубининг ўзига хослиги.....	109
<b>3.2.§</b> Адиб ижоди ва адабий танқидчилик.....	126
Боб бўйича хулосалар.....	144
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	146
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	149

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадий ижод жараёни, унинг рухий-биографик, ҳаётий манбалари ва ғоявий-эстетик омиллари кенгроқ очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Адиблар ижодий лабораторияси, маҳорат сирлари, асарлари поэтикаси адабий-эстетик тафаккур тадрижи ҳақида кенг қамровли йўналиш шаклланган. Зотан ҳамиша муайян эпик асар ёхуд алоҳида ижодкорнинг яхлит ижодига кучли туртки берган, ижодий таъсир этган ҳаётий ва бадий-эстетик омилларни холис ёритиш эҳтиёжи мавжуд. Шу боис, ижодкор инсон маънавий олами, дунёқараши, шунингдек, эстетик тафаккур тарзига хос қонуниятларни кашф этиш, бадий асар мазмун-моҳиятига чуқур киришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида, ижод жараёни, ижодкор шахси, ижодкор бадий маҳоратини кашф этиш, ёзувчи асарларининг адабий эволюциясини янгича англаш долзарб илмий масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Бадий асар оламининг ўзига хос поэтик хусусиятларини тадқиқ этиш, унга таҳлилий ёндашиш ҳар бир халқ адабиёти, унинг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Бунда ижод жараёни ва ижодкор шахси, бадий-эстетик тафаккур тарзи, дунёқараши, эстетик идеали, ижтимоий-маънавий, ахлоқий-эстетик позицияси ва ижодий концепцияси, асарларининг поэтикаси каби жиҳатларни узвий боғлиқликда ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадий-эстетик тамойилларнинг ўз асл маншаъига қайтиш жараёни ривож топаётгани ижодкор шахсини яхлит маънавий-рухий ва адабий-эстетик олам сифатида олиб қараш, асарлари поэтикасини тадқиқ этиш долзарб масала қилиб қўйилган. XX аср ва Истиқлол даври ўзбек адабиёти ривожининг ижтимоий-сиёсий, адабий-психологик омиллари ва алоҳида ижодкорлар асарларини улар юзага келишига асос бўлган манбалар негизида, ўрганиш шу йўсиндаги хайрли изланишларнинг мантиқий давомидир. "... аждодларимиз жаҳолатга қарши

маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар. Уларнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим.”<sup>1</sup>. Шу маънода, Тоғай Мурод асарлари поэтикаси ва ижод жараёнининг ўрганилиши, ўз навбатида, бундан дунё илм-фанини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот**

---

<sup>1</sup> Мирзиёев. Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 30 сентябрь 2020.

республика фан ва технологиялари ривожининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғояларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш” йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ҳамда ўзбек адабиётшунослигида ижод жараёни ва ижодкор шахси муаммолари анча кенг ўрганилган.<sup>2</sup> Тоғай Мурод ижоди бўйича ҳам қатор илмий-танқидий мақолалар, диссертациялар яратилган. С.Аҳмад, О.Шарафиддинов, О.Ёқубов, П.Қодиров, У.Норматов, И.Ғафуров, А.Расулов, В.Файзуллоҳ каби адиб ва олимлар Тоғай Мурод ижоди замонавий адабиётимизда янги саҳифа очганлигини таъкидлашган.<sup>3</sup> У.Қосимов рисоласида<sup>4</sup> адиб

---

<sup>2</sup> Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.– 262 б; Максим Горький. Адабиёт ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1960. – 902 с.; Цейтлин А.Г. Труд писателя. – Москва: Худ. литература, 1969. – 542 с.; Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – Москва: Худ. литература, 1970. – 276 с.; Толстой Л.Н. О литературе. – Москва: Худ. литература, 1955. – 764 с.; Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – Москва: Худ. литература, 1971. – 281 с.; Ожарский О. Рождение книги. – Москва: Худ. литература, 1973. – 302с.; В творческой лаборатории Чехова. – Москва: Наука, 1974, – 368 с.; Замысел Труд Воплощение. М. Изд-во Мос. университета. 1977. – 240 с.; Пономарев Я.А. Психология творчества. – Москва, 1976. – 304 с.; Есин И.А. Принципы и приемы анализа литературного произведения: уч.пособие. – Москва, 2000. – 167 с.; Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. –Тошкент: Noshir, 2008. –256 б.; Э.Фромм. Инсон қалби. –Тошкент, 2016; Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Тошкент, 2015. –288 б.; Қодирий А. Диёри бакр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 472 б.; Қаҳҳор А. Ёшлар билан суҳбат. –Тошкент: Академнашр, 2017. – 160 б.; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. –376 б.; Қўшжонов М. Ижод масъулияти, –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти 1981. –344 б.; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. –640 б.; Умурув Ҳ. Бадий ижод асослари. –Тошкент, 2001. – 120 б.; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент: Шарқ, 2004. –101 б.; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. –Тошкент: Фан, 2008. –224 б.; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. –208 б.; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Тошкент: Муҳаррир, 2011; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2016. –232 б.; Куронов Д. Адабиётшунослик назарияси. –Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.; Раҳимжонов Н. Бадий асар биографияси. –Тошкент: Фан, 2008. 263б.; Ойбек. Мен “Навоий” романини қандай ёздим. –Тошкент,1960; А.Қаҳҳор. Асарлар. 6-т. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 488 б.; Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. – Тошкент, 2014; Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз. // Шарқ юлдузи, 2018. № 5; Солижонов Й. XX асрнинг 80–90-йиллар ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. Филол.фанлари д-ри... дисс.– Тошкент, 2002. –302 б.; Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари. Филол.фанлари д-ри... дисс. –Тошкент: 2000. – 145 б.; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (А.Қодирий ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. 2019. –148 б.; Қосимов У Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик ва ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. автореф. –Тошкент, 2020.–77б.; Каримова Ю. Пиримкул Қодиров киссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадий талқини. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2005. –133 б.;

<sup>3</sup> Саид Аҳмад. Сўз заргари; Одил Ёқубов. Менинг хотираларим; Қодиров Пиримкул. Қалби асарларида қолган адиб; Норматов Умарали. Жаҳон адабиётига ошuftа кўнгил ёхуд сокин қалб изтироблари; Ғафуров Иброҳим. Ҳассос дарё; Расулов Абдуғафур. Ҳалол ижод; Ҳалима Худойбердиева. Тоғай Мурод дегани –тоғдай мурод дегани.; Фозилов Носир. Укадек азиз, дўстдек кадрдон эди; Мухтор Омон. Ороли

киссалари ва “Отамдан қолган далалар” романининг ғоявий-бадий хусусиятлари бўйича фикр юритилган.

З.Пардаева, И.Ёқубов, Ш.Дониярова тадқиқотларида<sup>5</sup> ўзбек романчилиги муаммолари кенг ёритилиб, Тоғай Мурод романи ҳам қиёсий ўрганилган ва унинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Роман поэтикаси тадқиқида сўнгги йилларда бажарилган тадқиқотлар ҳам муҳим ўрин тутди. А.Холмуродов ишида Тоғай Мурод қиссалари ҳам қисман таҳлилга тортилган. У.Тўлаганова тадқиқотида адиб насрида ритм муаммоси ўрганилди. З.Мирзаева Тоғай Мурод ижодининг АҚШда ўрганилишига эътибор қаратади. З.Сувонов Тоғай Мурод насрида образлар поэтикасини тадқиқ этди.<sup>6</sup> Роман назарияси, модерн романчилик ва унинг бадий-эстетик таҳлили муаммолари бўйича йирик тадқиқотлар амалга оширилган.

Аmmo Тоғай Мурод истеъдоди ва ижодкор шахси, асарларининг яратилиши, уларда биографик унсурлар ва муаллиф “мен”ининг акс этиши муаммолари узвий боғлиқликда ёритиш алоҳида тадқиқ объекти қилиб олинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2-сон “Ўзбек адабиёти, адабий танқиди тарихи ва бадий маҳорат масалалари” (2017-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

---

бор одамлар.; Дўстмухаммад Хуршид. Тоғай Муроднинг сирли дунёси.; Мирзаев Тўра. Отлар ҳам йиғлайдими; Мирпўлат Мирзо. Оқ саллалари тоғлар дуоси. – Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –280 б.

<sup>4</sup> Қосимов У.Тоғай Мурод ижоди. –Тошкент: Ёзувчи, 1997. –28 б.

<sup>5</sup> Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2003. –295 б.; Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фанлари д-ри... дисс. –Тошкент, 2021. –287 б.; Дониярова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қахрамон муаммоси. Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. –257б.

<sup>6</sup> Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги). Фил.фанлари д-ри... дисс. –Тошкент, 2008. –291 б.; Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрида ритм. Филол.фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. –52 б. Мирзаева З. XX аср адабиётининг Америкада ўрганилиши. II китоб. – Тошкент: Академнашр, 2020. –267 б.; Сувонов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. Филол.фан.фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2019. –52 б.

**Тадқиқотнинг мақсади** адиб истеъдоди ва шахсининг ўзига хослиги, бадиий маҳорати, асарларининг яратилиши, ижодий-услубий тадрижи ва ҳаёт ҳақиқатининг образларда акс эттирилиши жараёнларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тоғай Мурод ижоди, адабий-эстетик концепцияси шаклланишидаги ҳаётий, маънавий-руҳий илдиз-манбаларни адиб истеъдоди, шунингдек, етук асарларининг яратилиши жараёни билан узвий боғлиқликда ўрганиш, уларнинг ўз даври, бугунги бадиий-эстетик тафаккур ривожигаги ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиш;

Тоғай Мурод ижодий лабораторияси, қисса, романларини яратиш жараёни, уларда адиб биографияси, ижодкор шахсининг акс этиши масалаларини очиб бериш;

тарихий ва ҳаётий воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантиришда ёзувчи шахси, ижодий жасорати, маҳорати, ижод жараёни, илҳом онлари билан боғлиқликда намоён бўлишини далиллаш;

ёзувчи асарлари ва образларининг миллий бадиий-эстетик тафаккур анъаналари асосида яратилиши, улар нашридаги ўзгаришларни асослаш;

адибнинг инсон, наботот, жамодот олами учлигини яхлитликда бадиий идрок этишини адабий анъана ва ўзига хослик асосида фольклор, мумтоз, жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, асарлар сюжети, композиция ва услубий такомиллашув жараёнини адиб ижоди ва тафаккури тадрижи яхлитлиги тарзида аниқлаш;

адиб ижодига ноҳолис танқидий ёндашув, нообъектив қарашлар ўша даврнинг ҳукмрон мафқураси билан боғлиқлигини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тоғай Мурод қиссалари, романлари, ҳикоя ва мақолалари, уларнинг журнал, китоб вариантлари, 2018-2019 йилда “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилган уч жилдлик танланган асарлари, ёзувчининг Кундаликлари, архив материаллари, хат-ёзишмалари асосий манба сифатида танланди. Адиб замондошлари

томонидан битилган “Мен қайтиб келаман” номли хотиралар тўплами каби ёндош манбалар ҳам танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Тоғай Мурод асарлари ижодий тарихи, уларнинг ҳаётӣй, биографик, психологик омиллари ҳамда бадиияти масалалари, адиб ижоди, истеъдоди такомилӣ, миллий характер яратиш маҳорати, шунингдек, адабиёт ривожда ёзувчи адабий меросининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда биографик, герменевтик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психологик, текстологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Тоғай Мурод маънавияти, тафаккури, дунёқараши, шахсияти, руҳияти асарларидаги Ақраб, Дехқонкул, Бўри полвон, Қоплон, Зиёдулла чавандоз, Ботир фирқа каби қаҳрамонлари характерида акс этганлиги, улар билан уйғунлашганлиги аниқланган;

ёзувчининг “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом”, “Момо Ер кўшиғи” қиссалари, “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдӣ” романларининг яратилиш тарихини аниқлашда болалик хотиралари, айниқса, ижодкорнинг “Кундалик дафтарлари” муҳим ва ишончли манба бўлиб хизмат қилганлиги исботланган;

асарларда “Отангни кўрдим, аҳмади фориғ, энангни кўрдим, товони ёриқ”, “Оғзинг тўла қон бўлсаям, душманинг олдида тупурма”, “Номи улуғ, супраси қуруқ” сингари мақоллар, “Арпага урпоқ бўлмайдӣ”, “Чилласида чироқ кўрмаган”, “Қулоғи динг бўлди”, “Туя кўрдингми – йўқ?” каби иборалар, бадиий такрорлар, насрий-саъжлар кўп учраганлиги сабабли адиб услубида халқона ифода устуворлик қилганлиги далилланган;

ўзбек танқидчилигида адиб қаҳрамони Дехқонкул образига “манкурт”, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасига нисбатан “алмисоқдан қолган



феодализм сарқитларини акс эттирган” асар дея берилган таърифлар мафкуравий таъсир остидаги ноҳолис ёндашувлар эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тоғай Мурод ижодий жараёнининг мураккаблиги, “тилсиз гувоҳ” (“немой свидетель”) саналган етук асарларининг яратилиши, улар нашридаги таҳририй ўзгаришлар ёритилган, ижодкор шахси ва адабий қаҳрамонларининг узвий боғлиқлиги қисса, романлари асосида аниқланган;

Тоғай Мурод асарларининг ижодий тарихи адабий асар – ижодкор шахсининг бадиий-интеллектуал маҳсули, онг-тафаккури ва ижодий мушоҳадаси натижаси эканлиги далилланган;

адибнинг етук асарлари ижодий тарихи адабиёт ривожини ва қонуниятларини, асосий омиллари ва тенденцияларини ёритишда ҳам қимматли манба бўлиши кўрсатиб берилган;

Тоғай Мурод ҳикоялари, қисса, романларининг яратилиш жараёни ўрганилиб, улар матни ва номларидаги ўзгаришлар, жанрлараро ғоявий-бадиий тадрижи кузатилган, шунингдек, адиб ижоди, услубидаги такомиллашув жараёни белгиланган;

“Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романида баъзи ўринларда публицистик руҳ устунлиги, асар тили, айрим қаҳрамонлар нутқи пухта эмаслиги ва баъзи такрорлар таҳлил асосида кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тоғай Мурод ва бошқа муаллифлар асарларининг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий-назарий хулосалар биографик, герменевтик ва қиёсий таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий-адабий манбалар, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилгани, тадқиқотнинг натижалари, тавсиялари амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юзага келган назарий хулосалар Тоғай Мурод шахсияти, ҳаёти, ижодий биографияси, бадиий ижод жараёни ва

адабий қаҳрамонлари, асарларининг поэтик жилоларида намоён бўлувчи ўзига хосликлар ҳисобига ўзбек адабиётшунослигининг янги илмий-назарий маълумотлар орқали тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган қарашлар асосида XX-XXI асрлар ўзбек адабиёти тарихи, адабий танқидчилик тарихи ҳамда ҳозирги адабий жараён фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувиغا, мутахассислик фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишда манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тоғай Мурод асарлари поэтикаси ва ижод жараёнининг ўрганилиши тадқиқи бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Тоғай Мурод маънавияти, тафаккури, дунёқараши, шахсияти, руҳияти асарларидаги Ақраб, Деҳқонкул, Бўри полвон, Қоплон, Зиёдулла чавандоз, Ботир фирқа каби қаҳрамонлари характерида акс этганлиги, улар билан уйғунлашганлиги ҳақидаги хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 25 декабрдаги 17.01/10-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал тадқиқот лойиҳасининг фольклоршунослик ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ этишга бағишланган бобининг бойитилишига хизмат қилган;

ёзувчининг “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом”, “Момо Ер қўшиғи” қиссалари, “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романларининг яратилиш тарихини аниқлашда болалик хотиралари, айниқса, ижодкорнинг “Кундалик дафтарлари” муҳим ва ишончли манба бўлиб хизмат қилганлиги тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда, ёш ижодкорлар билан ижодий учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 17 февралдаги 01-003/269-сон маълумотномаси). Натижада Тоғай Мурод ҳикоялари, қисса ва романларининг яратилиш жараёни ва ҳолатлари ўрганилиб, тингловчилар билими кенгайишига эришилган;

асарларда “Отангни кўрдим, аҳмади фориг, энангни кўрдим, товони ёриқ”, “Оғзинг тўла қон бўлсаям, душманинг олдида тупурма”, “Номи улуг, супраси қуруқ” сингари мақоллар, “Арпага урпоқ бўлмайдим”, “Чилласида чироқ кўрмаган”, “Қулоғи динг бўлди”, “Туя кўрдингми – йўқ?” каби иборалар, бадий такрорлар, насрий-саъжлар кўп учраганлиги сабабли адиб услубида халқона ифода устуворлик қилганлиги ҳақидаги хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 25 декабрдаги 17.01/10-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг илмий хулосалар билан бойитилишига хизмат қилган;

Ўзбек танқидчилигида адиб қаҳрамони Дехқонкул образига “манкурт”, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасига нисбатан “алмисокдан қолган феодализм сарқитларини акс эттирган” асар дея берилган таърифлар мафкуравий таъсир остидаги ноҳолис ёндашувлар хусусида ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ойдин ҳаёт”, “Мунозара майдони”, “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 17 февралдаги 02-02-404-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар мазмуни янги илмий-адабий манбалар билан бойитилгани эътироф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та, жумладан, 6 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

# І БОБ. ИЖОД ЖАРАЁНИ ВА ИЖОДКОР ШАХС БИОГРАФИЯСИ

## 1.1.§ Адиб биографияси ва иждокор шахсининг шаклланиши: объектив-субъектив омиллар

Муайян йирик асар ёхуд иждокорнинг яхлит иждодига кучли туртки берган, иждодий таъсир этган ҳаётий ва бадиий-эстетик омилларни холис ёритиш эҳтиёжи адабий жараён учун ҳамиша долзарб саналади. Зотан, адабиётшунослик фани ўз объектига янги нигоҳ билан қараш орқали асар ва ундаги образлар поэтикаси муаммоларини чуқурроқ тадқиқ этиш йўлидан боряпти. Шу сабабли етук асар яратилиш жараёни ва поэтикасини таҳлилий ўрганиш ёзувчи шахсининг маънавий олами, дунёқарашини, шунининг эстетик тафаккур тарзига хос қонуниятларни кашф этиш, бадиий асар мазмун-моҳиятини чуқур англашда муҳим аҳамият касб этади.

Тоғай Мурод иждодининг бошланишиданок умуммиллат дарди-изтиробларини қаламга олишга жиддий эътибор қаратади. Адабий асар иждокор шахси ва талантининг бадиий-интеллектуал маҳсули, онг-тафаккури, иждодий мушоҳадаси натижаси бўлиб туғилиши ҳаётий ҳамда илмий ҳақиқатдир. Тоғай Мурод асарларининг иждодий тарихи ҳам ушбу объектив қонуниятнинг бадиий ифодаси ўлароқ алоҳида эътибор ва таҳлилга муносиб иждод саналади. Бадиий асар етук ё саёз бўлиши уни яратган шахсининг иждодий салоҳиятига боғлиқ. Бу хусусда танқидчи В.Г.Белинский фикри эътиборга молик: “Шоир иждодий фаолиятининг манбаи унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳи ва унинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан кидирмоқ керак”.<sup>7</sup> Бу назарий фикрни атоқли адиб Асқад Мухторнинг умри охирида ёзган “Тундаликлар”идаги теран кузатишлари билан тўлдириш мумкин. Чунончи, у адиб шахси ва иждоди ажралмас бир бутун маънавий-руҳий олам эканлигини шундай таъкидлайди: ”Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ваҳоланки, асар

---

<sup>7</sup> Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий танқидий мақолалар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. –Б .73

ёзувчидан униб чиқади; фарзандай унда туғилади, улғаяди, камол топади; у фарзандини авайлайди, ҳимоя қилади. Асар – ёзувчи тақдири; керак бўлганда, ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр...”<sup>8</sup>

Ижодкор шахсига хос хислатларни ўрганиш – ижод намуналарини англаш, таҳлил этишнинг самарали бир йўли. “Биографик метод, – дейди Б.Каримов, – ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий кизиқишларига, асарни ёзишига туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради”.<sup>9</sup> Аслида, ҳар бир санъат асарида муаллиф биографияси билан боғлиқ ҳаётини унсурлар у ёки бу даражада акс этиши табиий ҳол. Абдулла Қодирий ҳам ижод психологик жараён экани, асар яратишда адибнинг шахсий тажриба – кузатишлари, болалик таассуротлари ҳам муҳим ўрин тутиши, “романидаги воқеа-ҳодисалар қисман ўз бошидан кечирганлари” билан боғлиқлигини таъкидлагани маълум.

Шунингдек, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳам “Кўплар қатори мен ҳам ўз тажрибаларим, шахсий таассуротлар адабий асар учун энг қимматли материал эканлигини тушуниб олгунимча “ёзувчилик”да кўп сарсон бўлганман”<sup>10</sup>, – деб ёзади. Бугунги адабиётимиз вакилларида Улуғбек Ҳамдам<sup>11</sup> ҳам қатор ҳикоя, романларида бевосита шахсий ҳаёти, яқин кишиларининг тақдирлари муҳим асос – “хамиртуруш” бўлганини эътироф этишида ҳам ана шу ҳақиқат акс этган. Шу боисдан ҳам барча йирик ижодкорлар ўзларининг болаликдаги таассуротлари ва шахсий кечинмаларининг ижод учун зарурлигини таъкидлаб, уларни “олтин захира” дея таърифлашида ҳам чуқур ҳаётини, ижодий ҳақиқат мужассам.

Дарҳақиқат, бадиий асарнинг асл моҳияти, ҳаётини илдиз-манбалари ва

<sup>8</sup> Асқад Мухтор. Тундалиқлар. –Тошкент: Маънавият, 2015. – Б. 39 .

<sup>9</sup> Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 18.

<sup>10</sup> А.Қаҳҳор. Асарлар.6-том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 314.

<sup>11</sup> Улуғбек Ҳамдам.Адабиёт – ботиний олам кўзгуси.// Тафаккур зиёси. – Жиззах: 2020. № 4.

унинг яратилиш жараёни қандай кечганлиги кўп ҳолларда шу метод-усулдан ёндашилганда, тўлароқ юзага чиқиши мумкин. Аммо баъзи тадқиқотчиларимиз ўзбек танқид ва адабиётшунослигида “биографик метод кенг қўлланмаган”, деб ҳисоблашади. Масалан, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Кийик сўқмоқдаги йўловчи” номли китобда адабиётимизда ўчмас из қолдирган Муҳаммад Юсуф таржимаи ҳоли, шахси, ижодига доир қимматли маъумотлар келтирилган. Булар шоир ижоди ва истеъдодининг муҳим қирраларини ёритишда жиддий аҳамиятга эга. Аммо ушбу салмоқли тадқиқотда ўзбек адабиётшунослигида “биографик методдан фойдаланиш кўникмаси етарлича шаклланмаган” деган фикр ҳам илгари сурилган: “Адабиётшунослар томонидан яратилган тадқиқотларда изчил биографиклик етишмайди. Шунинг учун ҳам миллий адабиёт танув илмида бадий асарни унинг муаллифи ҳаёти билан боғлаб тушуниш ва тушунтириш тажрибаси шаклланмаган”, – деб таъкидлашади.<sup>12</sup> Бу фикрни инкор этмаган ҳолда, бир ҳақиқатни эътироф этиш жоиз. Мумтоз адабиёт ва адабиётшунослик илмида “биографик метод” истилоҳи айнан илмий-методологик термин тарзида ишлатилмаса ҳам, аммо у ёки бу асарнинг яратилиш сабаб-омиллари аксарият ҳолларда муаллифнинг шахсий ҳаёт йўли, болалигида кўрган-кечирганлари каби ижтимоий-эстетик манбалар билан узвий боғлаб ўрганилиши илмий-ижодий бир анъанага айланган.

Адабиётшуносликда бадий ижод намуналарини ўрганишда биографик унсурлардан фойдаланиш борасида қатор ишлар қилинган, муайян тажриба тўпланган. Навоий, Бобур каби буюк даҳоларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳам илмий, тарихий-қиёсий методлар билан бирга биографик метод унсурларидан кенг фойдаланилган. Яъни Навоий “Хамса”сидаги достонлар ёхуд “Лисон ут-тайр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларини яратиш жараёнини ёритишда улуғ шоиримизнинг ўз изоҳ-

---

<sup>12</sup> Йўлдош Қ., Хусанбоева Қ., Йўлдошева М. Кийик сўқмоқдаги йўловчи. – Тошкент: Ўзбекистон МЭ Давлат илмий нашриёти, 2014. –193 б.

эътирофлари муҳим, ишончли илмий-тарихий манбалар саналади.<sup>13</sup> Бундай хулосани “Бобурнома” ҳамда ундаги биографик мазмунидаги кўплаб шеърлар тарихига нисбатан ҳам айтиш хато бўлмайди.

Муайян бадиий асарнинг яратилиш тарихи ва ижод жараёни билан боғлиқ ғоят мураккаб рухий, биографик, ғоявий-эстетик ва ҳаётий омиллар Навоийнинг адабиётшуносликка оид қатор асарларида, “Бобурнома” каби нодир адабий-тарихий мемуар асарларда, шунингдек, кўплаб тазкираларда баён қилинган. Уларда мумтоз асарларнинг ижодий тарихи ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалар келтирилиши адабий анъана тусини олган. Жаҳон адабиётшунослигида ҳам бу каби муаммолар кенг ёритилган.

Йирик адиблар ижоди ҳамда етук асарларининг яратилиш тарихини ўрганишга доир манбаларда ҳам ўша шоир-ёзувчилар шахсий ҳаёти, тақдири билан боғлиқ факт ва ҳолатлардан ўринли фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Машраб ё Миртемир, Расул Ҳамзатов ва Абдулла Ориповнинг онаси вафотига бағишланган асарлари бу қадар таъсирчан бўлишида уларнинг шахсий дард-армонлари ҳаётий ва руҳий асос бўлганлиги айтилиши ҳақиқат. Бу жиҳатдан Эркин Воҳидовнинг Зулфия шахси ва шеърлари ҳақидаги фикри ҳам характерлидир: “Зулфияни шоир қилган – ўз дардли қисмати... Унинг меҳр ва соғинч билан тўлган сатрлари жудолик дардида ўртанган неча минг юракларга малҳам бўлганини, неча минг кўнгил дафтарида кўчирилганини ҳаёл қилмоқ керак”<sup>14</sup>. Бу эътирофда ноёб истеъдод, улкан инсоний қалб ва дард, ижодий жасорат, юксак поэтик маҳорат мужассам бўлгани шубҳасиз. Тоғай Муроднинг ҳам мазмунан чуқур ва кўламдор ижоди шахсий ҳаётий кечинмалари, орзу-интилишларининг бадиий бир инъикоси сифатида унинг ёниқ кўнгли билан яхлит маънавий-руҳий оламдир. Демак, санъаткор шахси ва ижоди ажралмас бир бутун яратикдир. Тоғай Мурод ижодида унинг шахсиятига

---

<sup>13</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. – 376 б.

<sup>14</sup> Воҳидов Э. Изтироб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 243 б.



хос хусусиятлар намоён бўлиши жараёнларини ўрганиш унинг юксак миллийлик, умуминсонийлик руҳи билан йўғрилган қисса ва романларини чуқурроқ тушуниб, фидойилик, ватанпарварлик, ўзига хос танти – жўмардлик каби фазилатларини янада юксакроқ қадрлашга ундайди.

Тоғай Муродга хос фазилатлар адиб асарлари қаҳрамонларида ўз аксини топганлиги алоҳида эътибор талаб этади. Жумладан, Ақраб характерида мужассамлашган ватанпарварлик, матонат ва она заминга садоқат каби эзгу хислатлар ва Бўри полвон, Қоплон, Зиёдулла чавандозлар шахсига, воҳа аҳлига хос миллий ғурур, орият ва олижаноблик, адолатпешалик ва бағрикенглик сингари сифатлар Тоғай Мурод шахсияти билан чамбарчас боғлиқлиги далилланган. Бадийий образ ижодкор маънавияти, тафаккури, дунёқарashi, шахсияти, руҳияти билан узвий боғлиқлиги ҳақида таҳлил асосида умумлашма-хулосалар чиқарилади.

Биографик метод мақсад ва моҳиятига кўра ёзувчи ижодини, аввало, унинг ҳаётий тажрибалари ҳамда шахсий мушоҳада – кечинмаларининг ифодаси сифатида ўрганиш усули саналади. Ёзувчи асарлари ва ижтимоий-маиший ҳаёти, ботиний кечинмалари, оила муҳити каби жиҳатлар ижодкор биографиясини ташкил этади. Шу боис улар ижодкор руҳияти, ижодий олами, тафаккур тарзи, ижодий ва ғоявий-бадийий нияти билан бир бутунликда ўрганилади.

Айрим адабиётшуносларнинг “Муаллиф шахсини чуқур ўрганиш асар моҳиятини тушунишда муҳим роль ўйнамайди” дейиши, бизнингча, баҳсли кўринади. Абдулла Қодирий ижоди ва шахсини тадқиқ этган Санобар Тўлаганова фикрича, “Асардан ижодкор шахсига тааллуқли белгиларни топишга уриниш адабиётнинг моҳиятига зид тушунча. Бундай қараш адабиётнинг умуминсоний ва умумабадийий қийматига жиддий таъсир кўрсатади.”<sup>15</sup> Таажжубки, олима ўзига ўзи қарши чиқиб, бу фикрига

---

<sup>15</sup> Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (А.Қодирий ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... .дисс. автореф. –Тошкент, 2019. – Б. 72.

тескари хулоса чиқаради: “Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосини тадқиқ этишда ёзувчи таржимаи ҳолини, шахсий кечинмаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ижодкорнинг шахсий кечинма ва тажрибалари бутун ижодида муҳим омил бўлиб хизмат қилади” дейиши юқоридаги субъектив фикрига зиддир.

Ижодий жараён, аслида, болалик чоғлариданоқ бўй кўрсатади. Масалан, Тоғай Муроднинг ўқувчилик йилларидан бошланган китобхонликка қизиқиши, жиддий масъулият ҳисси, қолаверса, кундаликларидаги илк қайдлари ҳам ёзувчиликнинг дастлабки куртак-белгилари бўлган дейиш мумкин. Кейинчалик ҳикоя ва мақолалари эълон қилиниб, ёш бир ижодкор сифатида танилган бўлса-да, ўз билимидан қониқмаслиги, билим савиясини янада кенгайтириш мақсадида Москвага ўқишга кетиши ҳам чинакам истеъдодга хос зарурий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Бу ҳақда Тоғай Муроднинг ҳасби ҳолидаги иқрори ҳам ибратлидир. Уларни ўқиб, бўлажак адиб учун кенг ва чуқур ҳаётий билим-тафаккур зарурлигини англаб оламиз: “Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшгача жаҳон адабиётини ўқиш, фақат ўқиш, кўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш. Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қизганмадим. Мен дунё талашмадим! Фақат изландим, фақат ўқидим. Ғанимларим мени ишдан ҳайдадилар. Курашда бир табиат қонуни бор: полвон даврада мағлуб бўлса, тақдирга тан бериб кетмайди. Йўқ, полвон ўзини боқади. Полвон ўзини парваришлайди. Полвон тинимсиз машқ олади. Рақибидан мағлубият аламини олиш учун шайланади. Рақибидан аламини олмасдан-да қўймайди. Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик ажодимда бор, полвонлик қонимда бор. Менда ана шу полвонлик қоним кўзғолди...”<sup>16</sup> Тоғай Муроднинг ёзувчи сифатидаги теран тафаккури ва дунёқараши таком依лида

---

<sup>16</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. – Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 66-67.

Шарқ-мусулмон маданияти, жаҳон адабиётининг машҳур асарларининг ҳам ўрни катта. Фикримизни Тоғай Мурод шахси, ижодини яқиндан билган ва у билан оға-инилардай дардлашиб, суҳбатдош бўлган проф. Умарали Норматовнинг хотира ва кузатишлари билан давом эттиришни лозим топамиз: “Ғанимларим даввосича, гўё мен этнограф, бахши каламкаш эмишман. “Деновдан нарига чиқолмайсан, нарёқда нималар бўлаётганини кўрмайсан, жаҳон адабиётидан беҳабарсан, модернизм нима, абсурд, онг оқими нима-билмайсан, Ницше, Фрейд, Кафка, Жойс, Камюга тишинг ўтмайди”, дея ташлансалар бўладими менга бу “билағон” нодонлар. Ишонинг, Умарали ака, мен Ницшени, Фрейдни, Кафка, Жойс, Камюларни, модернизм адабиётни улардан кам эмас, ортиқроқ биламан. Ницше “Зардушт”ини, Кафка “Жараён”ини, Камю “Бегона”си билан “Вабо”сини бир эмас, бир неча бор ўқиб чиққанман. Жойснинг “Улисс”ини ҳам “Иностранная литература”да русча таржимаси чиқмасдан бурун кўлёмасини топиб ўқиганман, ҳатто уни ўзбекчага таржима қилишни кўнглимга туғиб қўйганман. Бу олифталарнинг модернча машқлари тақлиддан нарига ўтмайди, ёзганлари таржимага ўхшайди. Мен уларга ҳақиқий “ўзбекона модерн”, “ўзбекона абсурд”, “ўзбекона онг оқими” қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман.

Сиртдан ўта босиқ, табиатан сокин кўринган бу одамнинг қалбида шунчалар дард, изтироблар борлигидан огоҳ бўлиб ҳайратда қолдим...”<sup>17</sup>

Ёзувчи ёшлиқдан ўқиган юзлаб адабиётлар ва шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхат қилинса, йирик каталог бўлади. Қуръони карим ва ҳадислар, Навоий, Румий, Сўфи Оллоҳёр каби алломаларнинг асарлари, адиб вафотидан бир неча кун аввал ўқиган ва бошқа манбалар ҳам ижодкор шахси, интеллектуал дунёсидан сўзсиз гувоҳлик бериб туради. Булар ҳам Мирпўлат Мирзо таъкидлаганидек,<sup>18</sup>

---

<sup>17</sup> Норматов У. Жаҳон адабиётига ошуфта кўнгил ёхуд сокин қалб изтироблари. “Мен қайтиб келаман” Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 33-40.

<sup>18</sup> М.Мирзо Оқ саллалари тоғлар дуоси. . “Мен қайтиб келаман” Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 52-56.

Тоғай Мурод истеъдоди, тафаккури такомлида муҳим роль ўйнаган омиллар, у озиқланган манбалардир. Пушкин, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Чингиз Айтматов ё Муҳаммад Юсуфлар истеъдодининг уйғониши, маънавий-руҳий қувват йиғиши, дунёқарашининг шаклланиши ва уларнинг муайян мақсад сари йўналишида ҳам буви, бобоси мададкор, раҳнамо бўлганлиги ҳам муҳим омилдир. Худди шундай, дostonларни ёд олган ва қўшиқ айтган Тоғайнинг отаси, ҳамқишлоғи Бўри бобо Муродов кабилар миллат тафаккури намуналарини, эртак-афсоналари, халқ ҳикматларини бола қалбига жойлагани ҳам ундаги табиий истеъдод ривожига муҳим манба, замин бўлгани шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг ижтимоий ва адабий биографиясини унинг адабиёт ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқлиги исботланган (М.Бахтин). Тоғай Муроднинг ҳам шахсий, ижтимоий таржимаи ҳоли давр билан боғлаб ўрганилса, унинг ижодкор сифатидаги шахси янада тўлиқ, равшанроқ намоён бўлади. Тоғай Муроднинг ижодкорлик таланти ёрқин бўлганидек, унинг бадиий сўзга, бадиий адабиётга эътиқоди ҳам шундай юксак, адабий-эстетик қарашлари ҳам теран, миллий заминга асосланган. Улар адиб ижоди ва асарлари билан қўшқанот каби ажралмас, яхлит бир олам<sup>19</sup>. Зотан, адибнинг адабий-эстетик қарашларида унинг ижодий мақсад йўналиши, асарларининг ҳаётий мазмуни, руҳи чуқур акс этиб туради. Бу жиҳатдан ёш адибнинг Ёзувчилар уюшмасига катта ихлос, ўзига хос талабчанлик билан битган тўйхати ҳам диққатга лойиқ. Ушбу эътирофномада адабиётни муқаддас билиши, улуғ устозларга шогирдлик эҳтироми ва уларнинг ижодий анъаналари бардавомлиги ҳам теран ифодаланган: “Ойбек вафот этмиш кунлар эди. Шу боисдан, Пиримқул акамиз зўр қайғу билан мана бундай деди: “Ғафур ака кетди, Абдулла ака кетди. Мана Ойбек ака ҳам кетди.

---

<sup>19</sup> Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. –Тошкент, 2020. – 226 б.

Ёзувчилар уюшмаси улардан бизга мерос қолди. Биз шу меросни бойитиш учун жонимизни куйдириб меҳнат қилишимиз, шу меросни авайлашимиз керак”.

Йигирма беш йилки, Пиримқул акамизнинг сўзлари миямда кўрғошиндай қуюлиб келади.” Тоғай Мурод адабиёт ва ижодни теран тушуниб, юксак кадрлайди. Адабиёт унинг учун қисмат эканлигини исломий маърифат нури билан англайди. Ўзгалардан, хусусан, ёшлардан ҳам ана шундай эътиқод кутади. Унинг учун Ёзувчилар уюшмаси – қаламкашлар масжиди. “Ижодкорнинг пок қалбида шу муқаддас даргоҳга ички меҳр-садоқат ётади. Ана шу меҳр- садоқат пайванд бўлиб, эътиқодга айланади. Қодирий ва Чўлпондан, Ойбек ва Қахқорлардан қолмиш табаррук меросга муносиб бўлмаган қаламкаш шоирман, ёзувчиман, адабиётшуносман дейишга маънан ҳаққи йўқ”.<sup>20</sup> Тоғай Мурод устозлар анъаналарини моҳирона давом эттириш билан бирга, адабиётимиз тарихида янги бир саҳифа очишга муваффақ бўлганини ҳатто унинг “ғаним”лари ҳам инкор этмаса керак. Ижодкор шахсининг шаклланиши, ўзига хослиги тарихий шароит, муҳит таъсирида рўй беради. Адибнинг ҳаётий позицияси ва идеали ҳам ижтимоий-тарихий, сиёсий, диний-маърифий соҳалар билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Адабий муҳит, давр, замон, макон, кенг билим каби компонентлар санъаткор тафаккури ва дунёқарашини бойитувчи омиллар саналади. Тоғай Муроднинг адабий-биографик эссе шаклида битилган таржимаи ҳоли илк марта 1994 йили нашр этилган “Отамдан қолган далалар” романига илова қилинган. Ёзувчининг 2001 йил нашр қилинган “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи сўнгида ҳам унинг туркум адабий-танқидий мақолалари ва интервьюси берилган, уларда ҳам адабиёт спецификаси, ёзувчилик бурчи ҳақидаги ўзига хос қарашлари акс этган. Адибнинг ижодкор сифатидаги ҳасби ҳоли, ижодининг илк куртак ва “хамиртуруш”ини ўрганишда Кундаликлари,

---

<sup>20</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 60-61.

ёзишмалар, хотиралар, қайдлар билан бирга унинг ижодий мероси бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Ижодкор истеъдоди, энг аввало, ҳаёт воқеликларини санъаткорона идрок этиши ҳамда уларни бадиий маҳорат билан акс эттиришида намоён бўлади. Ҳаётни бадиий образли идрок этишда кучли салоҳиятга эга бўлиши асарнинг муваффақиятини таъминловчи шартлардан энг муҳимидир. Ижодга ташналик, руҳий бедорлик, меҳнатга иштиёқ, кенг камровли кузатув, ҳиссий сезим ва ҳаётий тажриба ҳам ижодкорликнинг зарурий сифатлари саналади. Воқеликка теран муносабат, холис нуқтаи назар, муҳимдан номуҳимни ажрата олиш, мантиқий тугаллик ижодкорга ички ишонч, қаноат бағишлайди. “Озгина сўз айтиш учун у жуда кўп кўриши, воқеаларни, биографияларни, фактларни, ҳисларни, ўйларни, инсон руҳиятини чуқур билиши керак. Инженернинг, академикларнинг билиши шарт бўлмаган соҳалари бор. Ёзувчининг ундай соҳаси йўқ”<sup>21</sup>. Ижодкор кенг қомусий билимлар соҳиби бўлиш баробарида жамият ҳаётига фаол муносабатда ўз нуқтаи назари, қатъий позициясига эгалиги билан ҳам бошқа инсонлардан ва мутахассислардан ажралиб туради.

Абдулла Қодирий ёшлар билан учрашувда ўзининг ёзиш усули ҳақида шундай дейди: “Ҳар ёзувчининг ўз ўрганган йўли бўлади. Мен олдин шакл-жисми кўз олдимга яхлит келадиган бўлгунча асарни бутун ўйлаб чиқаман. Асосий қаҳрамонларнинг ранг-рўйи, феъл-атвори кўрина бошлайди, кўнгил ёришади, ишга киришаман, шакл ва мазмун яхши етилган бўлса, мени қаҳрамонларимнинг ўзлари воқеалар ичига етаклайдилар”<sup>22</sup>. Демак, ёзувчи асар воқеаларини хаёлида пишитиб, материални ҳар томонлама пухта ўрганиб бўлганидан кейингина ижод қилиш – асар ёзишни бошлашни ўзи учун мақбул одатга айлантирган. Яъни адиб бўлажак асарининг “шакл ва мазмуни” тайёр бўлганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина қўлига қалам олиб ёзишга киришган.

<sup>21</sup> Асқад Мухтор. Тундалиқлар. –Тошкент: Маънавият, 2015. – Б. 39 .

<sup>22</sup>Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. –Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.29.

Улкан устоз адибнинг бундай одати, тартиб-қоидаси унинг ўзи учунгина эмас, балки бошқа ижодкорлар учун ҳам бадиий ижоднинг асосий бир талаб-меъзони бўла олади десак хато қилмаган бўламиз. З.Фрейд, К.Юнг каби психоаналитиклар таъкидлаганидек, бундай ижодий ва руҳий тайёргарлик бошқа кўплаб шоирнинг, ёзувчиларнинг ижод жараёнлари учун ҳам муштарак бир босқич эканлиги адабиётшунослик оламида кўп бора эътироф этилган.

Тоғай Мурод “қўл қотиб қолмасин учун” майда ҳикоя ва мақолалар ёзиб туриш кераклигини таъкидлаб, шу тартибга амал қилганлиги ҳам ижоднинг ана шундай қатъий бир талаби эканлигини кўрсатади. Ижод қилишнинг барча учун баравар “универсал рецепти” йўқ дейишади. Аммо чинакам ижоднинг “темир қонуни” борки, бу – аввало, муттасил фаолиятни ва фидойиликни талаб этади. Жаҳон адабиётининг улкан адиблари яқдиллик билан айтганидек, адабиёт инсон қалбининг ҳаммасини талаб қилади, талант кун сайин меҳнат билан жило бериб турилмаса, занглаб, бутунлай яроқсиз бўлиб қолади. Тоғай Мурод учун ҳам бу муқаддас қоида эди. “Ёзувчи пенсияга чиқмайди. Ёзувчи ўлганда пенсияга чиқади. Ёзувчи ўлганда тинади! Ёзувчи борки, умр бўйи ўқиб-изланиши керак. Ўқиб-изланиш бу – пойдевор демак, теран томир демак. Ўқиб-изланиш – ички куч-қудрат демак. Ички куч-қудрат булоққа ўхшайди. Булоқнинг йўлида қанақа қийинчилик бўлмасин, барибир отилиб чиқади. Чунки булоқда ички куч-қудрат бор, пойдевор бор”.<sup>23</sup> Бу сўзлар ҳам Тоғай Мурод истеъдоди ва ижодкор шахсига ёруғ кўзгу бўла олади. Машҳур адибларнинг адабиётга муносабати ҳамда ижод жараёни ҳақидаги муштарак қарашлари билан Тоғай Муроднинг фикрларига қиёсий назар солинса, улар ўртасида жуда яқинлик, ўхшашлик кўплигидан ҳайратланиш мумкин. Далил сифатида Тоғай Муроднинг қуйидаги фикрларини келтириш kifоя: “Мен ёзмокчи бўлган асарим мавзусини майда

---

<sup>23</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. – Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 96.

деталларигача ўрганиб чиқаман. Тасвирлаётган жойимни бориб ўз кўзим билан кўраман, бўлмаса кўнглим тўлмайди. Асар пишиб-етилгандан кейин эса уйга қамалиб оламан... бу пайт менга ҳеч ким халақит бермаслиги керак...”. Тоғай Муроднинг устозлари фикрларига ҳамоҳанг эътирофлари унинг ижодкорлик шахси ва ижод жараёни машаққатларини ёритганлиги билан ҳам муҳимдир.

“Ёзувчи асари билан адабиётни эгаллайди. Адабиёт – улкан бир қаср. Асл ижодкор Адабиёт қасрини ўз асари билан забт этади. Асл ижодкор эл-юртга “ура-ура” гаплари билан эмас, бадий асарлари билан хизмат қилади,” деган эди Тоғай Мурод 1990 йили газетага интервьюсида. Улкан адиблар ижоди, ибратли тажриба-маҳорати ва анъаналарини қадрлаган Тоғай Мурод ўз асарлари билан адиб учун табиий истеъдоднинг ўзигина етарли эмаслиги, балки ҳаётни чуқур ўрганиши ва қаҳрамонлари билан бирга яшаши, уларнинг дарду ташвишларини бирга кечириши талаб этилишини ажойиб бир тарзда исботлаб берди. Тоғай Мурод асарларини юксак бир чўққи деб таърифлаган атоқли адиб Одил Ёқубов таъкидлаганидек, “Адабиёт бор ҳақиқатни айта олса, ҳаётнинг аччиқ томонларини кўрсата олсагина адабиёт бўлади. Улуғ адиблар қўйган талабларга Тоғай Мурод ижоди жуда мос келади”. У буюк салафлар каби адабиётни, ижодни муқаддас билган, дили билан тили бир адиб эди. У ўзи орзу қилгандай, ҳақ сўзи, ҳаққоний асарлари билан халқимизга маънавий ҳайкал қўя олди. “Юрт қайғусини куйлаган буюклар сафига Тоғай Мурод номи ҳам қўшилди”.<sup>24</sup> Бу ижод ҳеч муболағасиз Истиқлол даври адабиёти ва миллий тафаккуримиз ривожига қўшилган муносиб бир маънавий-руҳий бойлик сифатида таҳсинга лойиқдир.

Тоғай Мурод шахси ва бетакрор ижоди ҳақида ўйлаганда, машҳур немис адиби Томас Маннинг қуйидаги фикрлари ёдимизга келади: “Ёзувчи – бу тимсолдир. Мен ўзимни таҳлил қилиш орқали бутун бошли даврим,

---

<sup>24</sup> Облокулов С. Кўнгли беҳад нозик эди. “Мен қайтиб келаман” Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.113.



бани башар ҳақида етарли ва ҳаққоний маълумот бера олишим мумкинлигини англаб етдим. Зеро, бани инсониятга хос барча тимсоллар ёзувчининг ўзида яширинган”. Ушбу фикрни Тоғай Мурод ҳам йирик бир ижодкор сифатида айтишга ҳар жиҳатдан ҳақли бўлган.

Жаҳон адабиётининг йирик намояндалари каби Тоғай Мурод ҳам ўз ижодий фаолиятини ҳикоя ва мақолалардан бошлаган. Яъни ёзувчи ўзининг машҳур қиссаларини яратишдан олдин “Бобоси билан невараси” (баъзи манбаларда “Бобо ва невара”), “Ку-ку-ку”, “Кузнинг бир кунида”, “Эр-хотин” каби ҳикоялари билан китобхонлар эътиборини тортади. Эндигина 18-19 ёшга кирган, ҳали катта ҳаётий тажриба ва ижодий малакага эга бўлмаган қаламкашнинг илк ҳикоялари ҳам, аввало, чуқур миллий руҳда ёзилгани, ҳаётий мазмуни ва ҳаққоний тасвирлари билан ажралиб туради. Бу илк ҳикоялар адибнинг бўлғуси етук қиссалари ва романлари учун ўзига хос ғоявий-бадиий тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, улар ёзувчининг йирик асарлари учун ижодий машқ, яъни бамисоли моҳир рассомларнинг эскизлари ролини бажарган дейиш мумкин.

“Бобоси билан невараси” ҳикоясида кўп хонадонда бўладиган бобо билан неваранинг хатти-ҳаракати ва мулоқоти тасвирлангани ҳаётда кўп учрайдиган табиий бир воқеа – лавҳа. Лекин ҳикоянинг асосий ғоя-мазмуни ўқувчини жиддий мушоҳада қилишга ундайди, ундаги бобо билан невара рамзий маънога эга.<sup>25</sup> Бобо гўё кечаги кун, ўтмиш, яъни ҳаёт интиҳоси, невара эса бугунги кун ва келажак рамзидай таассурот уйғотади. Айниқса, бу ҳаётий ғоя ҳикоя яқунида ўзининг образли талқинини топади: “Жажжигина невара тоқда осилиб турган узумларга қарайди. Ўз қўллари билан олиб емоқчи бўлади...” Аммо ҳали қўли етмайди. Бу оддий, аммо реалистик тасвирда ҳаёт ҳамда авлодлар давомийлиги ўз ифодасини топгандек. Бобо неваранинг пешонасига ва тиниқ юзига боқиб, унинг келажакига умид боғлайди. Бу туйғулар ҳикояда тавсиф этилмаган, аммо

---

<sup>25</sup> Каримов Х. Адабий портретлар. – Тошкент: Янги нашр, 2017. – Б. 420.

адибнинг ғоявий-бадий нияти орқали уларни туйиш, англаш мумкин ва оз сўз билан кўп фикр айта олганлигига, илиқ ҳиссиёт уйғота билиш иқтидорига амин бўламиз. Назаримизда, ушбу ҳикояда адибнинг “Юлдузлар мангу ёнади” биринчи қиссасининг бош қаҳрамони Бўри полвон ва ўғлининг дастлабки чизгиларини пайқаш мумкин. Бундай ғоявий-бадий тасвир ва талқинларнинг мантиқий давомийлиги ҳам ижоднинг анъанавий бир тамойили эканлигини таъкидлаш лозим.

Тоғай Муроднинг илк ижодий машқларидан яна бири – “Кузнинг бир кунида” номли ҳикоясида ҳам адибнинг “Отамдан қолган далалар” романига тааллуқли дастлабки лавҳа ва ҳаётий деталларни учратиш мумкин. Ҳикояда тасвирланган пахта терими мавсумидаги ёмғирли кунлардаги тунд об-ҳаволар билан боғлиқ эзгин кайфият ва қаҳрамонлар руҳиятидаги ўй-кечинмалар адиб ҳаёлини талабалик пайтлариданоқ банд этиб келганини тасаввур қилиш мумкин. Ҳикоянинг “жафокаш деҳқон кузининг олтин бир куни тугаётган эди...” жумласида ҳам ёш ёзувчининг теран ўй-мушоҳадаси ва халқимиз, хусусан, пахтакорларимизнинг маҳзун ҳаёти, қисмати ҳақидаги армонли ҳамдардлик туйғулари ҳам акс этиб турганлигини сезгандек бўламиз. Бу ҳам ижодий эволюцияга хос муҳим хусусият.

Кичик эпик жанр – ҳикоядан қисса ва романигача муаллиф бадий тафаккурини ифодалаш шаклларининг ҳам ўзгариши кузатилади. Ёзувчи онги бадий тафаккур шаклига айлангунга қадар босиб ўтилган ижодий босқич муаллиф услубида кўпроқ намоён бўлади. Ижодкор бадий концепцияси онг ва туйғу яхлитлигида юзага чиқадиган муҳим жиҳатлардан бири эканлиги аён бўлади. Бу ҳикоя 1969 йил чиққан бўлса-да, унда муаллиф онг-тафаккури модификацияси кейинчалик адиб романларида кенг ракурсда қайта мушоҳада қилинади ва чуқурлашади. Бу боғланиш илк ҳикоядан романга қадар бойитилиб, воқеликни ифодалашда онг ости қатламларида қайта талқин қилиниб, жанрий, композицион яхлитлик синтезлашуви жараёнлари тасаввур этилади.

Ҳикояда халқ дарди, ташвишидан йироқ бўлган ҳамда тенгқурларидан ўзини жуда баланд деб билувчи шаҳарлик “оқбилак” талабанинг типик бир образи ўзига хос жонли тарзда яратилган. Шаҳарлик мунофиқ талаба Ақромжоннинг худбинлиги унинг индивидуаллашган нутқи ва хатти-ҳаракати билан ошкор бўлади: *“Биза энди, домлажон, пахта териб кўрмаганмиз-де...”* *“Жа-а ваҳима қилиб ёзибсиз, касал десайиз ҳам бўливурадди...машина юборинг. Самарқанд автостанцияси бор-ку, ўшатга келиб турсин...”*. Шу икки оғиз сўзларидан, унинг шеvasи ҳам, олифта, эрка-арзандалиги ҳам сезилиб туради. Онаси ўлган одам “чумолига тикилиб ўтириши” ҳолатлари адибнинг “Момо Ер қўшиғи” қиссасидаги Паҳлавон Даҳоларга ўхшаб кетиши ҳам ижодкорнинг ўз асарларида ҳаёт манзараларини мумкин қадар кенг ёритишга интилиши ўзига хос бир ижодий мезон эканлигидан гувоҳлик беради.

Ҳикояда анча ёрқин тасвирланган, ҳаётда катта тажрибага эга, кенг фикрли ўқитувчи табиатни онага менгзашида ҳам Тоғай Муроднинг инсон ва табиатнинг яхлит бир олам эканлиги хусусидаги чуқур фалсафий мушоҳадаларининг бадиий бир талқини ифодаланган деб қаралиши тўғри бўлади. Адиб ижодида асосий ўрин тутувчи бу умуминсоний ғоя унинг деярли барча асарларида, жумладан, “Ку-ку-ку” каби илк ҳикояларида ҳам маҳорат билан акс эттирилганини ёш ёзувчининг ижодий ютуқларидан бири дейиш мумкин.

“Ку-ку-ку” ҳикояси қаҳрамони истироҳат боғи директори муовини, табиат ва гўзаллик шайдоси, солиҳ инсон. У қушларни севганидан, уларга ин ясатиб, истироҳат боғидаги дарахтларга қоқдиради. Мусичалар “ку-ку-ку” деганда, ўзида йўқ қувонади. Лекин кўп ўтмай директор курортдан келгач, унга дакки беради: “Бу маданият боғи! Бу ерда паррандалар эмас, халқ ҳордиқ чиқариши керак! ...Сиз раҳбарми ё каптарбозми? Марҳамат, ёзинг ариза”. У ариза ёзаётганда юраги ёмонлашади, қандайдир ички нидо билан мусичаларини кўргиси келади. Директорга: “Мусичаларимни кўрмадингизми?” – деди. – Ана ҳовлида. Ўзларидан кўрсин, хайдадим,

кетмади – деди директор”. У ҳовлига чиққанда, мусичалар чиқиндилар кутисида бошлари орқасига қайрилиб ётарди”. Бу манзарадан китобхоннинг ҳам юраги музлаб кетади.

Ҳикояда мусичалар эзгулик ва табиатнинг бир мўъжизасидай тасвирланади. Жоҳил директорнинг хатти-ҳаракати ёвузлик тимсоли бўлиб, у ҳукмрон тузум – тоталитар сиёсатнинг ҳам рамзий бир ифодасидай ўқувчида кучли нафрат уйғотади. Директор ўринбосари ва мусичалар эса зўравонлик сиёсатидан юрак олдириб қўйган, ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум эрксиз ҳалқнинг рамзий тимсолига ўхшайди. Машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, шундай зўравонлик ва ёвузлик оқибатида унинг “юрагида кўрқув” ҳукмрон. Ҳикоя воқеалари замиридаги муҳим фикр-ғоялари билан ҳам китобхонларда чуқур ва маҳзун бир таассурот қолдиради. ( Ҳ.Каримов)

“Эр-хотин” ҳикоясида ҳам ҳаёт ҳақиқати ўз бадиий инъикосини топган. Ҳикоя адабиётда анча кенг тарқалиб, куйма бир шаблонга айланиб кетган “сайёр” сюжетли асарларга нисбатан кинодан бошланади: “Йўқ, улар анҳор бўйида учрашмади. Учрашувда ўзиники қилиб айтиш учун китоблардан шеърлар кўчириб олмади. О, мен сени севаман, сенсиз яшай олмайман қабилидаги мавсумий сўзларни сўзлашмади. Йўқ, йигит безорилардан қутқариб қолмади...”.<sup>26</sup> Ҳикоянинг ноанъанавий муқаддимаси ҳам Тоғай Муроднинг ижодда ўз йўли ва услубини излаётган бир ижодкор сифатида улғайиб, шаклланиб келаётганидан нишона бериб туради.

“Шоир Ўролбой ёши ўттизга кирганда ҳаётнинг асоси ҳақида ўйлаб қолди, яъни оила ҳақида. Ўзига муносибини топди. У оддий тикувчи Барчиной эди... Ҳеч бир миллат ўз миллий кийимидан воз кечмаган ҳолда бизнинг миллат кечди. Бу ҳол ўз қадрини билган одамнинг қалбини ўртайди, албатта. Ўролбой шунақа одам.(Таъкид бизники – М.Х.) Эр-хотин

---

<sup>26</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. – Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 23

ўртасида муноқаша бўлади: – Сиз доим шунақасиз. Топган гапингиз – ўзбек атласига бутун жаҳон харидор. Самарқанддаги тарихий бинолар жаҳонда йўқ. Унақа-бунақа...”

Воқеа кескинлашади. Ўролбой аёл зотига биринчи марта кўл кўтарди. Барчиной бўлса ҳали ҳам вазиятнинг асл моҳиятини ўйлаб кўрмади. Ҳамма айбни эрининг зиммасига қўйди. Чап ёноғи кўкарган эди. У алаמידан лабини буриб йиғлади.

Кутилмаганда Ўролбойнинг қишлоқдаги тоғаси билан икки нотаниш эркак келиб қолишади. Шунда ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган... удуми устун келиб, Барчиной меҳмонларни жилмайиб кутиб олди. Ҳеч нарса бўлмагандай елиб-югуриб дастурхон ёзди, дарров овқатга уринди. Шу пайт тоғанинг кўкарган ёноққа кўзи тушди. “Э, юзга нима бўлди, келин? – деди. Ўролбойнинг юраги шув этди. Йўқ, Барчиной эрини ноқулай вазиятдан қутқарди. “Ёш аёлининг бундай нозикфаҳмлилигидан Ўролбойнинг қалби тоғдай кўтарилди, гўё қалбидаги меҳр булоғининг кўзи очилгандай бўлди... Демак, ҳақиқий инсоний туйғуни ҳиссиётгина эмас, ақл билан йўғрилган меҳр юзага келтиради. Ҳикоя шу ҳаётий ҳақиқатни ифодалаши билан ҳам қимматлидир.

Тоғай Муроднинг дастлабки ҳикоялари ва мақолаларида ҳам унинг қалби, тийнати – вужудида санъатни ўзгача бир туйғу билан жуда чуқур ҳис этиши бўлғуси ижодкорга хос ноёб бир қобилият эканлигини таъкидлаш лозим. Масалан, юқоридаги ҳикояларидаги эпизод-лавҳаларда бу ҳислатлари яққол намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Адибнинг “Ку-ку-ку”, “Эр-хотин” ҳикоялари ёки айрим мақолаларида жаҳоннинг машҳур рассомлари асарларидан завқланиш, ҳайратланиш туйғулари, қушларга меҳр ва ҳаваси алоҳида ажралиб туради. “Инсон қалбида туйғулар кўп бўлади. Ушбу туйғуларни юзага чиқариб бўлмайди. Бундай туйғулар фақат юракда бекиниб ётади”. Ушбу эътирофда ёзувчи асарларининг мусиқий оҳангдорлигига сабаб адибнинг қонида, руҳида мусиқага, табиатга

ошнолик борлиги ва битганлари ҳам кўшиқ холида бўлишига интилиши аён бўлади.

Тоғай Мурод илк ҳикояларидаги табиат билан боғлиқ лавҳалар ҳам бўлажак ижодкорнинг санъатга қизиқиши, ҳайрат туйғулари унинг табиатида, қонида бўлганлигига далилдир. Адибнинг “Ку-ку-ку” ҳикоясидаги қуйидаги парчани кўздан кечирайлик: “Уйда журналлардаги расмларни, Рембрандт, Рафаель, Боттичеллининг нодир асарларини томоша қилиб ўтиради. Айниқса, Шишкиннинг “Буғдойзор”ига узоқ тикилиб қолади. У икки тоифа одамларга ачинади. Бири – Шишкиннинг расмлари олдидан бепарво ўтган одамга, иккинчиси – кушлар сайраётганда сўзлашган одамга. Шу пайт дарахт шохларида кўниб турган кушларнинг турли нағмадаги сайрашлари эшитилади. У “Муножот”ни тинглаётгандай бошини маънос эгиб, эшитади. Юзларига табассум югуради. Ўрнидан туриб, кўлларини кўксига қўяди-да, кушларга таъзим қилади: – Офарин, биродар, офарин. Қуллук!..”

Ушбу реалистик тасвир замирида туғма истеъдоди, ижодкор шахси шаклланиб келаётган ёш ёзувчининг адабиётга, санъатга муносабати ва интеллектуал салоҳияти ўзига хос, умуминсоний мазмунга эга эканлиги яққол сезилади. Бизнингча, Тоғай Мурод ҳамда бошқа адибларимизнинг асарларида Ғарб ва Европа адабиётию санъатига тааллуқли реминисценциялари тилга олинса-да, уларни рус ва европалик ижодкорлар таъсири билангина изоҳлаш етарли бўлмайди. Чунки мумтоз адабиётимиз, айниқса, Камолиддин Беҳзод каби буюк мусаввирларимиз яратган қадимий миниатюра санъати Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари маданиятида ҳам ривожлангани тарихдан ҳам маълум.

Аслида, қалбу тафаккури уйғоқ етук инсонлар тийнатиغا хос бундай фазилят улуғ мутасаввуфлар томонидан ҳам беқиёс қадрланганини Шарқ алломалари, хусусан, Румий, Саъдий, Жомий, Навоий асарлари мисолида ҳам тасаввур этиш мумкин. Чунончи, Саъдийнинг машҳур “Гулистон” асаридаги бир ҳикоятда шундай ҳаётий воқеа келтирилади: жазирама

иссиқда эшак миниб кетаётган йўловчи ўзича бир куй-қўшиқни хиргойи қилиб борарди. Эшаги ҳам шу куйга монанд кадам ташлаб йўрғалаб кетаётган эмиш. Бу ҳолдан ҳайратга тушган донишманд шундай дейди:

Вожаб эшшакда бўлса агар шунча завқ,

Завқи йўқ одамни не деб атамоқ керак<sup>27</sup>.

Ёки Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Ашулачи ва чолғучилар – мутриб ва муғаннийлар”га алоҳида фасл ажратиб, уларни шодлик бағишловчи, ғамни тарқатувчи деб таърифлайди, ҳатто араб туясининг ҳам хонишдан юришини тезлатишини ҳайрат билан тилга олади.<sup>28</sup>

Назаримизда, мумтоз адабиётдаги бундай илҳомбахш ижодий анъаналарнинг ижодий таъсирини Т.Муроднинг юқорида тилга олинган “Ку-ку-ку” каби дастлабки ҳикояларида ва етук қиссаларида ҳам кўришимиз мумкин. Яъни ҳаёт ва табиат гўзалликларидан, кушларнинг сайрашидан таъсирланмайдиган, машҳур рассомларнинг юксак санъат асарларидан ёхуд кўнгилларга йўл топувчи куй-қўшиқдан завқланмайдиган “тўқимтабиат” кимсаларни Тоғай Мурод ҳам одам қаторига қўшмайди. Адиб қиссаларида Тарлон отнинг халқимизнинг “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Хамса” каби дostonларидаги мукамалликка қиёс қилиниши ҳам санъатнинг юксак мезонлари билан боғлиқ дейилса хато бўлмас. Бундай талқинларга Тоғай Мурод истевдоди, бадий-эстетик тафаккуридаги ботиний ҳис-туйғуларнинг ифодаси деб қараш тўғри бўлади. Бу жиҳатдан ёзувчининг ўз эътирофи муҳим ва ишончлилиги билан қимматли. Бўлажак асар унинг юрагига, яъни “куйига тушиши керак”.

Адабиёт ва ижодни ўзининг қисмати деб билган барча истевдодли адиблар сингари Тоғай Мурод ҳам ўз ижодини бошлар экан, энг аввало, адабиётнинг вазифасини, санъаткорнинг жамият, халқ олдидаги юксак бурч-масъулиятини тўғри тушуниб етади, ҳамиша уларга содиқ қолади.

<sup>27</sup> Садий. Гулистон. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – 153 б.

<sup>28</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – Б. 29.

Масалан, у болалик давридан бошлаб юритган Кундаликларида, “Мен” деб аталган ҳасби ҳолида, шунингдек, айрим ҳикоя ва қиссаларида ҳам ўзининг адабиёт, бадиий ижод ҳамда ижодкор шахси ҳақидаги муҳим ҳаётий кузатишларини баён этади. Адабиётни ва ижодни ғоят масъулиятли, муқаддас соҳа деб билган адибнинг фикрлари теранлиги билан жаҳон адабиётшунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Тоғай Мурод ўз диққат-эътиборини биринчи галда халқ ҳаёти ва руҳияти тасвирига, замондошлари ҳаётининг энг асосий муаммоларига қаратади. Санъаткорнинг сўзида, аввало, ўзини, бутун халқини ўртаган дарду кувонч яшайди. Адибнинг адабиёт ва ижодкор шахс ҳақидаги ўй-қарашларида, ёзувчини “эл-халқнинг маънавий посбони” деган таърифларида ҳам ана шу мангу ҳақиқат акс этиб туради.

Тоғай Муроднинг асарлари каби ҳажман қисқа, мазмунан чуқур ва адиб услубига хос халқона такрорлар билан теранлашган Кундаликларидаги қайдларида ҳам миллат қайғу-аламлари ифодаланиши билан бирга, айтилиши вақтда, уларда қалби, онг-шуури юксак мақсад ва олижаноб ғоявий ниятлар билан тўлиб, ички руҳий кудратга эга бўлиб бораётган ёш адибнинг “мен”и – йирик бир миллатпарвар ижодкор шахснинг изтиробли ўй-фикрлари ва юксак орзулари ҳам ёрқин акс этганлигини кўрамай.

Тоғай Муроднинг қатор мақолалари, интервью-суҳбатлари ва кундаликларида, шунингдек, “Момо Ер қўшиғи” каби бадиий асарларида ҳам адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, яъни жамиятдаги аҳамияти, ёзувчининг бурчи, вазифаси, устозлари ҳақида, ёзувчи истеъдоди ва бадиий ижоднинг муқаддаслиги ҳақидаги ўзига хос фикр ва қарашлари акс этган. Айтилиши вақтда, уларда бадиий ижоднинг ўзига хос руҳий ва жисмоний қийноқ-машаққатлари ва тотли дамларини шикаста кўнгли билан ҳар нафасда ҳис этиб яшаган адибнинг – катта қалбли инсоннинг орзу-аъмоли, маслак-эътиқоди ва ижодий дастури нималардан иборат эканлигини ва унинг ҳаётий ақида-принциплари ва маънавий-ахлоқий мезонлари



канчалар юксаклигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, адибнинг ўқувчилик давридан юрита бошлаган “Кундаликлари”даги битикларидан айримларига разм солайлик:

“Ёзувчи эл-юртнинг маънавий аскарлари бўлади.

Ёзувчи эл-юртнинг мафкуравий посбони бўлади”.<sup>29</sup>

Адабиёт ва ёзувчилик бурчи ҳақидаги ушбу мухтасар, аммо ғоят муҳим фикрларни адиб ижоди ва асарларининг яратилиши билан боғлаб, кенгрок контекстда ўрганиш ва муайян хулосалар чиқариш мумкин. Чунки улар ижоди ва нури сиймолари Тоғай Муродлар мансуб бўлган навқирон адабий авлод учун юксак ибрат намунаси бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиздир. Тоғай Муроднинг “Ёзувчи қандай пайдо бўлади? Ёзувчи – йўқчиликдан, камчиликдан, оч-ночорликдан, мутеликдан, хор-зорликдан пайдо бўлади! Ёзувчи – қамок, азоб, хўрликдан, эзилишдан пайдо бўлади. Ёзувчи – бошга тушган қора кунлардан пайдо бўлади” деган сўзларида ҳам унинг ижодга қатъий ишонч-эътиқоди ифодаланган. Миллат қайғуси ва келажаги ҳақида қайғуриб, шу йўлда бутун талант ва салоҳиятини тиккан, шу йўлда азиз жонларини ҳам фидо қилган Бехбудий ва Мунаввар қори бошлиқ жадидларнинг қисмати Тоғай Муродлар учун ҳам бир ибрат бўлган бўлса не ажаб! Ёхуд ХХ аср ўзбек адабиётининг тамал тошини кўйишга мушарраф бўлган тенгсиз истеъдод соҳиблари Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюк адибларимиз Октябрь инқилобидан кейин ўрнатилган машъум совет тузуми сиёсатининг дастлабки қурбонлари бўлганлиги ҳам халқимиз тарихининг энг қора саҳифаларидир. Тоталитар тузумнинг разилона манфур сиёсати, қабоҳат ва зўравонликлари кейинги йилларда ҳам узоқ давом этиб келганлиги ҳам Тоғай Мурод сўзларининг ҳақлигини тасдиқлайди. 20-30-йилларда не орзу-умидлар билан адабиёт майдонига кириб келган Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шайхзода, Миртемир ва Элбек сингари ёрқин истеъдод

---

<sup>29</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. – Б.109-119.

соҳиблари ҳам мустабид тузумнинг ҳукмрон социалистик мафкураси зуғумларидан халос бўлган эмас. Уларга издош бўлиб ижод оламига кириб келган Саид Аҳмад, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар авлоди-чи? Улар ҳам “энг бахтиёр замон” деб таърифланиб келинган социалистик мамлакатда ҳукмрон сиёсат ва мафкуранинг тазйиқларидан бутунлай қутулиб, эркин ижод қила олганларми? Бу жиҳатдан атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг 50-60-йиллардаги адабий муҳит ҳақида айтган қуйидаги дардли хотиралари улардан кейинроқ ижодини бошлаган Абдулла Орипов ва Тоғай Муродлар авлоди яшаган даврнинг ҳам мураккаблигини тушунишимизга ёрдам беради: “Бизнинг авлод, – дейди Одил Ёқубов, – конфликтсизлик деб аталмиш ғайриадабий қарашлар, социалистик реализм деб аталмиш биқиқ, тафаккурни чекловчи ва эндиликда сохталиги барчага аён умумтушунчалар, сталинча қатағон ҳукм сурган, қатлиом туфайли ҳамон юраклардан қон силқиб турган бир вазиятда адабиётга кириб келдики, бунинг ижодга салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Шу маънода, гарчи адабий муҳит тақозосига кўра кейинчалик муайян қийинчиликларни бошларидан кечирган бўлишса-да, Абдулла Орипов ва унинг авлодини нисбатан бахтли салаф деб аташни истардим. Улар ижодини бошлаган пайтда ижтимоий-сиёсий вазият нисбатан юмшаган, баҳор эпкинлари янглиғ майин ва умидбахш насимлар эса бошлаган эди... Чинакам истеъдод учун ижодий фаолиятнинг илк босқичи муҳим аҳамиятга молик... кимлар иқтидорни қўллаб-қувватлаши, ҳомийлик қилиши унинг йўл танлашида ҳал этувчи таъсир кўрсатади”.<sup>30</sup> XX аср ўзбек адабиётида катта тўлқин яратган ўрта авлоднинг забардаст бир намояндаси бўлмиш Одил Ёқубовнинг “нисбатан” деган сўзни қайта-қайта келтириши бежиз эмас. Чунки бу авлодга изма-из адабиёт оламига ўз сози – овози билан кириб келган Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар гарчанд жадидлар каби қатл этилган бўлмаса-да ёхуд Шайхзода, Миртемир,

---

<sup>30</sup> Одил Ёқубов. Шоир ҳақида сўз. – Абдулла Орипов. Муножот. Тошкент: Адабиёт, 1992. – Б.4.

Шухрат, Саид Аҳмадлардек узоқ йиллар камалиб, олис ўлкаларга сургун қилинган бўлмаса-да, аммо мустабид тузумнинг хавfli тазйиқ-тахдид, тақиқларидан четда қолгани йўқ. Фикримизнинг далили сифатида бир-икки мисол келтириб ўтайлик:

“...Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,  
Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб...”<sup>31</sup>

Мана нисбатан бахтли салаф деб аталган авлоднинг бир вакили бўлган машҳур шоиримиз Абдулла Ориповнинг бошига тушган ғам-ташвиш ва ноҳақликларнинг ўчмас изларини акс эттирувчи биографик – ҳасби ҳол шеърларидан бир намуна. Худди шундайин, кўпларнинг назарида нисбатан бахтли ижодкор сифатида тасаввур уйғотадиган Эркин Воҳидовнинг “Биз ҳақ гапни айтиш қийин бўлган замонда яшадик” деган сўзларини нафақат у кишининг тенгқурлари, балки улардан ўн-ўн беш йил кейин адабиёт майдонига кириб келган Тоғай Мурод каби истеъдодли адиблар ҳам такрорлаши мумкин эди. Чунки совет даврида адабиёт ва санъат соҳасида ҳам чинакам ижод эркинлиги, кўнгил озодлиги бўлмаган. Далилларга мурожаат этайлик. Масалан, собиқ совет ёзувчиларининг пешвоси сифатида тан олинган ва мустабид давлатнинг деярли барча олий мукофоту унвонлари билан беқиёс даражада сийланган Михаил Шолоховнинг “Биз қалбимиз амри билан ёзамиз. Қалбларимиз эса бутунисича партия ва халққа тегишлидир” сўзлари неча ўн йиллар барча адиблар учун ёзилмаган қонунга айланди. Аслида, инсоннинг кўнгли партияга тегишли бўлишини қандай тасаввур этиш, тушуниш мумкин. Мулоҳазаларимизни тўғрисиўзлиги ва жасорати билан танилган кўп маънавий-руҳий азоб чекиб келган Тоғай Мурод каби ёш истеъдодларнинг ҳам эҳтиромига сазовор бўлган улуғ адиб Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос тагдор маъноли фикрлари билан давом эттириш ўринли бўлса керак. Адибнинг ён дафтаридаги қуйидаги мухтасар қайдларида ҳам ҳаётий бир ҳикмат билан бирга чуқур армон ва дарди ҳам акс этиб туради: “Тикувчига

---

<sup>31</sup> Абдулла Орипов. Муножот. – Тошкент: Адабиёт, 1992. – Б.б.

ундай тикма, бундай тик деб ўргатмайди. Учувчига ўргатмайди. Ёзувчига эса ундай ёзма, бундай ёз деб ўргатишади...”<sup>32</sup> Абдулла Қаҳҳорнинг ўкинч-армон билан йўғрилган бу сўзлари остига мустабид тузумнинг машъум сиёсати ҳукмронлигида ижод қилган юзлаб, минглаб диёнатли ижодкорлар, жумладан, Тоғай Мурод каби ёш адиблар ҳам имзо қўйиши мумкин эди. Чунки Шолоховнинг партиявий шиорбозликка айланиб кетган баландпарвоз сўзлари олий хилқат Инсон табиати ва моҳиятига зид бўлган. Зеро, қалбимиз, кўнгил бирор арбобга эмас, балки инсоннинг ўзига тегишли. Ислом маърифати ўргатганидек, инсон кўнглига Оллоҳдан ўзга ҳеч ким амр этолмайди.

Михаил Шолоховнинг фикрларига нисбатан қарама-қарши позицияда бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг 1967 йили айтган “Мен партиянинг бошлиғини кўрганда, ер тепиниб, честь бериб турадиган солдати эмас, онгли аъзосиман”<sup>33</sup> деган машҳур сўзлари Шолоховнинг мафкурачилар учун “байроқ” бўлиб келган сўзларидан кўра ҳам тез тарқалган ва улардан кўра ҳам кучли резонанс – акс-садо берган десак асло муболаға бўлмайди. Адибнинг замондошлари ва йирик адабиётшунослар гувоҳлик беришларича, Абдулла Қаҳҳор бу сўзларни айтгани учун нафақат тириклигида, балки ўлимидан кейин ҳам кўп йиллар гоҳ ошкора, гоҳ зимдан қилинган сиёсий-мафкуравий тазйиқлару ва маломат-дашномлардан қутулмаган.<sup>34</sup> Михаил Шолоховнинг фикрларига нисбатан қарама-қарши позицияда бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг 1967 йили айтган “Мен партиянинг бошлиғини кўрганда, ер тепиниб, честь бериб турадиган солдати эмас, онгли аъзосиман”<sup>35</sup> деган машҳур сўзлари Шолоховнинг мафкурачилар учун “байроқ” бўлиб келган сўзларидан кўра ҳам тез тарқалган ва улардан кўра ҳам кучли резонанс – акс-садо берган десак

---

<sup>32</sup> А.Қаҳҳор. Асарлар: 5жилдлик / Мақолалар. Сухбатлар. Қайтлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 272 б.

<sup>33</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.277.

<sup>34</sup> Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Фил.ф.д.дисс. автореферати. –Тошкент, 2020. –76 б.

<sup>35</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.277.

асло муболаға бўлмайди. Адиб замондошлари ва йирик адабиётшунослар нашриётигувоҳлик беришларича, Абдулла Қаҳҳор бу сўзларни айтгани учун нафақат тириклигида, балки ўлимидан кейин ҳам кўп йиллар гоҳ ошкора, гоҳ зимдан қилинган сиёсий-мафкуравий тазйиқлару ва маломат-дашномлардан қутулмаган<sup>36</sup>.

Адабиёт ва ижодкор шахсларга берилган юқоридаги таърифларни ўқиган китобхон кўнглида бир иштибоҳ (иккиланиш) пайдо бўлиши ҳам мумкин. Яъни Тоғай Муроднинг ёзувчини “Эл-юртнинг маънавий аскарлари, мафкуравий посбони” дейиши Абдулла Қаҳҳорнинг “Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман” деган сўзларига қарама-қарши маъно англатмайдими? Ахир, совет ёзувчиларининг яловбардори бўлган Шолоховдай санъаткорнинг “Қалбларимиз бутунча халққа, партияга тегишли” (“сердца наши принадлежат родной партии и народу”) фикрлари неча ўн йиллар ғоявий-мафкуравий бир эталондай қабул қилинган. Уларнинг қайси бири ҳақ: адабиётимизнинг бутун бир авлоди беназир устоз деб билган ва асарлари билан дунёга танилган Абдулла Қаҳҳор ҳақми ё эндигина ижод оламига кириб келган Тоғай Муроднинг “Ёзувчи эл-юртнинг маънавий аскарлари, мафкуравий посбони” дейиши тўғрими?

Мустабид совет тузуми сиёсати ва мафкуравий тазйиқларига бевосита гувоҳ бўлган ва ўзи ҳам устозлари каби азоб чеккан Тоғай Муроднинг ҳукмрон партия сиёсатига ва унинг мафкуравий исканжасига қарши башорат билан айтган залварли сўзлари ўзига хос бир маънавий жасорат сифатида баҳоланиши мумкин. “Социализм бир сохта қолип эди, ёлғон бир тузум эди. Социалистик реализм даврида ёзувчи чинакам исканжада қолди, хўрланди, эзилди, ўзини ўзи рамкага солиб асар ёзди. Ўзини қафасда ҳис этиб ижод қилди. Қафасдаги қуш мисол кун кўрди. Антисовет, диссидент, қинғир фикрловчи номини олди... Ёзувчилар социалистик реализм кули бўлди, кўғирчоғи бўлди. Ёзувчи учун яхши-ёмонни

---

<sup>36</sup> Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. –76 б.

социализм белгилаб берди. Ҳатто махсус партиявий буйруқлар билан, партиявий программалар билан белгилаб берди...”<sup>37</sup>.

Ота-боболаридай эл-юртга содиқ бўлган Тоғай Мурод ҳам сохта ва машъум социализмнинг ноғорасига ўйнамади, Вафо Файзуллоҳ каби ижодкорлар фахрланиб айтганидек, “замонга, тузумга ялтоқланмади”.<sup>38</sup> Ёш адиб ўзи орзу қилганидай, буюк салафлари – Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва Қаҳҳорлар йўлини танлади. Социализмнинг темир қолипларига, партиявий буйруқларига қарши собит тура олди ва кўнгли буюрганни ёзди. Зеро, одамзотнинг бошқа мавжудотлардан битта бетимсол афзаллиги бор. У Аллоҳ таоло томонидан кўнгилли қилиб яратилган. Тоғай Мурод асарларининг жони кўнглида. У сўнгги имкониятдан туриб, ана шу кўнгилнинг ҳолатини тадқиқ этади<sup>39</sup>. Чиндан, адиб ижоди – кўнгил мулки. “...Кўнгил кўзғолди. Кўнгил ғалаён қилди. Туйғулар тўлди, туйғулар тошди, туйғулар чорлади. Мен шундай асар яратмоқчи бўлдим... кўнглимда борини тўкиб соламан”.<sup>40</sup> Бу эътирофни Тоғай Муроднинг бутун ижодий фаолиятига ва барча асарларига бош сарлавҳа – эпитафия қилиб қўйиш мумкин. Адибнинг адабиёт ва ижод жараёни хусусидаги самимий эътирофи бошқа кўплаб йирик шоир ва ёзувчиларнинг ижодий дастури ва аъмоли билан муштарақлиги жиҳатидан ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, Абдулл Ориповнинг йиллар давомида ёзилган, аммо шу пайтгача архивида сақланиб ётган ва ниҳоят, таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Шоирнинг туғилиши” (2021) номли янги тўпламидаги:

“Мен ўзим ҳам билмайман, ёздим  
Нима чиққан бўлса қалбимдан”<sup>41</sup>

дейиши ҳам Тоғай Мурод каби ижодкорлар учун ўзига хос бир ижодий намуна бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

<sup>37</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. – Б 92-93.

<sup>38</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар: Романлар, қиссалар. –Тошкент: Sharq, 2019.-704 б.

<sup>39</sup> “Мен қайтиб келаман”. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, – Б.193.

<sup>40</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. 109-119- б.

<sup>41</sup> Абдулла Орипов. Шоирнинг туғилиши. –Тошкент: Адабиёт, 2021. -Б.12.

Адибнинг адабиёт ва ижод, ёзувчи бурчи ҳақидаги қарашлари бевосита асарлари яратилиши билан яхлит бир бутунликни ташкил этиши бадиий-эстетик тафаккур жараёнининг ҳам ёрқин манзаралари бўла олади. Тоғай Мурод асарларида устувор бўлган бундай яхлитлик адабиёт ва маънавият ривожини учун беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз. Талантли адиб замонасининг илғор вакили, ўз халқи, миллати қувончига шерик, ғам-ташвишига ҳамдард, қулоғи ҳамиша халқнинг кўксига бўлиши ва қалбидаги ҳаяжонни дарҳол сезиши билан бирга башарият тараққиёти, маданий, маънавий юксалиши учун курашувчи, уларга муайян таъсир кўрсатувчи фаол ижодкор ҳамдир.

Тоғай Мурод асарлари ана шу буюк ҳақиқатни чуқур акс эттира олганлиги билан ҳам эътиборга молик. Ёзувчининг “Ёш қаламкашларга тилакларим” мақоласида ҳақиқий ижодкорнинг адабиёт ва халқ олдидаги муқаддас бурчи-вазифаси таъкидланган теран фикрлар ҳеч бир виждонли адибни лоқайд қолдирмайди. “Биродар, мен сизни Ўзбекистон давлатимиз йўлидан борсангиз, дейман. Мен сизни ўзбек элидан намуна олсангиз, дейман”<sup>42</sup> деган сўзлари улуғ адибларимизнинг бир васиятидек туюлади. Яъни улар халқимиз бошидан кечирган фожиаларни унутмасликка, миллий уйғониш ва тикланишдан миллий тараққиёт сари юксалиб бораётган бугунги янги Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида буюк аждодларимиз ва фидойий жаҳидларимиздай садоқат билан хизмат қилишга ва унинг мустақиллигини юксак қадрлашга даъват этади. Уларга муносиб издош бўла олган Тоғай Мурод каби миллатпарвар адибларимиз ҳаёти ва ижодининг барчамизга ибратли жиҳатлари ҳам, энг аввало, мана шунда.

### **1.2.§ Тоғай Мурод қиссалари яратилиши: биографик унсурлар ва ижодкор шахсининг акс этиши**

XX аср ўзбек адабиёти ва реалистик проза тараққиётида ўзига хос талант соҳиби Тоғай Мурод ижодининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, миллий

---

<sup>42</sup> Тоғай Мурод. Ёш қаламкашларга тилакларим. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. –Тошкент: “Шарк”, 2001. – Б.196.

қиссанавислик ва романчилик ривожини Тоғай Муроднинг бетакрор асарларисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. 70-йиллар адабиётимиз майдонига бир гуруҳ талантли ёшлар кириб келди. Улар катта бир маънавий-руҳий тўлқин яратиб, ёрқин ижодкорларга айланди. Истиқлол туфайли янги босқичга кўтарилаётган бугунги адабиётимиз ривожига ҳам Тоғай Муродлар авлодининг муносиб ҳиссаси бор. Тоғай Мурод Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмад ибораси билан айтганда, адабиёт оламига ўз истеъдоди ва дастлабки асари билан ёниб кирган бетакрор ижодкорлардан эди. Ижодини ҳикоялардан бошлаган ёзувчининг ижодий фаолиятида қисса жанри етакчи эканлигини кўрамыз. Унинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом”, “Момо Ер қўшиғи” қиссалари Сурхон воҳасининг ўзига хос ва ёрқин миллий характерлари билан қиссачилигимизда янги саҳифа очиб, ўзбек насри уфқини бойитишга муваффақ бўлгани устоз адиб ва олимлар томонидан яқдиллик билан эътироф этилди.

Бадиий асарда замон ва маконда рўй берадиган воқелик бир сўз билан – хронотоп деб юритилади. Бадиий хронотоп қатъий жанрий хусусиятга эга бўлади. Аслида, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадиий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий ва мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Етук шоир, ёзувчилар каби Тоғай.Муроднинг ҳам ҳикоя, қисса, роман яратишдаги тайёргарлик босқичи, руҳий кечинмалари, бадиий маҳорати, тил ва услуби ҳам муайян даражада фарқланади. Кўп ҳолларда ҳикоячи ва ҳикоя қаҳрамони бир-бирига яқин, сирдош, қариндош-биродар бўлгандек таассурот уйғотади. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, “Менинг ўғригина болам” асарларида, Абулла Қаҳҳор, Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов, Улуғбек Ҳамдам каби адибларнинг ҳикоя ва қиссаларида ҳикоячи билан қаҳрамонлар бир-бирларига яқин инсонлардай тасвирланганини сезиш



мумкин. Шундай ғоявий-бадий яқинлик Тоғай Мурод асарларида ҳам кузатилади.

Даврга ҳамоҳанг тарзда миллий характерларнинг ўзгариши ва янгиланишида азалий ақидалар адиб идеали билан мослашади. Ҳар бир миллатнинг ўз тафаккур тарзи, эстетик диди, идеали унинг бошқалардан ажралиб туришини кўрсатувчи ёрқин миллий қадриятлари муҳим ҳаётий, маънавий асос ва далиллар бўлиб саналади. Халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий удум ва қадриятларини юксак маънавий-ғоявий идеал даражасида улуғлаб келган Тоғай Муроднинг деярли барча асарлари ана шундай чуқур миллий руҳ билан йўғрилган дейиш мумкин. Чунончи, адибнинг “Давра” номи билан эълон қилинган биринчи қиссасининг бош қаҳрамонларидан бири Бўри полвоннинг кенг ўй-қарашларида халқимиз ва миллатимизнинг асрлар оша яшаб келган, аммо совет даврига келиб аста-секин унутилаётган миллий анъана ва ўйин-мусобақалари ҳақида руҳий бир безовталиқ акс этиб туради. Кенг фикрли Бўри полвон айтганидай, халқ миллий удумлари ва азалий урф-одатлари билан халқ! Отабоболаримиздан бизга маънавий мерос бўлиб қолган ва юртимиз шаънини улуғлайдиган қутлуғ анъаналари билан халқ! Турли тазйиқ-чеклашларга қарамасдан яшаб келаётган бу анъаналар халқимизнинг бебаҳо бойлиги, улар бугун ҳам инсонийлик, чин эътиқод ва эл-юртга меҳр, садоқатнинг ўзига хос бир ифодаси, теран маънавий-руҳий илдизи бўлиб хизмат қилади. Ана шундай маънавий бойлигимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизни чуқур армон ва қайғуриш билан қаламга олиш учун чинакам миллатпарвар ва юртпарвар ижодкор бўлиш керак эди. Адибда шундай ният ва истеъдод мужассам бўлган. Тоғай Муроднинг ҳам фуқаролик, ҳам ижодкорлик жасорати ва унинг ўзига ишончи, қатъияти, қарашларида собит тура олиши шундай нодир асарлар яратишига ундаган бош сабаб ва омиллардир. Ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, бўлажак асар адибнинг “кўнгил куйига айланиши” керак. Тоғай Муроднинг ушбу фикрларида унинг ижодий кредоси, дастур-аъмоли, муқаддас принципи,

барча ижод аҳли учун ҳам етук асар яратишнинг олтин бир қонунияти ифодаланган десак адашмаймиз.

Чунончи, Тоғай Муроднинг дастлабки асарлари – “Юлдузлар мангу ёнади” (“Давра”), “От кишнаган оқшом” қиссаларининг яратилиш сабаблари ва ҳаётий манбаларини қуйидагича изоҳлашида ҳам чуқур асос бор эди: “Азалдан бизнинг ўз миллий курашимиз бор. Аммо совет тузуми раҳбарияти, ҳукумати ана шу миллий курашимизни тақиқлаб бошлади...

– Бу эскилик, бидъат!– дедилар.

– Бу ёввойилик! – дедилар.

– Меҳнатга халақит беради! – дедилар.

Асл мақсад миллий ўзбек курашини четга суриб қўйиш бўлди. Оқибат, ўзбек кураши йўқолиб бошлади. Мен айнан ана шу ўзбек миллий курашини нишонга олдим. “Юлдузлар мангу ёнади” – ана шу туйғу маҳсули бўлди. Кейин кўпкарини тақиқлаб, чавандозларни отлари гўштга топширила бошланди. Чавандозларнинг отлари колхоз-совхозлар ҳисобига олиб қўйилди. Уйларда от сақлаш тақиқланди. Отлар қишлоқ хўжалик ишларида ишлатилди.

– Кўпқари эскилик! – дедилар.

– Кўпқари инсон, халқ учун ҳалокатли ўйин! – дедилар.

Ҳайит деган сўзлар тақиқланди. Наврўз сўзи тақиқланди. Жаноза сўзи тақиқланди. Намоз, рўза тақиқланди. Кўнгил қўзғолди. Кўнгил ғалаён қилди. Туйғулар тўлди, туйғулар тошди, туйғулар чорлади. Мен асар яратмоқчи бўлдим... “кўнглимда борини тўкиб соламан”.<sup>43</sup> Бу сўзларни Тоғай Муроднинг бутун ижодий фаолиятига ва барча асарларига эпиграф қилиб қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси бўлажак ёзувчи қалбида, онг-шуурида ўчмас из қолдириши, унинг тафаккур ва тахайюл оламини беҳад бойитиб, истеъдодини ҳам руҳан, ҳам маънан озиклантирганлиги шубҳасиздир. Юқоридаги эътирофда адиб учун эврилиш нуқталари, ноёб

---

<sup>43</sup>Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. –Б.109-119.

истеъдодининг етила бошлагани, яъни ижодий эволюцияси ҳам намоён бўлган. Бу каби биографик унсурлардан Тоғай Муроднинг ижодкор сифатида шаклланиш жараёни тинимсиз, машаққатли меҳнат билан кечгани ва шу тариқа адиб улғайгани аён бўлади.

Бу ҳолатни Тоғай Мурод содда ва мухтасар халқона ибора билан шундай ифодалаган: “Ёзувчи ўлганда тинади”. Демак, у ёки бу воқеа-ҳодиса шоир, ёзувчининг қалби, табиий интуицияси – сезимлари орқали унинг ҳис-туйғулари, тафаккурига кўрсатган таъсири туфайли онг ва руҳиятида жонланиш рўй беради. Тоғай Мурод ибораси билан айтганда, “кўнгилда ғалаён кўзғолади”, яъни мувозанат ўзгаради. Ушбу жараёнда тўлиб-тошган ҳис-туйғулар ақл-идрок билан кўшилиб, ижодкор онгида яхлит ҳолга келади, синтезлашади ва ана шу консолидация натижасида образ туғила бошлайди. Бу жонли образ ҳаётдан ўз туйғу ва ақли давват этаётган ғояни ифодаловчи воқеаларни саралай бошлайди. Яъни воқеаларни танлаш, уларни муайян изчилликда тасвирлаш қаҳрамонлар, характерлар фаолияти орқали содир бўлади, улар ёзувчига “луқма солиб тургандай” бўлади. Адабий асар таҳлил қилинаётганда, унда иштирок этувчи образлар билан бир қаторда муаллиф шахсининг ҳам иштирок этаётганлигини ёдда тутиш лозим. Чунки асарда муаллиф образи баён – ҳикоя қилиш услубидан тортиб, асар тилида, тасвир усулларида, ҳаётий материал, воқеа-ҳодисалар талқинида ҳам намоён бўлиб боради. Яъни муаллиф образи асарда ифодаланаётган ғоявий-эстетик тафаккури, позицияси, тасвирланаётган хусусиятларидан ташкил топади. Бадиий асар хоҳ у монологик усулда, хоҳ диалогик йўсинда ифода этилмасин, муаллиф образи воқеликда турли шаклларда намоён бўлади. Аммо асардаги муайян образни ёзувчининг шахсий ҳаётидан айнан кўчириб олинган парча ё нусха деб баҳолаш ноўрин.

Ижодкор онгида асарнинг воқеалар тизими, уларнинг муайян тартибда боғланиши, сюжет, композицияси, воқеалар оқимини ҳаракатга келтирувчи, ривожини таъминловчи адабий қаҳрамонлар ижодкор онгини,

калбини чулғаб олган ғояни ифодаловчи барча нарсаларни сўзда тасвирлаб-ифодалаб бериш жараёни бошланади. Ана шу жараёнларда ижодкорга кучли ҳис-туйғу ва кечинмалар, яъни Тоғай Мурод айтганидек, туйғулар ғалаёни ва тошқини ҳамроҳлик қилади. Психолог олимлар фикрича, ижодкор руҳиятида содир бўладиган бу ҳис-туйғу ва ҳолатлар, бадий кечинмалар, яъни ҳамдардлик туйғусидир. Бу мураккаб ботиний жараёнда ёрқин образ, яъни жонли, тўлақонли, мукамал инсон тасвирининг туғилиши учун чинакам санъаткорга хос ҳамдардлик туйғуси билан қудратли бир руҳий тўлқин ва ақлий уйғунлик мужассамлашган бўлиши талаб этилади. Хуршид Дўстмуҳаммад ва Чоршамъ каби замондошларининг гувоҳлик беришича, Тоғай Мурод кўл учида ишламас, бир ишга киришдими, чалғимас, хонадаги гурунларга ҳам қўшилмас, чор-атрофида нима гап, нима сўз – барини унутар эди. Тоғай ўзи учун муқаддас деб билган, ўзидан бошқаларга сирлилигича қолган ички дунёсини асарларига ва қаҳрамонлари дунёсига қай даражада кўчириб улгурган? Бу саволга адиб асарлари таҳлилидан жавоб топиш мумкин.

Тоғай Мурод қиссалари, романларидаги асосий воқеа-ҳодисалар ва инсоний сийрат-характерлари хилма-хил бўлган қаҳрамонларнинг қувонч-ташвишлари ва яхшилик-ёмонликларининг тасвирлари табиий ва ёрқинлигининг сабаби нимада деган савол туғилиши мумкин. Булар, энг аввало, уларнинг хаёлий – тўқима одамлар эмаслиги, балки улар ёзувчи билан бақамти, ҳамнафас бўлиб яшаган инсонлар бўлганлиги ва сўзлари ҳам, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ҳам реал – ҳаётдагидек, айнан ва ҳаққоний ифодаланганлиги билан изоҳланади. Ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, асарларидаги воқеа-ҳодисалар ҳам, ўқувчига худди тирик одамлардай таъсир қилувчи қаҳрамонлари ҳам – барчаси адибнинг “кўнгил куйига тушган”лиги тасвирнинг табиий ва жонли бўлиб чиқишини таъминлаган. Булар Тоғай Мурод шахсияти, биографияси, ҳаётининг тажриба ва кечинмалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, адиб кўнглидан қўшиқдай куйилиб келиши, қоғозга тўкилиши бетакрор ижодкорлик истеъдоди,

бадий маҳорати ва фавқулодда катта иштиёқ, туғён билан ёзиш иқтидори орқали изоҳланса тўғри бўлади.

Тоғай Муроднинг гувоҳлик беришича, ёзишга киришишдан олдин унинг тафаккурида бўлажак асарнинг дастлабки хомаки лойиҳаси, “канва”си пишиб етилганлигини билдирувчи ғайритабий бир ҳолат – руҳий безовталиқ ва маълум маънода иккиланишга ўхшаш жараёни кечириб экан. Тоғай Муроднинг энг юксак орзуси ва ижодининг бош мақсади ифодаланган “Мен ўзбек халқига хайкал қўяман” деган сўзлари омма эътиборини тортиш учун айтилган бир тилақ ёхуд баландпарвоз сўзлар бўлмаган. Бундай ижодий ният ва жасоратнинг сабаб-илдизлари, ёзувчига руҳан далда берган, мадад бўлган омиллар кўп бўлган. Ёзувчининг улкан ва олижаноб ғоявий-бадий ниятларга, шунингдек, беқиёс ижодий жасоратга ундаган ижтимоий-маънавий, руҳий қувват, аввало, Тоғай Муроднинг табиатида, феъл-саҳиясида шаклланган дейиш мумкин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Тоғай Муроднинг адабиёт ва Ёзувчилар уюшмаси ҳақидаги фикрларини, адибнинг машҳур “Мен” деб номланган таржимаи ҳолидаги самимий иқроп-ақидаларини ҳамда Кундалиқларидаги эътирофларни ёдга олиш kifоя.

Буюк устозлар сиймоси, адабиётга эътиқоди ва ижодий принципларига юксак эҳтиром кўрсатиб келган Тоғай Мурод уларга бошқалардан кўра ҳам кўпроқ садоқат билан изчил амал қиларди. Тоғай Муроднинг деярли барча асарлари, энг аввало, “одамлар қалбига қалбини пайванд қила олиш” самараси бўлиб майдонга келганлиги ана шу юксак ижодий аъмол ва барҳаёт анъаналарнинг ёрқин намунаси бўла олади. Ёзувчи яратган қаҳрамонлар характери ҳам ғоят оригинал, биз кўп ўқиган китоб қаҳрамонларининг хулқ-атвoriдан фарқланиб туради. Бу жиҳатдан XX аср ўзбек насрининг йирик вакили Пириmqул Қодиров ҳайрат билан айтган фикрлари ҳам эътиборга молик: “Тоғай Муроднинг Хўжасоат кишлоғи, Сурхон водийси ва у билан туташ ўзбек диёридан олган таассуротлари унинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом” ва

“Ойдинда юрган одамлар” номли қиссаларида ва “Отамдан қолган далалар” романида ниҳоятда ёрқин ҳаётӣ образларга айланганини кўриб, унинг истеъдоди ва маҳоратига қойил бўлганман.

Масалан, ўзбек кураши биринчи марта Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси билан адабиётимизга кириб келган эди. Афсуски, қисса яратилган 70-йилларда унда қандай катта ижодий кашфиёт борлигини кўпларимиз ҳали англаб етмаган эканмиз. Орадан ўнлаб йил ўтгач, истиқлол даврида ўзбек кураши жаҳон миқёсига чиққандан кейин Тоғай Мурод келажакни олдиндан кўргандай катта ижодий кашфиёт қилганини англаб етдик...”<sup>44</sup> Хассос адиб ва адабиётшунос олим Пиримқул Қодировнинг мураккаб бир даврда адабиёт майдонига кириб келётган ёш истеъдодли ёзувчи Тоғай Муроднинг ўзига хос ижодкорлиги, ёрқин келажакни кўра билгани ва унинг дастлабки қиссалари хусусида билдирган илиқ, самимий фикрлари таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга Тоғай Муроднинг бошқа тенгқурларидан ажралиб турадиган ноёб бир фазилатини ҳам таъкидлаш лозим. Асосан, анъанавий севгини куйлашдан бошловчи ёш ижодкорлардан фарқли ўлароқ, Тоғай Мурод замонавий мавзуларга мурожаат қилмай, айнан миллий кураш, чавандозлар ва отлар ҳақида етук қиссалар ёзиши тасодиф ёки шунчаки бир ҳавас эмас. Балки Сурхон воҳасида кенг тарқалган қадимий ўйин – олиш ҳам, инсон зотининг азалий бир ҳамроҳи бўлган отлар ҳамда чавандозлар ҳаёти адиб учун ёшлигидан униб-ўсган кадрдон қишлоқ ҳаётининг ажралмас бир қисми эди. Шу муносабат билан танқид-адабиётшуносликда яқдиллик билан эътироф этилган муҳим бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим. Тоғай Мурод ўз ижодида кенг ёритган қишлоқ одамлари, уларнинг феъл-атвори, урф-одатлари, тўй-томошалари, кўпкари ва курашлари билан адабиётда янги бир саҳифа очилди. Хўжасоатни ва олтинсойликларни яхши билайин деган одам бошқа ҳар хил манбаларни титкилашга вақт

---

<sup>44</sup> Қодиров П. Қалби асарларида қолган адиб. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида . –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –Б. 16-19.

кетказмай, адиб асарларини ўқиши кифоя. Тоғай Мурод Хўжасоатни улуғ хурмат ва эҳтиром билан катта адабиётга олиб кирди. Худди Доғистон шоири Расул Ҳамзатов Цада овулини, қирғиз адиби Чингиз Айтматов Шакар овулини оламга ёйгани каби, Тоғай Мурод ҳам Хўжасоатни, унинг қирлари, адирлари, оппоқ-ойдин кечаларини, қўйингки, бутун Сурхонни ўзига хос маҳорат билан нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётига олиб кирди.<sup>45</sup> Полвонлик ҳам, чавандозлик ҳам унинг табиатида, қонида бўлган. Бу ҳақда адибнинг болалик таассуроти, хотира-эътирофлари алоҳида аҳамиятга эга.

Тоғай Мурод ўз ижодини ҳикоялардан бошлаган бўлса-да, ёзувчи ижодида қисса жанри етакчи эканлигини кўрамиз. Унинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом”, “Момо Ер қўшиғи” қиссаларининг яратилиши, уларнинг ижтимоий-эстетик ва биографик асос-манбаларини ўрганишда ёзувчининг болалик хотиралари ва айниқса, Кундалик дафтарлари муҳим ва ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Кундаликларидаги битиклари ҳам адиб асарлари каби ҳажман қисқа, мазмунан чуқур; адиб услубига хос халқона такрорлар билан теранлашган кўплаб фикр ва қайдларни ҳам ўқиш мумкин. Энг муҳими, Кундаликларидаги қайдларида ҳам халқ ва миллат қайғу-аламлари ифодаланиши билан бирга, айти вақтда, уларда адиб “мен”и – ўзига хос йирик бир миллатпарвар ижодкор шахснинг изтиробли ўй-фикрлари, юксак орзу-интилишлари ҳам ёрқин акс этганлигини кўрамиз.

Кўп жиҳатдан ёзувчининг шахсий ҳаётининг кечинмалари ва болалик таассуротларига асосланган “Юлдузлар мангу ёнади” (1976) қиссаси дастлаб “Давра” номи билан нашр этилади. Асар устоз адиблар ва китобхонлар таклифи билан бироз қайта ишланади, мукамаллашади ва номи ҳам “Юлдузлар мангу ёнади” деб бутунлай ўзгартирилади. Қиссанинг номи ўзгаришига сабаб ва ҳолатлар юзасидан Тоғай Мурод

---

<sup>45</sup> Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 156.

билан анча йил ҳамхона бўлиб яшаган ва адибнинг айрим асарлари яратилиши жараёнига бевосита гувоҳ бўлган, баъзан “доялик” ҳам қилган бухоролик истеъдодли шоир Чоршамънинг хотира ва изоҳлари кўп жихатдан аниқлик киритади<sup>46</sup>.

Чоршамъ шоирнинг хотирлашича, Тоғай Мурод ушбу қиссасини тугатиб, “Давра” номи билан алоҳида китоб ҳолида эълон қилдирган. Лекин бу ном ёзувчини тўла қаноатлантирмайди. Чунки бу сарлавҳанинг маъноси бир қадар умумий ва одмироқ эди. Давра дейилганда, кўпинча тўй-маъракаларда бир давра-кур бўлиб ўтириш ҳолатлари назарда тутилади. Ёки “Қизлар давраси” деган тушунча маъносида ҳам кўп қўлланилаверади. Ҳар бир сўз ва иборага ўта масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўладиган Тоғай Мурод асар номига жуда катта ғоявий-бадий вазифа юклар эди. “Ном асар руҳини тўла ифода этиши керак. Токи сарлавҳани ўқиши билан ўқувчининг юраги “жиз” этсин, унда шу асарни ўқишга истак уйғонсин”<sup>47</sup> Адиб фикрича, асар номи шундай бўлиши керакки, у ўқувчини қизиқтириши билан бирга маълум даражада сирли ва маънодор бўлиши лозим. Ана шу ниятда ёзувчи асарлари учун бир неча номларни ёзиб чиқади ва уларни Чоршамъга кўрсатиб, “шулардан қайси бирини маъқул топасиз ва ўзингиз ҳам бир нечта номлар ўйлаб кўрсангиз”, – деб илтимос қилади. Масалан, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасининг ҳам “Оқшом одамлари”, “Оқшомги одамлар”, “Ой ёруғидаги одамлар” каби ўнлаб номлари ёзилган. Худди шундайин, полвонлар курашини акс эттирувчи қиссасига маъно қамрови анча кенг ва сирли бўлган, муҳими, халқимизнинг қадимий миллий кураш спорти мусобақаси неча асрлардан буён яшаб келаётганлигини таъкидловчи “Юлдузлар мангу ёнади” сарлавҳаси мақбул кўринади. Чиндан ҳам, бу ном халқимиз тарихи ва маънавиятининг узвий қисми бўлган курашни санъат даражасига олиб

---

<sup>46</sup> Чоршамъ. Шоир укам, яхши. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.144-150.

<sup>47</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б.146



чиққан полвонлар сулоласининг бардавомлигини ҳам рамзий маънода ёрқин ифодалаб тургандек бўлади.

Дарҳақиқат, “Юлдузлар мангу ёнади” деган сарлавҳада маънодорлик ва шоирона сирлилик ҳам кучли. Бу янги ном ҳаётий ва фалсафий жиҳатдан кенг маънони англатиб, халқимизнинг асрлар давомида яшаб келаётган миллий қадриятлари бардавомлигини ҳам рамзий тарзда ифодалай олган.

Қиссанинг янада таъсирчан ва бадиий мукаммал бўлишини таъминлаган бу каби ўзгаришлар ҳам Тоғай Муроднинг адабий-эстетик қарашларини тўлдирувчи муҳим мисоллар бўлиши билан бирга улар ижод жараёнининг муайян қирраларини ҳам ёритишга хизмат қилишини таъкидлаш лозим. Асар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси томонидан “Йилнинг энг яхши қиссаси” деб топилади. Асарда халқимизнинг қадимий мусобақаларидан “олиш” – миллий кураш орқали Сурхон воҳасидаги полвонларнинг мард ва ўқтамлиги таъсирчан лавҳаларда акс эттирилади. Уларнинг асл ўзбекона табиатига хос беғубор соддалик, тўғрилиқ ва бағрикенглик сингари безавол умуминсоний фазилатлари улуғланади. Отабоболаримизнинг удумларини эъзозлаб, эл-юрт ташвиши билан яшаб келаётган Бўри полвонлар учун меҳр-оқибат, номус ва диёнат ҳамма нарсадан устун. Ҳаётда ва давраларда ҳам мудом ҳалол ва субутли, иймон-этиқодли бўлиш – Бўри полвоннинг юксак аъмоли. У баковуллик ва ҳакамлик қилган давраларда хиёнат ё пасткашлиқ бўлмайди. Ҳамиша адолат ва ҳалоллик, мардлик ва маҳорат ғолиб келади. Бўри полвон ҳатто ўз ўғли ёки яқин қариндошига ҳам асло ён босмайди, доимо тўғриликни, адолатни устувор деб билади. Унинг ёлғиз ўғли Тиловберди ҳам аслига тортади, ёшлигидан пирларни ёд этиб, ерни тавоф қилишга ўрганади, отаси каби полвонликни санъат даражасига кўтариб, эл-юртнинг олқишини олади. От изини той босар деганларидай, унинг орқасидан ҳадемай неваралари эргашади. Шу тариқа ҳаёт ҳам, миллий урф-одатларимиз ва қадимий қадриятларимиз ҳам асло барҳам топмайди, ҳеч

качон завол кўрмайди. Яъни Бўри полвонларнинг кўкдаги юлдузи ҳам миллатимиз ва юртимиз осмонида ҳеч қачон сўнмайди, мангу порлаб туради. Булар – юртимиздаги полвонлар сулоласининг пойидорлиги ва авлоду аждодлар бардавомлиги, халқ ва миллатимизнинг мангу барҳаётлигидан ёрқин далолат бўлиши билан янги Ўбекистонимиз учун ҳам мустаҳкам бир замин бўлиб хизмат қилади. Тоғай Мурод асарларининг ижтимоий-эстетик аҳамияти ва умрбоқийлигининг “сири” ҳам, энг аввало, мана шунда.

XX асрнинг сўнгги чорагида адабиёт майдонига кириб келган Тоғай Мурод каби ёш талантлар авлоди ўзларининг истеъдоди даражасида замонавий адабиётимиз ривожини учун хизмат қилди. Улар проза ва поэзияда яратган етук асарлари билан бадиийлик мезонларини ҳам янгилашга жиддий таъсир ўтказди. Ҳаёт воқелиги турли адабий жанрларда ифодаланиши мумкин, аммо ҳар бир ижодкор ўз истеъдоди ва эстетик идеалига кўра асарининг бадиийлигига мос келадиган характерли воқеа ва қаҳрамонларни танлайди, шуларни образлар орқали санъаткорона тасвирлашга интилади. Бироқ узоқ ижодий изланишлар давомида шаклланиб келган бу анъаналар ўтган асрда адабиёт маълум бир мафкурага хизмат қилишга бўйсундирилгани, ижодкорнинг ҳаётга ва оламга теранроқ назар солишига йўл қўйилмагани аччиқ ҳақиқат.

Бинобарин, чинакам санъаткор инсон ҳаёти ва ички оламини англаб етмасдан, унинг дард-изтиробини чуқур ҳис этмасдан туриб, етук бадиий асар ярата олмаслиги ҳам азалий бир ҳақиқатдир. Дард-изтиробсиз, ҳис қилинмасдан ёзилган асар китобхон қалбини ларзага сола олмайди. Тоғай Мурод каби истеъдод соҳибларининг кўнгли ғалаён қилиши учун, ҳаётга ва жамиятга теранроқ назар солиши учун ана шундай изтироб маънавий-руҳий озуқа беради. Бу эса инсонни ва унинг қалбидаги, шууридаги дардларни юзага чиқаришга имкон беради. Ижодкор шахс адабиётнинг қайси жанрида асар яратмасин, нигоҳини, энг аввало, миллий ва умуминсоний муаммоларга ва азалий қадриятларнинг бадиий тасвирига

йўналтиради. Шундай муносабат ва бадий талқин орқали ёзувчининг ғоявий нияти ўз ифодасини топади. Бу жараёнларни Тоғай Мурод ижоди мисолида яққол кузатиш мумкин.

Ёш адибнинг дастлабки қиссалариёқ адабий жамоатчилик эътиборига тушиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Кўплаб устоз адиблар ва таниқли мунаққидлар Тоғай Мурод истеъдодининг бетакрорлигига, ўзига хослигига, халқона услубига тан беришади. Бироқ ўша давр мафкураси раҳнамолик қилган адабий муҳитдаги ноҳақлик ва қолаверса, моддий муҳтожлик (“бир чақасиз қолган кунлари ҳам бўлган”) Тоғай Муродни Тошкентдан тагин ўз она қишлоғига қайтишга мажбур қилади. Ёш адиб яна ўша олис Сурхондарёдаги ўз қишлоғидан, халқдан ҳимоят-тасалли топади, ижоди учун туганмас маънавий-руҳий озиқ ва ижодий илҳом олади. Ҳар бир йирик адиб ижодида шундай асарлар яратиладики, уларда ўша санъаткор истеъдодининг ёрқин жиҳатлари “мана-ман” деб тургандай тўла намоён бўлади. Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” (1979) қиссаси адиб учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам ана шундай янги ва омадли асарлар сирасига киради. Қисса чуқур ғоявий-бадий муаммолари ва жозибали образлари билан бошқа асарлардан фарқланиб туради. Нафақат ўзбек прозасида, балки жаҳон адабиётида ҳам янги бир саҳифа бўлиб майдонга келган бу қисса ёш адиб учун ҳам янги ва юксак ижодий бир довон бўлади. Хусусан, от ва чавандозлар унинг учун ҳали кашф этилмаган янги бир дунё, халқ ҳаёти ва миллий руҳиятини чуқурроқ англаш йўлидаги мафтункор тилсим бўлиб туюлади. Бу ҳақда Тоғай Мурод ўз таржимаи ҳолида шундай гувоҳлик беради: *“Кеч кузда юртимизга йўл олдим. Саттор чавандоз дегич билан топшидим. У менга бир от топиб берди. Мен отландим! Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпқари чопдим. Неча бор отлардан йиқилдим. Кечалари чавандозлар билан гурунг қилдим. Чавандозлар дўмбира чалиб, кўпқарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади. Узун қиш кўпқарихона – иш жойим бўлди, чавандозлар ҳамхонам бўлди, отлар –*

*биродарларим бўлди...*<sup>48</sup>. Бинобарин, Тоғай Муроднинг турмуш тақозоси билан кўп йиллар суворийлар билан жўра бўлиб, улоқчи-чавандозликнинг ҳам бутун ташвиш-қувончларини ўз бошидан кечирганлиги қиссанинг ишонарли бўлиб чиқишида жуда қўл келган. Адиб ёзган асарларда инсоннинг маънавий олами, унинг дарду аламлари аксарият ҳолларда оддий қишлоқ кишилари мисолида очиб берилдики, бунинг замирида содда, тўпори, бағрикенг ўзбек миллатининг асл қиёфаси теранроқ гавдаланади.

Ноҳақликлар халқнинг маънавий посбони, тоғдай таянчи бўлган Тоғай Муроддай юксак эътиқодли ва миллатпарвар адибни бефарқ қолдириши мумкин эмас эди. Шу сабабдан Тоғай Мурод “Кўнгил кўзғолди. Кўнгил ғалаён қилди. Туйғулар тўлди, туйғулар тошди, туйғулар чорлади.” Ва адиб кўнглидаги миллатпарварлик туйғуларини ва халқ қайғу-аламларини ифодаловчи асар яратади, унда ҳаёт ҳақиқатини чуқур ёритади<sup>49</sup>. Чунончи, ушбу қиссанинг бир бобида совет тузумидаги бедодликлардан бирининг Тоғай Муродга хос халқона тасвир орқали ҳаққоний акс эттирилганини кўрамиз. Шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсати билан отларни мажбуран гўштга топшириш тўғрисидаги машъум қарорига асосан қанча яхши наслдор отлар мажбуран олиб кетилгани эл-юртга, айниқса, отларини яқин дўстларидай кўрган чавандозлар учун оғир йўқотиш бўлгани содда ва халқона бир тарзда тасвирлаб берилган. “Катталар уйма-уй юриб от олди. Эл бермайин деса – катталар! Эл ёқалашайин деса ёнида – шапкалар! Эл остонагача отларига эргашиб борди.

Эл қон-қора қақшади. Эл дарди ичида бўлди.

Неча-неча қорабайирлар кетига қараб-қараб кетди. Неча-неча жийронлар кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча саманлар гўшт бўлиб кетди. Чавандозлар эмчақдоши урушдан қайтмаган бўзбола мисол мунғайиб

---

<sup>48</sup> Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қисса. –Тошкент: Шарқ,1994. – Б.464.

<sup>49</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Шарқ, 2019. – Б.109-119.

колдилар...”<sup>50</sup> Бундай тасвирлар Тоғай Муроднинг от ва чавандозлар ҳаёти, айниқса, руҳиятини нақадар чуқур ўрганганлиги натижаси бўлиши билан бирга, айна вақтда, ёзувчининг халқ оғзаки ижоди, маросим кўшиқларидан ҳам чуқур таъсирлангани, улардан ижодий илҳом олганлигининг ҳам бир самараси бўлса ажаб эмас. Ёзувчи онг-тафаккури ва туйғуларида зоҳир бўладиган ўсиш-ўзгаришлар унинг дунёқарашида азал-азалдан яшаб келаётган ҳиссий кечинмаларидай акс этади. Бу кечинмалар асар қаҳрамонининг адолат учун жонбозлик қилишида ҳам бўртиб кўринади. Чунончи, адиб яратган қаҳрамон Зиёдулла чавандоз адолатни бутун оламдан, ҳатто атрофида рўй бераётган оддий воқеа-ҳодисалардан ҳам излайди. Масалан, қиссада тасвирланишича, бозордаги ва чойхонадаги мутлақо нотаниш одамлар ўртасидаги можарони неча юзлаб одамлар кўриб, лоқайдлик билан томошабин бўлиб туради. Зиёдулла эса бу бегона одамларнинг уриш-жанжалига бефарқ қараб туролмайди. Айниқса, бир бегуноҳ одамга бир нечта безори-каззоблар томонидан қилинаётган ноҳақликдан виждони қийналади, уни безори-ўғрилardan ҳимоя қилади. Ўз сўзлари билан айтганда, жанжални “орача қилади”. Оқибат ўзи ҳам улардан жабр кўради. Асар мазмунининг кенглиги ва унда нафақат даврнинг реалистик воқеалари, балки умуминсоний муаммолари ҳам чуқур бадиий талқин этилганини яна бир лавҳа мисолида ва қаҳрамон фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Қиссада тасвирланишича, кўпкарилардан бирида бўлган ноҳақлик ва бахилликдан азият чеккан катта чавандозлар бир тўда пасткашларга зарда қилиб тўйни ҳам, улоқни ҳам ташлаб кетишади. Зиёдулла чавандоз эса бундай осон йўл тутмайди, ёлғиз ўзи ўша кўпкаридаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашади. Зиёдулла чавандоз учун лоқайдлик-худбинлик фалсафаси мутлақо ёт. Аксинча, ўзгаларга ҳамдардлик ва одамийлик, ҳатто ҳаётини хавф остига солиб бўлса-да, тўғрилик ва эзгулик

---

<sup>50</sup> Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.464.

учун курашиш китобхон кўз олдида оддий бир подачи Зиёдуллани инсон деб аталмиш улуғ номга муносиб етук бир шахс даражасига кўтаради. Шу жиҳатлари билан ҳам Зиёдулла образи жаҳон адабиётининг ўлмас қаҳрамонлари галереясига мансуб дейиш мумкин. Масалан, Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романидаги Отақўзи, Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” ва “Қиёмат” асарларидаги Танабой ва Бўстон чўпонларга ҳамда Валентин Распутиннинг “Ёнғин” қиссасидаги Иван Петрович Егоров каби оддий, лекин имон-эътиқодли ва қатъиятли-иродали қаҳрамонларга маслакдош биродар бўлиб гавдаланади. Бундай муштарак ҳолатлар ҳам Тоғай Мурод асарларининг умуминсоний мазмун-моҳиятидан гувоҳлик бериши билан бирга, айни вақтда, улар ёш адибнинг бадиий маҳорати ва тасвирлаш санъати юксак бўлганлигини ҳам яққол намоён этган дея оламиз.

Бугунги глобаллашув жараёнида энг катта муаммо олам ва одам, одам ва одамнинг ўзаро муносабатларининг бадиий талқинида миллийлик билан бир қаторда инсоният олдидаги фожиалар, улар замиридаги қалб изтиробларини теранроқ англаш мумкин. Бу жиҳатдан Тоғай Мурод қисса ва романлари алоҳида эътиборга лойиқ ва улар жанр тараққиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди. “Замонавий ўзбек адабиётида “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси билан полвонларнинг мардона ҳаётини истеъдодли адиб Тоғай Мурод тасвирлаб бергани барчага маълум. Нормурод Норқобилов “Кураш” ҳикоясида шу анъанани давом эттирди”, – деб ёзади тадқиқотчи С.Бозоров.<sup>51</sup> Тоғай Муроднинг миллий кураш, кўпкари, отлар ва чавандозлар ҳаётини ёрқин акс эттирган асарлари Нормурод Норқобилов, Ғафур Шермухамедов сингари ёзувчи ва режиссёрлар томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги ҳам адиб маҳорати ва асарлари бугунги Истиқлол адабиётимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига баракали таъсирини кўрсатиб туради.

---

<sup>51</sup> Базаров С. Нормурод Норқобилов асарларининг поэтикаси. Филол.фанлари флсафа д-ри... (PhD) дисс. – Жиззах, 2021. – 137 б.

Дарҳақиқат, Тоғай Муроднинг мазкур қиссасидаги Бўри полвон билан Нормурод Норқобиловнинг “Кураш” ҳикоясидаги бош қаҳрамон Ҳамида момо образларини қиёслаш бу асарларни яратишдаги асосий манбалар ва уларга хос муштарак жиҳатларни кенгроқ очишга имкон беради. Икки асар ҳам ўзбекона миллийлигимиз рамзларидан бири бўлган кураш ҳақида.

Табиатан феъли тор, тўғрисўз, қатъиятли, Тўра полвоннинг ёлғиз қизи Ҳамида момо образи асарда ҳалоллик, тўғрилиқ тимсолидек гавдаланади.

“Тўра полвоннинг ўғли бўлмаса-да бир ўғилга тенг келгулик ориятли, курашнинг сир-синаотини биладиган ва унга қатъий амал қиладиган, полвон йигитларнинг бир нечасини курагини ерга теккизган, алпдай қизи бор”. Кураш аёлларга ярашмаса-да момоларимиз шундай куч-қудрат ва маҳоратга ҳам эга бўлган. Ҳамида момо ана шундай момолар сафида туради. Момо ўғли Шомурод полвон курашларда совриндор бўлганидан ғурурланади. Аммо ўғлининг ғирромлигини билгач, момо кўксида нимадир жунбушга келади. Унинг қалбида уят ва орият, нафс ва виждон тўқнашди. “Ёмон полвоннинг онаси бўлгунча. Отамнинг арвоҳини чирқиллатиб қўймайман”. Момо образи орқали Тоғай Мурод маҳорат билан тасвирлаган полвонлар миллий характерлари ижодий анъана сифатида давом этаётганини кўраимиз.

Тоғай Мурод асарларида даврнинг мураккаб воқеликлари умумлаштирилишидан ташқари инсон шахси ва руҳий кечинмаларини акс эттириш устувор аҳамиятга эга. Бинобарин, адабий асар сўз санъатининг етук намунаси бўлиши билан бирга тасвирланаётган давр ва жамиятнинг ўзига хос бадиий-эстетик инъикоси ҳамдир. Айни вақтда, улар инсонни шахс сифатида шаклланиши жамият ва муҳит билан боғлиқлигини ва шахс ички оламини ҳаққоний бадиий акс эттира олганлиги билан ҳам Тоғай Муроднинг ижодкор сифатидаги ўзига хослигини намоён этиб туради. Бўри полвон ва Зиёдулла чавандоз каби адабий қаҳрамонлар характери ва руҳиятини жамият ҳаётида рўй бераётган воқеалардан четда тасаввур этиб бўлмайди, чунки воқеа-ҳодисалар асар персонажлари учун ўзига хос

макон-ҳаракат майдони ҳисобланади. Инсон муҳит таъсири остида ва ўз характери, имконияти даражасида ўзгаради. Қаҳрамонларнинг воқеа-ҳодисаларга ҳиссий ва ақлий муносабати, сўз ва ҳаракатлари билан уларнинг тўлақонли образи яққолроқ намоён бўлади.

Тоғай Мурод учун чинакам санъат асари яратишнинг асосий шарт-омили у ёзувчининг ички дард – туғёнига айланиши керак. Ижод жараёнининг сир-синаотли бу ҳолати турлича, баъзан “ўзини унутиш даражасидаги ҳолат” деб тавсифланса, кўп ҳолларда “ижоднинг юлдуз онлари” ёки “илҳом ҳолати” каби тушунчалар билан изоҳланади. Санъаткор айтмоқчи бўлган ғоя ва китобхон билан баҳам кўрмоқчи бўлган ички ҳис-туйғулар ҳам руҳан, ҳам жисман жам бўлиб, кучли бир тўлқинмисол қуйилиб келиш ҳолатини Тоғай Мурод “Асар кўнгилдаги куйга тушди” деб таърифлайди. “Асар янада кўнгил куйига тушсин учун” – ижодий илҳом келиши учун эса ёзувчи қаламга олаётган мавзунинг руҳига чуқур кириши, уни ўз дарди-туйғусига айлантириши керак. Тоғай Муроднинг ижод тўлғоғи жараёнидаги ҳолатини кўрган ҳамкасби ёзади: “Тоғай Мурод ижод тўлғоғида бутунлай бошқача қиёфа касб этганди. Мени кўрдим ҳам демасди: олдидаги пиёладаги қачондир сузилган чой қотиб, сарғайиб қолган. Идишдаги сўлиган узумга қўл ҳам урилмаган. Нон ҳам тарашадай қотган. Соқоли ўсган, аммо бу унга ярашган. Хаёлимга унинг: “Чёрт побери, ўзи бир келади. Одам фолчилардай бўп кетади”, деган гаплари келди. Уч кундан сўнг Тоғай Мурод ишга келди. Ясан-тусан кийинган. Ранги тозариб, очилиб кетгандай. Мен билан ҳеч нарса бўлмагандай кўришди. Мен унга тегишдим. –Ўша куни танимадингиз-а? Адиб ҳеч нарса билмагандай, ажабланиб елка учирди...”<sup>52</sup>. Бу жиҳатдан Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасининг яратилиш жараёни ва бу ҳақда бевосита адибнинг ва Саид Аҳмаднинг гувоҳликлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу қиссасини “Тоғай ўз танасидан чиқиб кетиб,

---

<sup>52</sup> Қодиров Ж.Атоқли адибнинг фирка зулмидан хўрлангани ҳақида. Мен қайтиб келаман Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 136-150-66.



Ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору кузларни, кишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб, бир дарвеш киёфасига кириб, далли девона бўлиб ёзди. Ундан, шу қиссани қандай ёзганини эслай оласанми, деб сўраганимда, у жиндек ийманиб, ўнгимда эмас, тушимда ёзгандекман, деб жавоб бергани”. Тоғай Муроднинг ўзи ҳам бу қиссанинг қандай қийинлик билан бошлангани ва айнаи вақтда, “кўнгил куйига айлангандан” кейин эса адибга хос ички бир туғён ва жўшқин ижодий илҳом билан яратилганлигини шундай изоҳлайди: “Қиш келиши билан яна ўша Сурхон тоғлари оралиғида жойлашган (тоғчор) боғдан макон топдим. Уч ой қиш мобайнида йирик асаримни яратиш билан машғул бўлдим. Боғ қоровулини ўғлидан магнитофонини олиб келдим. Боладан бир ашулани топиб келишини илтимос қилдим. Бола мен айтмиш ашулани топиб келди. Бу – Юнус Ражабийнинг “Куйгай” ашуласи эди. Мен эшикни ичкаридан кулфладим. Дераза пардаларини туширдим... Юнус Ражабийнинг “Куйгай” ашуласини қўйдим. Мен Юнус Ражабийни бот-бот эшитдим, қайта-қайта эшитдим. Тонг вақти – тонг вақти эшитдим. Кун олис эшитдим. Ярим тунда эшитдим.

Юзларим жикқа ҳўл бўлди. Кўрпам бурчлари жикқа ҳўл бўлди. Сочикларим жикқа ҳўл бўлди. Мен Юнус Ражабийга жўр бўлдим. “Мен “Куйгай”ни димоғимда хиргойи қилдим. Лабларимда хиргойи қилдим. Ниҳоят, кўнгил буюрди. Кўнгил соз чалди. Кўнгил қўшиқ айтди. Мен ўйнадим. Ниҳоят, асар битди. Асарни “Ойдинда юрган одамлар” деб атадим. Оққа кўчирдим. Бот-бот, қайта-қайта кўчирдим. 1980 йил баҳорида асарни “Шарқ юлдузи” журналига бердим. Журналдагилар ўқийди. Ўз кўзларига ишонмайди. Ўзларига ишонмайди. Ўзларидан кўрқади. Жавобгарликдан кўрқади...”<sup>53</sup> Тоғай Муроднинг деярли барча асарлари ҳам ана шундай табиий бир ижодий илҳом оғушида яратилганлиги ҳақида адибнинг турмуш ўртоғи Маъсума Аҳмедова ва бошқа яқин дўстлари,

---

<sup>53</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 166.

бирга ишлашган ҳамкасблари ҳам ўз хотираларида қайд этишганлар. Афсуски, яратилиши ҳам, ўзи ҳам адабиётимизда бир мўъжиза сифатида баҳоланган бетакрор қисса ҳукмрон совет мафкуриси ва унинг дастёрига айланган “ғаразгўй танқидчиликнинг ноҳақ зарбасига дучор бўлиб, бир неча йиллар нашр этилмади. Бу хусусда тадқиқотимизнинг “Адиб ижоди ва адабий танқидчилик” фаслида батафсил фикр юритилади ва зарур хулоса қилинади.

Тоғай Мурод яратган қаҳрамонларининг маънавий ҳаётимиздаги ижтимоий-эстетик мавқеи ҳам, энг аввало, улардаги ана шундай умуминсоний қадриятлар ва эзгу ақидалар билан боғланган. Зиёдулла чавандоз қалбидаги кудратли ишонч-этиқоднинг ғоявий-руҳий ифодаси бўлган сўзлари орқали ёзувчи гўё бизни ҳам эл-юрт ва виждон олдидаги бурч-масъулиятимиз ва дахлдорлигимизни унутмасликка давъат этади: “Биродарлар, биз ҳамиша адолат, адолат деймиз. Адолат йўқ, адолат осмонда деймиз. Йўқ, адолат ерда! Оёқларимиз остида! Адолатни ким бундай хор қиляпти? Биз ўзимиз! Бир имонсиз адолатни бўғса, йўлимизни чап соламиз. Ёмондан қоч-да қутул ё тон-да қутул, деймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтирамиз. Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб қолишидан ё амалимиздан айрилиб қолишдан қўрқамиз. Ўзимизга ғаним орттиришдан қўрқамиз...”<sup>54</sup> Шу тариқа ёзувчи бугунги ҳаётимиздаги жиддий бир муаммодан, маънавият ва руҳиятимиздаги ижтимоий дард-иллат – лоқайдликдан бизни огоҳ этади ва одамийликка бошлайди. Кўриб ўтганимиздек, адиб қиссаларида давр воқеалари муайян ғоявий-бадний ният ва концепция асосида ёритилиши, инсон шахси ва руҳий изтироблари чуқур ифодаланиши билан ажралиб туради. Булар, албатта, қиссаларнинг Тоғай Мурод кўнгли куйига тушиб, худди қўшиқ каби яратилгани, ижодкор қалбидаги ғоялар миллат тафаккури ва туйғулари билан ҳамоҳанглигининг бир натижасидир.

---

<sup>54</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 126

### **Боб бўйича хулосалар:**

1. Адабий асарда муаллиф биографияси унсурлари акс этиши ва ижодкор шахсига хос хислатларни ўрганиш ижод намуналарини англаш ва таҳлил этишнинг самарали йўлидир. Асар ёзувчидан униб чиқиши, фарзандидай туғилиши, асар моҳияти, ҳаётий илдиз-манбалари, яратилиш жараёни биографик усулда ёндашилганда, тўлароқ юзага чиқади.
2. Ўзбек танқид-адабиётшунослигида “биографик методдан фойдаланиш кўникмалари кенг қўлланмаган”, “муаллиф шахсини чуқур ўрганиш асар моҳиятини тушунишда муҳим роль ўйнамайди” каби қарашлар баҳслидир, аслида ижодкорнинг шахсий кечинма ва тажрибалари бутун ижодида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.
3. Тоғай Муроднинг ёзувчилик таланти табиий ва ёрқин бўлганидек, бадиий сўзга эътиқод-маслаги ҳам шундай юксак; унинг адабиёт ва ижодкор шахс ҳақидаги ўй-қарашлари ва адабий-эстетик ақидалари ҳам теран ва миллий заминга асосланган; улар адиб ижоди ва асарлари билан сўз ва амал бирлигидай яхлит.
4. Тоғай Мурод каби ёрқин адиблар ижоди, ёзувчи шахси, ижод жараёни, психологияси, муаллиф “мен”и ва адабий қаҳрамонлар алоқадорлиги масалаларини ёритиш, улар мустақил Ўзбекистоннинг миллий-мафкуравий, ғоявий асоси ва маънавиятига ҳамоҳанглигини давр талаблари асосида тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

## II БОБ. АДИБ РОМАНЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАРИХИ

### 2.1.§ “Отамдан қолган далалар” романининг яратилиши ва ижодкор меҳнати

Адиб таъкидлаганидек, адабиёт ҳам, унинг шакл ва жанрлари ҳам бевосита даврнинг маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан боғлиқ тарзда вужудга келади. Ёрқин истеъдодлар ижоди билан ривожланади. Кенг адабий, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган ва халқимизнинг маънавиятини бойитиб келаётган етук қиссалари билан тан олинган Тоғай Мурод ўзининг одам ва олам ҳақидаги тасаввурларини янада кенгроқ акс эттириш мақсадида роман жанрига мурожаат қилган. Катта эпик жанр бўлган роман ва эпопея мазмуни уларда ёритилган мавзу-муаммонинг моҳияти билан ўзаро фарқланиб туради. Аммо эпопея ва роман жанрининг ҳам мазмун асосини кўпинча миллий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатдан устувор муаммолар талқини ташкил этади. Маънавий-ахлоқий мазмун устувор бўлган романлар кўпинча психологик ва полифоник хусусиятларга эга бўлади. Уларни илмий-эстетик таҳлил қилишда ана шу жиҳатларига асосий эътибор қаратилади.

Эпик турнинг “юксак жанри” романнинг ҳам асосий белгиси унинг ўзига хос бир олам бўлган инсонни, яъни индивидуал шахсни тадқиқ этиш ва тасвирлашга бағишланганлигида намоён бўлади. Муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ вакили бўлган инсон шахс сифатида ривожлангани сайин унинг индивидуаллашуви – ўзига хослиги ҳам чуқурлашиб боради. Ана шундай индивидуал шахслик жиҳатлари ёрқин, ички дунёси мураккаб инсонни тасвирлаш учун ҳам кенг эпик кўлам, Белинский таърифлаганидек, “давр эпопеяси” бўлмиш роман жанри энг мувофиқ бадиий шакл бўла олади<sup>55</sup>.

Кўп асрлик сўз санъати тарихидан маълумки, адабий ижод ва санъат соҳасининг ҳам ўзига хос ривожланиш қонуниятлари мавжуд. Муайян

---

55. Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 279-281.

халқлар адабиётида кўп асрлар давомида шаклланган адабий анъаналар бадиий ижоднинг кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Танқид адабиётшунослигида “роман поэтикаси” тушунчасини “роман назарияси” сифатида қўллаш ҳолати кўп учрайди. Аслида, бу тушунча-иборани роман жанри табиати, қиёфасини белгилайдиган бадиий-эстетик омиллар тизими тарзида тушуниш ва қўллаш маъқул.

Муайян шахс тақдири орқали миллат ҳаётидаги, тақдиридаги тарихий воқеликларни акс эттириш роман-эпопеяларда кўтариладиган асосий мавзу ва муаммолар саналади. Эпопеяда бутун бир миллатнинг барча қатламлари учун муҳим ижтимоий-ҳаётий аҳамиятига эга бўлган воқеалар фониди қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва руҳий олами алоҳида долзарблик касб этади. Эпопея қаҳрамонлари кўпинча миллат тақдири ва тарихида бурилиш ясашдек улкан ижтимоий-психологик, ғоявий-бадиий функцияни бажаришга масъул бўлган йирик шахслар бўлади. Жаҳон адабиёти тарихидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Эпопея бадиияти учун воқеалар тасвири билан қаҳрамонлар кечинмалари параллел равишда акс эттириб борилиши муҳим шарт саналади. Шу билан бирга бу жараёнлардаги турли ҳолат ва зиддиятли тўқнашувлар тасвирининг уйғунлиги, сюжет линиялари хилма-хил ва серқирралиги ва уларнинг ўзаро ғоявий-мантиқий боғланиши каби специфик хусусиятлар ҳам хос белгилар бўлади.

Чунончи, Абдулла Қодирийнинг икки тарихий романи, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, “Улуғ йўл” романлари ёхуд Саид Аҳмад трилогияси, Пиримқул Қодировнинг Бобур ва бобурийлар сулоласига бағишланган романлари адабиётшунослигимизда йирик эпопеялар даражасида ҳам талқин этилади. Шу жиҳатларидан келиб чиқиб, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” ва “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романларини ҳам шартли равишда ўзига хос бир эпопея тарзида тасаввур этиш мумкин. Адибнинг дастлабки ғоявий-бадиий нияти ва икки романнинг эпик тасвир кўлами кенглиги ва ҳажми ҳам шундай тахмин қилишимизга муайян

даражада асос бўлади. “Отамдан қолган далалар”нинг дастлабки қўлёзма хажми 600 бет ва “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романининг дастлабки хажми 500 саҳифа бўлганлигини ёзувчи эътирофларидан билиб олишимиз мумкин<sup>56</sup>.

Роман жанри ҳаётни кенг қамраб олувчи эпик тасвирлаш имконияти билан бир қаторда у инсон ички дунёсини, унинг сирларини чуқур ва батафсил тасвирлашга асослангани учун ҳам эпик турнинг жанрлари орасида етакчи мавқени эгаллайди. Психологизм ва психологик таҳлил адабиётнинг ўзига хос таркибий қисми, яъни табиий ва қонуний ҳодисаси сифатида ўзининг бутун борлигини, айниқса, роман жанрида тўлиқ намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Шу жиҳатдан қаралганда, истиқлол романчилиги турфа хил бадиий талқинларни ўзида мужассамлаштира олганлиги табиий ва бадиий-эстетик бир жараён сифатида бўй кўрсатаётгани кўзга ташланади.

Тоғай Мурод ҳам миллатимиз ҳақ-ҳуқуқи ва шаъни учун фидойилик билан курашган адиб сифатида катта эпик прозада – романчилик соҳасида ҳам бетакрор ижод намуналарини яратди. Чунончи, совет тузумининг янги қатағон сиёсати авж олган 80-йилларда халқимиз ва миллатпарвар зиёлиларимиз бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни Тоғай Мурод ҳам қалбдан қайта кечирганини шундай эътироф этади: “Ана шу вақт қатағон авж олди, қама-қама авж олди. Ўзбек зиёлилари кишанбанд бўлди, кечалаб-кечалаб Москвага олиб кетилди. Сўроқ Москвада бўлди. Суд Москвада бўлди. Ҳукм Москвада ўқилди... шунда полвонлик қоним қайнади! Қоним... оламжаҳон ғанимларим учун қайнади. Мен ўз кўзим билан кўрдим: Ўзбек халқи зиёлиларини тепиб-тепиб зиндон машинага босдилар. Ўзбек халқини зиндон машинага отдилар. Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек зиёлилари қайғуси билан яшадим. Мен

---

<sup>56</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар. Мақолалар. Кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б.128.

Ўзбек халқига хайкал қўяман! Мен Москвадан ана шу ният билан қайтиб келдим...”<sup>57</sup>.

Бу асарни яратиш нияти адиб кўнглида анча илгари пайдо бўлганлиги ҳақида шундай гувоҳлик беради. “Мен “Отамдан қолган далалар” деган бир асар дардида юрибман. Эҳтимол, роман бўлар, эҳтимол, қисса бўлар. Билмадим. Ишқилиб, кўнглимда борини тўкиб соламан...” Романнинг дастлабки қораламасидан адибнинг кўнгли тўлмайди. Чунки асарда табиийлик ўрнида китобийлик кўп, яна бир жойи интеллектуал прозага ўхшаб қолади. “Билиб-билмай, Ғарб оҳангларига ўйнаган жойларим ҳам бўлибди, ёлғон-яшиқлардан сюжет яратиб, қойилмақом қилиб, бураб ташлабман. Фақат одамларнинг исми-шарифи бизники демаса, қолганлари, билмайман, кимники...”

Қарасам, оёғим ердан узилгандай бўлибди. Кўпни кўрган деҳқонлар даврасида бўлдим, дала кездим. Деҳқоннинг, даланинг ҳидини олдим. Ниҳоят, оёғим яна ерни топди, яна оёғимни ерга қўйдим. Асар кўнгилдаги куйга тушди. Асар янада кўнгил куйига тушсин учун шу эрта кўклардан бошлаб Сурхондарёга кетаман...”<sup>58</sup>

Ана шундай улуғ мақсад ва юксак ижодий ният-режасини амалга ошириш учун ёзувчи 1988 йили яна отамакони Сурхондарёга йўл олади. “Мен бўлажак Деҳқонқул далаларини иш жойим этдим. Мен Сурхон далаларида олти ой кездим. Сурхон офтобида олти ой куйдим. Сурхон чангларини олти ой ютдим. Мен деҳқонлар билан пахта тердим...”<sup>59</sup>

Тоғай Мурод халқ ва миллатнинг азалий урф-одатлари, қадимий ўйин-беллашувларини катта ихлос ҳамда фахр билан тасвирлашга, полвонлик ва чавандозликдек юксак қадриятларидан чексиз ифтихор қилишга маънавий жиҳатдан қанчалар ҳақли бўлса, ўзбек деҳқонининг ҳаёти, тақдирини ҳаққоний акс эттириб, улардан дунё аҳлини огоҳ этишга ҳам шу даражада

---

<sup>57</sup>Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 36.

<sup>58</sup> Ўша манба, Т.Мурод, 3-жилд, - Б. 37.

<sup>59</sup> Ўша манба. Т.Мурод, 3-жилд, – Б. 270.

ҳақли адиб эди. Чунки у маъсум болалигидан бошлаб ота-боболаримиз оғир ҳаёти ва машаққатли меҳнатига ошно бўлиб улғайган: “Мен 5-синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида, иш даврида пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди... Аммо романни бошлаб... пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим. Мен ўзимни халқ ҳаёти билимдони, дея ўйлар эдим, халқ характери билимдони дея ўйлар эдим, халқ руҳияти билимдони дея ўйлар эдим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб, мен ҳали ўзбек деҳқонини билмаслигимни англадим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб, пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим”.<sup>60</sup>

Пахта ва пахтакорларни чинакам ўзбек деҳқони зурриёти бўлган ва бўйи пахта далаларида ўсиб, пахтада хат таниган ва яна неча ўнлаб пахтачилик дарсликларию қишлоқ хўжалигига доир ўнлаб китобларни кунт билан ўқиб чиққан Тоғай Мурод даражасида пухта ўрганган ёзувчи, ҳатто мутахассис олим ҳам камдан-кам топилса керак. Лекин адабиётни ва бадиий ижодни буюк адиблар сингари муқаддас деб билган, ўзига нисбатан ғоят талабчан бўлган Тоғай Мурод учун “Отамдан қолган далалар” романини ёзишда бу билим ва тажрибалар камлик қилади. Зотан, чинакам ёзувчи учун бу анъанавий мавзунини ёритишда, энг аввало, ер билан, она замин билан, пахта далалари билан тиллаша олган деҳқоннинг инсон сифатидаги ўй-кечинмалари, орзу-умидлари ва яшашдан мурод-мақсадини билиш ва шуларни ҳаққоний тасвирлаш ҳамма нарсадан зарур эди. Иккинчидан, “Отамдан қолган далалар” романида ўзбек халқининг қон-қонидаги меҳнатсеварлик, муқаддас она заминига бурч-садоқат каби юксак фазилятлар билан бирга миллатимиз бошидан кечган шонли ва фожиали кунларни рўйи-рост акс эттириш орқали халқимизнинг буюк ирода ва саботидан ғурурланиш ҳам бу романнинг яратилишига сабаб бўлган ҳаётини омиллар эди дейилса, ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

---

<sup>60</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 308.



Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, романда халқимиз бошидан кечирган залварли тарихий ўтмиш ҳаққоний акс эттирилади. Адабиёт ва санъатда давр талаби ҳамда ижод масъулияти, халқ улуғворлигини англаш, тарихни теран билиш билан боғлиқлиги, ижод жараёнида мазмунга нисбатан ҳаёт материаллини чеклаш билан, эстетик идеал ифодаси, характернинг асосий белгилари сингари масалалар ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам машҳур сўз санъаткорлари эътиборида бўлиб келган<sup>61</sup>. Ҳаёт манзарасининг ёрқин ифодасини ҳар бир портрет, пейзаж, детал тасвиридан изланиши юртдошларимизнинг турфа қиёфаларини яратиш имконини беради.

Тоғай Мурод Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олган давридаги ўқиш-ўрганиш жараёнида имкон топиб, ўзбек зиёлиларининг қисматига гувоҳ бўлди ва уларнинг қайғуси билан яшади. “Ўзбеклар иши” юзасидан ўтказилган кўплаб тергов ҳужжатлари билан танишди. Узун кунлар суд биноларида бўлиб, ўзбек халқининг зиёлиларига нисбатан бўлаётган кўпол муносабатлар, адолатсизликларни ўз кўзи билан кўрди. Унда янгича йўсинда каттароқ жанрга қўл уриш истаги пайдо бўлган ва бунга ҳаётини тажриба ва ижодий маҳорат тўплаб улгурган эди.

1987 йилда Москвадан қайтган ёзувчи “Отамдан қолган далалар” романи устида иш бошламоқчи бўлдию, мавжуд тажрибаларининг ўзи ҳали етарли эмаслигини ҳис этди. Юқорида таъкидланганидай, у мактабда, талабаликда, меҳнат фаолияти давомида пахта йиғим-теримида қатнашган. Деновда, Хўжасоат қишлоғида ўсган бўлса-да, яратилажак асар жиддий тайёргарликни талаб этар эди. Ўқувчилик даври билан боғлиқ хотираларни ҳаёлда жонлантирибгина бунга эришиб бўлмасди, албатта. Адиб пахтачилик ва қишлоқ хўжалигига оид ўзи таниша олган манбаларни-да бир қур кўздан кечирди. Таассуфки, уларда халқ ҳаёти, руҳияти,

---

<sup>61</sup> Аристотель Поэтика.// ГИХЛ, – Москва, 1957; Буало. Поэтическое искусство, ГИХЛ, – Москва, 1957; Белинский В.Г. Полн. собр. соч. Том. 10; Толстой А. Русские писатели о литературном труде. Том 4., – Ленинград, 1956 ва б.

характерини яратишда ўзбек деҳқонининг тўлақонли образини акс эттиришда қўл келадиган жиҳатлар тўла ифодасини топмаган эди.

Қоникмаслик ҳисси носирни Олтинсой туманидаги Алиқулов дала шийпонига етаклади. Олти ой муддатда шу шийпонда деҳқонлар билан ёнма-ён яшади. Улар билан яшаш орқали яқиндан таниша борди. Чигит экиш, яганалаш, чопиқ қилиш, ўтоқ қилиш, гўнг бериш, сув таратиш, гўза чилпишдан тортиб пахта теришгача оддий халқ билан биргаликда меҳнат қилди. Тунги суғориш палласида шийпонларда ухлаб қолди, ўқариқ бўйлариди ёнбошлаб узоқ суҳбатларга қулоқ тутди, баъзан чарчаган пайтларида ёлғиз ўзи пахтазор эгатларида мизғиб олди. Офтобда куйиш ва чанг ютиш нималигини ўз кўзи билан кўриб ва бошидан кечириб билди. Шундан кейингина “Отамдан қолган далалар” романини ёзиб тугатди. Адибнинг ўй-хаёли бу улкан ижодий иш билан йиллар давомида банд бўлди. “Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман! Мен ана шундай орзуда далалар билан хайр-хўшлашдим. Ниҳоят, орзуларим охир-оқибати – ушбу роман бўлди”.<sup>62</sup> Романнинг қўлёзма нусхаси 1991 йилда тугаган бўлса ҳам, оққа кўчириш ва унга сайқал бериш учун яна неча ойлаб вақт сарфланган. Муаллиф китобнинг илк саҳифасига қуйидаги бағишловни ёзиб қўйган: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси – озод Ўзбекистон учун битдим”. Асар дастлаб 600 бетдан кўп эди. Ниҳоят, катта қисқартишлардан сўнг 263 саҳифадан иборат бўлиб, таркибий тузилиши жиҳатидан ўнга бобдан ташкил топган. Унга муаллифнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги “Мен” деб номланган ҳасби ҳоли, ўзига хос шаклда битилган эссеси ҳам биринчи марта илова қилинади.

“Отамдан қолган далалар” – рамзий роман. Истиқлолгача ўзбек насри бир жиҳатдан давр тақозоси билан, иккинчи томондан эса, айрим ижодкорларда етарлича журъат тақчиллиги боис анчагина яқинг бўлиб келган эди. Мустақиллик йилларида насримиз мавзу жиҳатидан-да, мазмун

---

<sup>62</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б. 270

нуқтаи назаридан-да, жанр жиҳатидан-да анчагина ранг-баранглик касб эта бошлаганига гувоҳ бўляпмиз. Ижтимоий ҳаётда бўлаётган кескин ўзгаришлар ижодкорларни изланувчанлик, курашчанлик ва фидойиликка ундади. Адабиётнинг барча кўринишларида лоқайдлик, журъатсизлик, шахснинг парчаланишига қарши кескин ва жиддий кураш бошланди. Ўзига хос ижодий йўл ва услублар кашф этишга уринаётган, бунга бир даража эришаётган ёзувчиларимиз сафи анча кенгайди. Чунки сўз санъатида маҳоратни тўла намоён этишгина бадиият оламини янада кенгайтиради, адабиётимизни жаҳоний катта наср сари етаклайди. Бадиий тафаккур ва услубини янгилаб бораётган истеъдодли ижодкорлар сафида Тоғай Мурод ҳам бор эди.

Тоғай Мурод ўз авлодининг таниқли вакили сифатида адабиётимизга ёниб кирди. Ўз вақтида Саид Аҳмад уни: “рассом адиб”, “бастакор адиб” сифатида “муҳаббат қўшиқлари” яратаётган, ўзбек адабиётига мутлақо янги, оригинал, бадиий бақувват образларни дадил олиб кираётган адиб сифатида улуғлаган эди.<sup>63</sup> Дарҳақиқат, у адабиётимизнинг Саид Аҳмад мансуб бўлган катта авлоди назарига тушди, ўз китобхонларини топди. У ўзига хос машаққатли йўлдан бориб, жанр-шакл ва мавзу-услуб жиҳатидан ҳам изланишлар қилишга уринди. Маълум даражада бунга эришиб, ўқувчилари қалбида завқ-шавқ уйғотди, янгича тафаккурни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Адабиётшунос И.Ёқубов таъкидлаганидек: “Ўзбек халқининг қадимий анъаналарини тиклаш, миллий ғурурни бўй-басти билан кўрсатишга уриниш, жафокаш, меҳнаткаш ва содда кишилар сиймосини яратиш орқали ўз замондошларининг ташвиш ва қувончларидан баҳс этиш носир тезда адабиёт ихлосмандлари назарига тушишининг бош сабабларидир. У ўқувчини асло зериктирмас экан, бу образларининг самимий меҳрга йўғрилганлиги, мавзуга алоҳида муҳаббат билан услубий ёндашганлигини

---

<sup>63</sup> Саид Аҳмад. Тоғай Муроднинг қўшиқлари. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. – Тошкент: 1994, – Б.44.

кўрсатади. Давр жараёнлари унинг қаҳрамонлари калби орқали кечинилади”.<sup>64</sup> Нафақат Тоғай Мурод ижодида, балки ҳозирги ва Истиклол даври ўзбек адабиётида ҳам улкан бир воқеа бўлиб майдонга келган бу романнинг биринчи ўқувчиси ва баҳоловчиси атоқли адибимиз Одил Ёқубов бўлган. Ўша йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бошчилик қилган устоз адиб ўз таассуротини шундай хотирлайди: ”Асарни ўқиб бошладим. Бошладим-у, кеч бўлганини ҳам билмай қолибман. Хуллас калом, ҳақиқатан ҳам, асарни кечқурунгача ўқиб чиқдим. Чиндан ҳам бақувват асар эди. Адабиётимизда, прозамизда сўнгги ўн беш-йигирма йил ичида яратилган жуда оригинал, ҳаққоний, ҳаётнинг катта зиддиятларини кўрсата олган роман эди. Айниқса, асардаги она ва бола образлари мени ларзага солди. Ўша вақтлар пахта далаларида дори кўп ишлатиларди. Мелконтапос деган. Бола ана шу дори тагида қолади ва ўлади. Она телбаланиб қолиб, пахтазорда фарёд чекиб, ўғлини қидириб юради. Даҳшатли манзара. Адабиёт қачон адабиёт бўлади? У бор ҳақиқатни айта олса, ҳаётнинг аччиқ томонларини кўрсата олсагина адабиёт бўлади. Майли, ширин дамларни ҳам кўрсатсин...Адабиётда бу энг катта масала! Толстой айтган бир гап бор: адабиётнинг бош вазифаси – ҳақиқат ва яна бир марта ҳақиқат! Толстой адабий асарга қўйган талабларга Тоғай Мурод ижоди жуда тўғри келади...”.<sup>65</sup> “Зар қадрини заргар билади” деганларидек, улуғ адиб ва айни вақтда, танқид ва адабиётшунослик илмининг ҳам йирик вакили бўлган Одил Ёқубовнинг ёш ёзувчининг илк романи ҳақидаги фикрлари башоратомуз таъриф бўлди. Бу ҳақиқат ўнлаб етук мунаққидлар, адиблар томонидан, қолаверса, кенг адабий жамоатчилик томонидан ҳам самимият билан эътироф этилди.

Романнавис ёзувчининг вазифаси асар бадииятини таъминлаш билан чекланмайди, у жамият тараққиёт тадрижини фалсафий мушоҳада қилиш

---

<sup>64</sup> Ёқубов И. Истеъдод ва маҳорат. // Филологик тадқиқотлар. – Тошкент: 2002. – Б.13.

<sup>65</sup> Одил Ёқубов. Менинг хотираларим. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.10

ва мантиқий англаш орқали бадий талқин учун жалб этилаётган жамият тафаккурига монанд роман тафаккурини яратади”<sup>66</sup>. Маълумки, ижод учун ёзувчининг дунёни англаш тарзи энг муҳим омиллардан биридир. Тоғай Мурод ҳаёти билан боғлиқ хотираларни кузатар эканмиз, роман тафаккури шаклланишида муаллифнинг шахсий ҳаётидаги тажрибаси, болаликдан пахта эгатларида улғайгани, Сурхон далаларида жазирама офтобда куйиб, олти ойлаб дехқонлардай машаққат чекканлари ёзувчи учун ҳаётининг бир мактаб бўлганлигини тасаввур этишимиз мумкин. Эртаю кеч пахта далаларида умри ўтган ва оила-рўзғоридаги йўқчиликка ҳам кўникиб, инсонга яраша ўртача бир турмушни ҳаёлига ҳам келтиролмаган меҳнатқаш пахтакорларнинг Москвада ноҳақликдан чеккан азоблари 30-50 йиллардаги каби машъум суд жараёнлари ва зўравонлик билан чиқарилган ҳукм-фармонларнинг мудҳиш оқибатларини ўз кўзи билан кўрганлиги – барчаси бўлажак романи учун худди бадий “хом-ашё, масаллик” вазифасини бажарганига амин бўламиз. Болаликдан қабоҳат ва адолатсизликларни кўрган, халқимиз бошига тушган янги қатағон зулмидан изтироб чеккан, уларга қарши кўнгли ғалаён қилган ёзувчининг “қони ана шу разил ва қудратли ғанимларга қарши қайнади”. Тоғай Мурод асарларини чуқур ўрганган ва уларни ҳайрат билан тарғиб этган ҳассос адабиётшуносларимиз О.Шарафиддинов, У.Норматов, И.Ғафуров, У.Қосимов, Р.Қўчқорларнинг суҳбат-хотираларида кекса бир устознинг теран маъноли нақли тилга олинади: ”Жигари эзилган одам қон тупуради”. Бу дардли ҳикматни Тоғай Мурод каби миллатпарвар адибларимизга ва уларнинг халқ ғами-андухини ҳаққоний тасвирлаган асарларига нисбатан ҳам айтиш ўринли бўлади. Шундай адибгина “Мен ўзбек халқига ҳайкал кўяман!” дея олади. Бу – ўзини халқнинг маънавий аскар ва посбони деб билган Тоғай Муроднинг жафоқаш халқимиз олдидаги фарзандлик бурчи ҳамда юксак ижодий орзу – аъмоли эди.

---

<sup>66</sup> Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 30.

Тоғай Мурод ғоявий-бадий нияти ва ижодий режалари аниқ бўлган ва рухий жиҳатдан тайёргарликлардан сўнг ҳам тарихий асарлардан тортиб кишлоқ хўжалигию пахтачилик соҳасидаги кўплаб китобларни, синчиклаб мутолаа қилгани, эртаю кеч излангани ҳам Тоғай Муроднинг чинакам ижодкорларга хос фидоийлигини кўрсатади. Ўз устида тинмай ишлагани, ички маънавий кудратга эга бўлгани, қолаверса, рус, турк ва форс тилларини ҳам билиши, шарқ адабиёти, диний-маърифий илмлардан ҳам яхши хабардорлиги, рус, Европа романчилиги ва “модернизм”, “абсурд” каби оқимларни пухта ўргангани, чуқур англаганларини халққа етказиш эҳтиёжи ва зарурати ҳам адибнинг ушбу романини қисқа фурсатда ёзиб битиришига бир замин бўлган.

Ёзувчиликни ва Ёзувчилар уйини муқаддас масжид деб билган Тоғай Мурод ижод тушунчасига жуда катта масъулият билан ёндашган. Унинг ҳар бир ёзган сатри ортида сўзига жавобгар ғоят талабчан муаллифнинг ўзига хос кескин ва ўткир нигоҳини сезиш қийин эмас. Улуғ адиблар айтганидек, ёзувчи худди асалари турли гиёҳ-ўсимликлардан ва анвойи гуллардан нектар йиғиб, болга айлантиргани сингари ҳаётдаги турфа инсонларнинг характери, феъл-атвори ва ҳаракат-қилиқларидан муайян хислатларни танлаб олади.

Ҳикоя ва қиссалари билан катта тажриба ва маҳорат эгаси бўлиб танилган Тоғай Мурод юзлаб пахтакор-деҳқонларни кузатиш, ҳаёт тарзи, рухий оламини ич-ичдан ўрганиш ва уларни ўзининг ижодий мушоҳадаси билан жонлантириши, бойитиши натижасида ўз қаҳрамонларининг тўлақонли бадий образларини яратишга муваффақ бўлади. Бу жиҳатдан улуғ адиб ва мутафаккир М.Горькийнинг қуйидаги фикри ҳам ушбу ҳолатни ойдинлаштиришда муайян қимматга эга: ”Ёзувчининг иши нимадан иборат? У хаёл қилади – ўзининг мушоҳадалари, таассуротлари, фикрлари ва ҳаёт тажрибасини образлар, картиналар, шунингдек, характерларда мужассамлаштиради, жойлаштиради.” Зотан, бу ҳолат адабиётнинг энг муқаддас бир қонунияти, таъбир жоиз бўлса, мангу бир

низомномасидир. Илмий-назарий жиҳатдан бу мураккаб ижодий жараёни адабий асар қаҳрамонларини типиклаштириш ва индивидуаллаштириш деб таърифлаш мумкин.

Тоғай Мурод шахси ва истеъдоди, ижод йўсинини бошқа кўплаб адиблардан ажратиб турувчи ўзига хос ёрқин жиҳатлар ҳам унинг 1994 йили нашр этилган “Отамдан қолган далалар” номли ушбу романида янада кенгрок бўй кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Романнинг яратилиш тарихи ҳам кўп жиҳатдан ибратли. Адибнинг “Отамдан қолган далалар” романини ёзишга киришгандан кейин унинг тафаккури, руҳияти ва ички оламида қанчалик чуқур ўзгариш – ғалаёнлар юз берганлиги ҳам нафақат ижодкорга хос бир талабчанлик, балки бу етук асар яратишнинг зарурий бир босқичи бўлганлигига эътибор қаратиш лозим. Таъкидлаш жоизки, “Отамдан қолган далалар” романи мазмунан кўламдор, полифоник асар. Унда халқимизнинг мустамлака йилларидаги фожиали ўтмиши ва мустабид шўро тузумидаги оғир ҳаёти ва аянчли қисмати, “Ўзбек деҳқони, деҳқонкуллик психологияси” (Вафо Файзуллох) чуқур акс этган. “Пахта иши” ниқоби остида бошланган оммавий қатағонни ҳаққоний тасвирлаш учун адиб ўша даврдаги машъум воқеалар ичида бўлиб, таҳқирланган ва жабрланган фидоий пахтакор-деҳқонлар, миллатимизнинг содиқ фарзандлари устидан бўлган адолатсиз судларида қатнашади. Адибнинг кўйидаги дард-ўкинчли хотиралари бу асарни яратиш учун қанчалар меҳнат қилгани, излангани, ижод машаққатларини чекканлигидан гувоҳлик бериши билан қимматлидир.

Тоғай Мурод ҳикоялари, қиссалари каби биринчи романидаги ранг-баранг образлар олами ҳам юксак бадиий мезон ва тамойилларнинг ижодий тажассуми бўла олади. Ёзувчи яратган характерлар, энг аввало, ўзбекнинг ўзлигини намоён этиши билан бутун бир силсилани ташкил этади десак асло муболаға бўлмайди. Ватан тупроғини муқаддас билган, дину иймони бутун Жамолиддин кетмон, босқинчиларга қарши мардларча курашган сурхони Акраб, далаларига улуг аждодларидай меҳр қўйиб,

эртаю кеч меҳнат қилган жафокаш Дехқонқул, миллатпарвар танти Бўри полвон, Гўрўғли ва Алпомишдай ёвқур аждодларимизнинг кенжа вакили бўлган Зиёдулла чавандоз, ҳаёти ва кўнгиллари ҳам ой нуридай оппоқ Қоплон ва Оймомолар адабиётимиздаги унутилмас сиймолар бўлиб қолди. Адибнинг чуқур миллийлик ва халқчиллик билан йўғрилган асарларини таҳлил этишда ҳам унинг инсон характерини яратишдаги маҳоратига асосий эътибор қаратилиши лозим. Ижодкор таржимаи ҳолини унинг ўзи яратган асарлари билан узвий боғлаб ўрганиш адабиётшуносликда масаланинг биз шу кунгача эътибор қилмаган жиҳатларини ҳам чуқурроқ англашда муҳим восита вазифасини бажаради.

Тоғай Муроднинг бетакрор шахси ва ижодининг илдиз-манбалари, кийин кечган тақдири ҳақидаги мардона ростгўйлик билан битилган ҳасби ҳоли халқ ҳаёти ва қисмати акс этган яқин ўтмиш тарихимизнинг ҳам ҳаққоний лавҳаларидир. Бу жиҳатдан Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг эътирофи ҳам адиб шахси ва нодир истеъдодини янада равшанроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. “Тоғай Мурод фақат ижодкор, ёзувчигина эмас, ўтмишни чуқур биладиган ўткир кўзли тарихчи ҳамдир. Ёзувчининг ўз кечинмалари бўлмаса, асарлар бу қадар табиий чиқмас эди. Тоғай Мурод шундай катта муаммоларни, дардларни қоғозга туширибдими, ундан каттароқларини ўз бошидан, ўз қалбидан ўтказган” деб ёзганда тўла ҳақ эди<sup>67</sup>. Адибнинг бутун ҳаёт йўли ва ҳатто болалик давридаги турмуш тарзи ҳам шундан гувоҳлик бериб туради. У миллионлаб норасида ўзбек болаларидай кичкиналигидан, маъсум болалик йилларидан бошлаб ота-боболаримизнинг оғир ҳаёти ва машаққатли меҳнатига ошно бўлиб ўсиб-улғайган, онг-тафаккури ҳам ана шу мураккаб ҳаёт, ҳукмрон социалистик мафкура қуршовида шаклланган эди.

Дарҳақиқат, ойу йиллар пахтакорлар билан бирга яшаб, бирга турган, уларнинг бутун азоб-укубатларию, ғам-андуҳларини бирга тотиган

---

<sup>67</sup>Ҳалима Худойбердиева. Тоғай Мурод дегани – тоғдай Мурод дегани. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида . –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.45.



шижоатли ёзувчигина захматкаш ўзбек дехқонининг туганмас ранжу меҳнатларини шу қадар кучли эҳтирос ва ички тўлқин билан жўшиб тасвирлай олади. Фидойи халқимизга, мунис оналарга ўз жигарбандидек жонкуяр бўлган, қанчалик оғир бўлмасин, ҳаёт ва тарих ҳақиқатидан чекинмаган жасоратли адибгина гулдай умри пахта эгатларида бевақт хазон бўлган ўзбек аёлининг ўкинч-армон тўла аянчли тақдирини жамаки мудҳиш фожиалари билан шу даражада мардона кўрсата олиши мумкин. Асардан таъсирланган юзлаб китобхонлар адибнинг ростгўйлиги ва маҳоратига тан беришади. Жаҳон чемпионларидан бири С.Ходиев таъкидлагандай, романдан халқимиз, миллатимиз бошига не қора кунлар тушгани, ёш болалар, ўқувчилар илк қадамини мактабдан эмас, пахта далаларидан бошлагани, жуда кўп аёллар ва оналар асардаги Зиёднинг онаси сингари далаларда “Пахта уриб кетган болам-ай”, дея фарёд чекиб ўтганини билиб оламиз. Бир сўз билан айтганда, шу роман орқали кимлигимизни ва ота-боболаримизни яхшироқ англаймиз. Машҳур шоирамиз Ҳалима Худойбердиева хотиралари ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди: “Тоғай Мурод билан бошимиздан кечган воқеалар ҳам ўхшаш. Менинг онам Шарофат Хонназар қизи ўттиз беш ёшида, пахта даласида ўқарикдаги дориланган сувдан ичиб қўйиб вафот этганлар. Мен ўн беш йиллар олдин ёзган “Энамнинг айтганлари” шеърим ана шу бошимизга тушган мусибатли кунлар ҳақида эди.”<sup>68</sup> Романнинг халқимиз ҳаёти ва оғир ўтмишининг ёруғ бир кўзгуси эканлигини кўрсатувчи бундай самимий эътирофларни кўплаб эслаш мумкин.

Ана шундай ҳаққоний тасвир орқали ўқувчи Дехқонқулга ўхшаб қишин-ёзин ўзини аямасдан ишлаб, умрида бирор рўшнолик кўрмаган юзлаб софдил, диёнатли инсонларнинг аччиқ қисматиға қалбан шерик бўлади. Романнинг асосий ғоявий-бадиий ва ижтимоий-эстетик қиммати

---

<sup>68</sup> Ҳалима Худойбердиева. Тоғай Мурод дегани – тоғдай Мурод дегани. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида . –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.46.

хам мана шунда. Адабиётшунос Усмон Қосимов таъкидлаганидек<sup>69</sup>, мудроқ босган тарихий онгу-тафаккуримизни, миллий ғурур ва руҳиятимизни уйғотишда, уларни ғуборлардан тозалашида десак, асар ҳақидаги яқдил фикрни таъкидлаган бўламиз. Бу мавзудаги юзлаб шеърӣ, насрий асарлардан фарқли ўлароқ, романда сабр-бардоши тоғдай ўзбек деҳқонининг машаққатли меҳнати, пинҳоний кечинмалари, кадрдон даласи, муқаддас она-заминига бўлган ҳамдардлик туйғулари чуқур ва изчил акс эттирилгани билан ҳам ажралиб туради.

Асар бош қаҳрамони Деҳқонкул дала билан меҳнатни гўё азалий тақдир деб билган заҳматкаш халқимизнинг умумлашган, ўзига хос рамзий бир тимсоли. Неча-неча авлодлар ризку насибаси манбаи бўлган она-заминга ва пахта далаларимизга нисбатан оқилона эғалик ва масъулият ҳисси ҳамда фарзандларга хос сидқидил муносабат Деҳқонкул юрагидаги мустаҳкам имон-эътиқоди сингари унинг қон-қонида, қалбида, бутун вужудида яшайди. Шу муқаддас сўнмас туйғу Деҳқонқулнинг кундалик табиий тирикчилигига айланиб, унинг қашшоқ ва беҳаловат турмушига хушсыйрат ва мазмун, маҳзун кўнглига таскин бағишлайди. Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, романда халқимиз бошидан кечирган залварли тарихий ўтмиш ҳаққоний акс эттирилади. Натижада “бахтиёр ва фаровон социалистик турмуш” деб мадҳ этиб келинган кечаги кунларимиз ҳақидаги фикр ва тасаввурларимиз бутунлай ўзгаради. Ўзбек деҳқонлари ва қишлоқ аёлларининг дард-ситамли кечинмалари, кул каби итоаткор, фидоий пахтакорларнинг бекадр меҳнати, забун турмуши ҳақидаги тасаввуримиз ўта юзаки бўлгани, улар донгдор ёзувчилар ва шаҳарлик сайёр режиссёрларнинг баландпарвоз сўзларию, ҳақоратомуз ҳамду саноларидай ҳаёт ҳақиқатидан жуда йироқ сохта мақтовлар эканлигига иқроп бўламиз.

---

<sup>69</sup> У.Қосимов. Ўзбек адабиёти ва танқитчилиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Иқтисод – Молия, 2006. 156 б.

Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидаги пахтакорлар ҳаёти ва фожиавий тақдири, айниқса, турмушининг ночорлиги жонидан ўтиб кетган аёлларнинг ўзига ўт қўйишлари қашшоқ бир пахтакор оиласининг мусибатигина эмас, балки ўша даврда жафокаш халқимиз бошидан кечган улкан фожа сифатида акс эттирилади. Романдаги бундай ҳаётий ҳақиқатнинг реалистик тасвирларини шу мавзуда яратилган асарлар билан ҳаёлан қиёслаб кўрсак, Тоғай Муроднинг ушбу романи, атоқли танқидчи Озод Шарафиддинов фахр билан айтганидек, ҳақиқатан, адабиётимизда катта бир воқеа бўлганлигига чуқур ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, реалист адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссаси, Пиримкул Қодировнинг “Жон ширин” ҳикоясидаги пахтакор аёлларнинг машаққатли меҳнати ва афтодаҳол турмуши қиёсланса, шўро давридаги халқимиз ҳаётининг қанчалик оғирлиги кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Абдулла Қаҳҳор ё Пиримкул Қодиров ҳам халқимиз, айниқса, пахтакорларнинг оғир ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга уринган, аммо совет тузуми ва компартия сиёсати бор ҳақиқатни очиқ-ойдин тасвирлашга йўл бермасди. Совет халқи социализмда энг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиряпти деган уйдирма ғоялар ташвиқ қилиниши талаб этилар эди ўша даврда.

Бу муаммони кенгроқ ўрганиш ниятида ўша даврда ўзига хос маънавий жасорат ва маҳорат билан яратилган яна бир асарни қиёсий таҳлилга тортишни лозим топамиз. Мунаққид Қозоқбой Йўлдош таъкидлаганидек, XX асрнинг 60-70 йилларида собиқ шўролар тузумининг номақбул ва машъум сиёсати натижасида аянчли ҳолга тушиб қолган халқимиз ҳаёти, айниқса, ўзбек аёлларининг ачинарли қисмати истеъдодли ёзувчи Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясида ҳам комик тарзда ёрқин акс эттирилган<sup>70</sup>. Миллатимизнинг, айниқса, қишлоқ одамларининг фожиали ҳаёт тарзини кулгили йўсинда бўлса-да ҳаққоний

---

<sup>70</sup> Қ.Йўлдош. Ш.Бошбеков ҳақида. Сўз ёлқини. – Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – Б. 286.

акс эттирганлиги билан ҳам ушбу комедия адабиётимизда бетакрор саналади.

Ўзбек адабиётида мазкур комедия сингари халқимиз турмуш тарзини, ҳаётини бор бўйича, мураккабликлари билан тасвирлаб бера олган “Отамдан қолган далалар” романидай бошқа бир бадиий асарни топиш мушкул бўлса керак. Яъни Шароф Бошбеков каби ўзбек аёлининг машаққатли ҳаёти ва фожиавий тақдирини ҳам ҳаққоний акс эттирган етук асарлардан бири, бу, шубҳасиз, Тоғай Муроднинг ушбу романидир. Дарҳақиқат, ойу йиллар пахтакорлар билан бирга яшаб, бирга турган ва уларнинг бутун азоб-уқубатларию, ғам-андуҳларини бирга тотган шижоатли ёзувчигина захматкаш ўзбек деҳқонининг туганмас ранжу меҳнатларини шу қадар кучли эҳтирос ва ички тўлқин билан жўшиб тасвирлаб беради. Фидоий халқимизга, мунис оналарга ўз жигарбандидек жонкуяр бўлган ва қанчалик оғир бўлмасин, ҳаёт ва тарих ҳақиқатидан чекинмаган жасоратли адибгина гулдай умри пахта эгатларида бевақт хазон бўлган ўзбек аёлининг ўкинч-армон тўла ҳаёти ва аянчли тақдирини жамики мудҳиш фожиалари билан шу даражада мардона кўрсата олиши мумкин. Ана шундай ҳаққоний тасвир орқали ўқувчи Деҳқонкул ва Кўчқорларга ўхшаб қишин-ёзин ўзини аямасдан ишлаб, умрида бирор рўшнолик кўрмаган юзлаб софдил ва диёнатли инсонларнинг аччиқ қисматиға қалбан шерик бўлади. Шароф Бошбеков ҳамда Тоғай Мурод каби реалист адибларимизнинг бундай асарларининг асосий ғоявий-бадиий ва ижтимоий-эстетик қиммати ҳам мана шунда.

Шароф Бошбеков комедиясида ҳам, қаҳрамонлар ҳаёти ва ўй-кечинмалари улар яшаётган муҳит-шароитнинг мураккабликлари ҳамда зиддиятлари қашшоқ бир оила тимсолида ҳаққоний ўз ифодасини топган. Мазкур асарлардаги муаллиф онги ва хотираларининг оғриқли нуқталарида, асосий қаҳрамонлари қисматида чуқур из қолдирган “йўқчилик ва қашшоқлик”нинг юзага чиқишидаги ижтимоий-психологик ҳолатлар умумлашиб, залварли бир ҳаётий ҳақиқат сифатида реалистик

тасвир ёркин намуналари бўла олади. Яъни кўкларга кўтариб мадҳ этиб келинган социалистик тузумдаги ижтимоий адолатсизлик ва тенгсизлик ёзувчи онгида уйғонган борлиқни англаш, уни моделлаштириш жараёнидаги рухий-психологик ҳолатлар ҳам тасвир давомида муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, комедиядаги бош қаҳрамон донгдор пахтакор Қўчқорнинг уй-шароити ва хонадоидаги жиҳозлари тасвиридаги бадиий деталлар ҳам моҳирона танланганини кўрамиз. Шароф Бошбеков комедиянинг бош сахнасидаёқ Қўчқорнинг оиласи, рўзғоридаги ҳамма нарсада нимадир етишмовчилигини ишонарли тарзда тасвирлаб бера олган. Тасвирдаги бу ўзига хосликнинг сабабларини илғаган томошабин-китобхонгина асарнинг реал ҳаётий заминини ва бадиий жиҳатдан беқиёслигини пайқай олади. Чунончи, Қўчқорнинг уйи тасвири ҳам асар ғоясини кучайтиради: уйдаги деразанинг бир ойнаси сингани, дераза ромларидан бири бўялган бўлса, иккинчиси бўялмагани, сўрининг бир оёғи камлиги, чойнак жўмрагининг синиқлиги ва ҳатто пиёласининг бир чеккаси учгани каби рўзғоридаги кўплаб камчиликлар кўрсатилади. Булар ҳам Қўчқорнинг ғарибона турмуш тарзига кўниккан, бошқача бўлишни хаёлига ҳам келтира олмайдиган инсон эканлигини очиб беришга хизмат қилган. Унинг дунёқараши, ўй-тафаккури, ҳатто орзулари ҳам ана шу забун турмушига мос. Муаллиф Аломат образи воситасида биргина пахтакор-тракторчи Қўчқорга эмас, балки бутун ўзбек халқига, унинг қашшоқ турмуш тарзига, миллатимизнинг ўша давр сиёсатининг исканжаси оқибатида тушиб қолган маънавий инқирози ва фожиавий тақдирига ишора қилмоқда, десак баландпарвоз гап бўлмайди<sup>71</sup>.

Ҳақиқатан, ўз истеъдоди ва услуби билан адабиёт майдонига кириб келган ёзувчимиз Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясидаги қаҳрамони - тракторчи Қўчқор ҳам худди Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидаги Деҳқонкул сингари оддий қишлоқ пахтакори. У ҳам Деҳқонкулдай эртадан то қора кечгача трактори билан тинмай

---

<sup>71</sup> Жўраев М. Ҳаёт ва комедия. –Тошкент: Фан, 2009. 64 б.

ишласа ҳам, ҳеч бири икки бўлмайди. Шўро даврида бутун ўзбек миллатининг оғир қисматига айланган нурсиз ҳаёт ва кулларча меҳнат қилган одамлар кадрланмагани Шароф Бошбеков билан Тоғай Мурод асарларида ғоят кенг ва чуқур ёритиб берилгани адабиётимизда улкан воқеа бўлган десак, минглаб китобхонларнинг фикрини ифодалаган бўламиз. Мана шу жиҳатларига кўра ҳам бу асарларни халқимиз бошидан кечган фожиаларга тўла бўлган машъум даврнинг мухтасар бадиий солномаси деб аташ ҳам мумкин.

Бу ҳақиқатни ёзувчининг кўплаб ижодкор замондошлари ҳам яқдиллик билан тан олишган. Чунончи, ушбу роман асосида салмоқли бадиий фильм яратган машҳур кинорежиссёр Шухрат Аббосов: “Бу асар она халқимнинг, ота юртимнинг кўнгил кечинмаларидан бино бўлган дардномаси эди. Тоғай Мурод катта ижодкор, ёзувчи сифатида халқ бошига тушган зулм, азобларни ўз вужудидан ўтказди, бу кулфатларга чидай олмайди, бундан хўрлиги келади. Ёзувчи ҳаётнинг ич-ичига нақадар кириб кетган, нақадар ҳақиқатни кўрсата олган: эзилган, лекин бахтиёрлик кўшиғини куйлаган ўзбек аёллари... Дехқонкулнинг аёли ўзига ўт қўйиб юборади – бу даҳшат! Жаннатмакон Ўзбекистонда яшаб туриб, бошқоронғи – жерик бўлганда иккита олма топиб ея олмайди!”<sup>72</sup> Халқимизнинг яқин ўтмиш тарихи ва машаққатли ҳаёти, ўзбек деҳқони ва пахтакорларининг аянчли тақдирини ҳаққоний акс эттиришда, ҳеч шубҳасиз, Тоғай Мурод Эркин Воҳидов, Шароф Бошбеков асарларидаги ғоявий-бадиий муштараклик ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Тоғай Мурод ижоди ва эстетик қарашлари адабиётшуносликнинг муҳим муаммоларидан бўлган тарихийлик ва бадиий ҳақиқат мутаносиблиги масаласини ўрганишга ҳам асос бўла олади. Тоғай Муроднинг ушбу романининг яратилишига доир дастлабки қайдлар ва

---

<sup>72</sup> Шухрат Аббосов. Халқи каби барҳаёт. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 19-24.

бўлғуси романнинг асосий ғоявий мазмунига тааллуқли ижодий ниятлар ва “куртак”, “хамиртуруш”лар ёзувчининг Кундаликларида ҳамда айрим мақолаларида ҳам кўзга ташланиб туради. Муҳими яна шундаки, Тоғай Муроднинг Кундаликлари, ихчам мақола, эсселари ҳам адибнинг миллат кайғуси, орзу-интилишларини акс эттирган реалист ёзувчи эканлигини у ёки бу даражада намоён этиб турганлигини англаймиз.

Адибнинг чуқур миллий руҳда яратилган қисса ва романларининг қаҳрамонлар галереяси яна бир муҳим муаммони, яъни тарихийлик, бадиийлик мувофиқлиги масаласини ёритишга ҳам имкон беради. Тарихий воқелик ва унинг реалистик талқинлари муаммоси танқид ва адабиётшуносликда ҳаммиша жиддий масалалар қаторида тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келган. Жаҳон адабиётида бўлгани сингари ўзбек адабиётимизда ҳам тарихий воқеалар кўп ҳолларда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган эмас. Яъни ҳукмрон тузумдаги зўравонлик сиёсати ва унинг жарчисига айланган сохта мафкуравийлик принциплари бунга имкон бермас эди.

Сўз тарихийлик ва бадиийлик муаммоси ҳақида борар экан, бу ўринда яна бир қиёсий мулоҳазани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ кўринади. Яъни Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидаги халқимизнинг мустамлакачи рус босқинига қарши норозилиги ва курашини акс эттирган боблари муайян даражада Абдулла Қодирийнинг машҳур тарихий романчилик анъаналарини давом эттиргандек таассурот қолдиради. Иккинчи томондан эса, атоқли ўзбек ва тожик ёзувчиси Садриддин Айнийнинг ўзбек, тожик халқлари ўтмишининг қарийб бир асрлик тарихини катта маҳорат билан ёритган “Қуллар” романига ҳам мазмунан анча яқин туради. Аммо Айний романида ҳукмрон мафкуранинг таъсири ва талабларига ён босилган. Қаҳрамонлари тақдирида Октябрь инқилоби ва социалистик тузумнинг кучли таъсирини кўрсатиш, уларни улўглаш етакчилик қилгани эндиликда салбий бир ҳолат сифатида баҳоланиши лозим. Айний романидан фарқли ўлароқ, Тоғай Муроднинг “Отамдан

қолган далалар” романида уч авлод қисмати тарихий нуқтаи назардан ва бадиий ҳақиқат талабларидан келиб чиқиб, ғоят ҳаққоний ва таъсирчан тарзда акс эттирилгани нафақат адибнинг, балки XX аср ўзбек адабиётининг ҳам жиддий ютуғи деб таърифлашга муносибдир.

Романдаги Жамолиддин кетмон ва Ақраб образлари орқали ўз юртини севган ота-боболаримиз бошига тушган кўргуликлар ва уларнинг фожиали қисматлари ҳаққоний акс эттирилганлиги, энг авало, ёзувчининг реалистик тасвирлаш қудратини намоён этади. Гўзал ва муқаддас юртимиз рус босқинчилари томонидан батамом эгаллаб олингач, сиёсий зўравонлик ва ҳукмронликлар ҳам кундан-кунга кучайиб, ҳаддан ошиб боради. Маҳаллий аҳолини камситиш, менсимаслик ва истаганча таҳқирлаш шўролар ҳукуматининг асосий бошқарув сиёсати эканлиги тобора ошқор бўла боради. Ўзбек халқини, энг аввало, ўз тарихидан ва маънавий-руҳий илдизманбаларидан Мосуво қилиш, руслаштириш сиёсатини кенг миқёсда амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотларидан маҳаллий кадрларни четлаштириш, диний ва миллий қадриятларимизни ва қадимий халқона урф-одатларимизни тақиқлаб, ман қилиш шўро ҳукуматининг ғаразли нияти эканлиги халқимиз қалбида уларга нафрат уйғотар эди. Шу жиҳатдан қаралганда, Биринчи Президентимизнинг 1993 йил 29 апрелда ижодкор зиёлилар билан бўлган тарихий учрашувидаги нуфузли мажлисда атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи ҳаққонийлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Халқимизнинг яқин ўтмишидаги оғир ҳаёти ва аянчли қисматини ҳаққоний тасвирлаган бундай асарларда миллий ўзликни англаш йўлидаги изтироблари, давр ва жамиятнинг шафқатсизликларини муҳит билан боғлаб акс эттирилгани ҳам яққол кўринади. Булар замирида ота-боболаримизнинг орзу-умидлари ва ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларини бошидан ўтказган қаҳрамонларнинг тимсоллари, уларнинг яшашдан мақсадининг бадиий талқини тажассум топади.



Масалан, “Отамдан қолган далалар” романидаги Ақраб босмачи образини олайлик. Роман мазмуни ва ёзувчининг ғоявий-бадий концепцияси ва ижодий ниятини ифодалашда алоҳида ўрин тутувчи бу қаҳрамон, аслида, Қодирий яратган Отабекларга ёхуд Ўткир Ҳошимовнинг хотираларида чуқур эҳтиром билан ёдга олинган Абулқосимхонга ўхшаган минглаб чинакам ватанпарвар, миллатпарвар юртдошларимизнинг ёрқин бир тимсоли – сафдоши сифатида гавдалантирилган. Ақрабнинг чинакам миллатпарвар ва ватанпарвар инсонлиги, унинг курашларда кечган ҳаёти ҳамда мардларча ўлими ҳақидаги теран ўй-фикрлари ва унинг диёнат-этиқоди, мард-жасоратлилиги босқинчи кўмондон Чанишевни ҳам лол қолдиради.

“...Отарман бўлсанг, мана, кўкрак – от! Лекин ўз эл-юртимда от! Шаҳид бўлсам – ўз эл-юртимда шаҳид бўлайин! Шаҳидимни ўз эл-юртим кўмсин!

Ана шунда Чанишев отини қайиради. Отамиз билан муқобил бўлади.

Чанишев мулзам бўлади!

–Ақраб кўрбоши, – дейди сокин-сокин. – Мен сени бир йўлтўсар деб эшитиб эдим. Бир каллакесар деб эшитиб эдим. Бир ваҳший деб эшитиб эдим. Инчунун, ўғриям деб эшитиб эдим! Сени мана энди билдим. Ақраб кўрбоши, сен асл жигит экансан, асл жигит!

Чанишев сукут олади.

–Ақраб кўрбоши, – дейди. – Ихтиёр менда бўлса эди, мен сени ҳозироқ озод этар эдим. Ихтиёр менда бўлса эди, мен сени ўзимга ўринбосар қилиб олар эдим. Минг афсус! Ақраб кўрбоши, мен– полковник Чанишев, давлат арбоби Куйбишев олдида отдан тушмадим, мен– полковник Чанишев, буюк саркарда Фрунзе олдида отдан тушмадим. Ақраб кўрбоши, мен – полковник Чанишев, Ақраб жигит олдида отдан тушаман!

–Чанишев! Ошингни еса-да, мард есин, бошингни еса-да, мард есин! Мана, кўкрак-ма!.. Отамиз тиламиш тилак бажо бўлади.

Қизиллар шаҳид отамизни буғдойзорда ташлаб кетади.

Эл-юрт Акраб шаҳид пойидан ўта-ўта бир оёқ илиб олади.

Эл-юрт Акраб шаҳид учун фотиҳа ўқиб-ўқиб олади...”<sup>73</sup>.

Етук санъат асарларини ўрганишда ва уларни таҳлил этишда, энг аввало, бадииятнинг юксак мезонларига асосланганидек, Тоғай Муроднинг чуқур халқчиллик билан йўғрилган қисса ва романларини ўрганишда ҳам, албатта, уларнинг долзарб ғоявий-бадий муаммолари, айниқса, адибнинг инсон характерини яратишдаги маҳоратига асосий эътибор қаратилиши талаб этилади. Инсон муҳит таъсири остида ўз характерини, имкониятлари доирасида ўзгаради. Лекин Тоғай Мурод асарларида яратилган Бўри полвон, Зиёдулла чавандоз, Акраб босмачидай иродаси мустаҳкам, кучли характерли шахслар ўткинчи муҳит таъсирига тушиб қолган бўлсалар ҳам, унга қулларча муте бўлиб қолмайди. Муҳитга қаршилик кўрсатиш туйғуси уларда кучли ривожланган бўлади. Баъзи инсонлар эса муҳит таъсирига тушиб, унга бўйсунушга мажбур бўладилар, ўзларига хос мустақиллик ва индивидуалликдан маҳрум бўлиб, ўз муҳитига мос, ўртамиёна кимсалар бўлиб қолишадилар. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маиший турмуш ва муҳит инсон характерининг шаклланишида асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади. Бунга ҳаётдан ҳам, бадий адабиётдан ҳам истаганча мисол топиш мумкин. Тоғай Мурод қисса ва романларида мураккаб ҳаётини воқеалар, чин инсон қалбидаги поклик, ҳалоллик, ростгўйлик каби гўзал фазилатларни кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Романдаги асосий қаҳрамонлар тақдири мисолида бу ҳақиқатга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Афсуски, Тоғай Муроднинг бошқа асарлари каби бу романдаги юксак маҳорат билан яратилган ўзига хос миллий қаҳрамонларига нисбатан ҳам баъзи танқидчи адабиётшуносларнинг талқинларини ҳолисона таҳлил деб бўлмайди. Масалан, романнинг бош ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида

---

<sup>73</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. I жилд. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Ziyo nashr, 2019. – Б. 59–60.

муҳим фикрлар билдирган адабиётшунос Маҳмуд Сатторовнинг куйидаги хулосаси оддий ўқувчида ҳам эътироз уйғотмасдан қолмайди: “Тоғай Мурод романининг учинчи авлод вакили – Деҳқонкул бир нобакор, ота-боболари, авлоду аждодларини, умуман, одамлигини мутлақо унутиб бўлган манкурт”.<sup>74</sup> (Таъкид бизники – М.Х.) Ўйлаб кўрайлик: романда нақадар ҳаётий ва ишонарли тарзда гавдалантирилган ва ўзи каби минглаб, балки миллионлаб пахтакор-деҳқонларнинг ҳаққоний типик намояндаси сифатида Тоғай Муродга хос катта маҳорат билан яратилган қаҳрамон – жонли инсонга нисбатан шундай беписандлик ва масъулиятсизлик билан бўлмағур гаплар айтиш ҳар қандай китобхонни ҳам ранжитиши мумкин эмасми? Бошқа кўплаб далил-исботларни қўя турайлик-да, романнинг бутун ғоявий-бадий мазмуни, композициясидаги яқунловчи ва нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти ва тарихида, дунёдаги неча юзлаб халқ ва миллатларнинг онгу тафаккурида ҳам юксак бир намуна бўла оладиган биргина фалсафий мушоҳадани эслайлик: “Далаларим боболарим аччиқ кўз ёшларидан дала бўлди. Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди. Далаларим аёлларим гулдай хазон умридани дала бўлди.”<sup>75</sup> Шундай ўзбекона теран фикрни айтолган Деҳқонкулни “бир нобакор, ота-боболари, авлоду аждодларини, умуман, одамлигини мутлақо унутиб бўлган манкурт” деб таърифлашга кимнинг тили боради? Деҳқонкулнинг дард-армон тўла бу сўзларида муаллифнинг асосий ғоявий-бадий нияти ва асар мазмунининг ҳаётий пафоси ўзининг чуқур фалсафий бир хотимасини топган. Бинобарин, Деҳқонкулнинг шаҳид кетган ота-боболари қони томган табаррук заминга – қадрдон далаларига бўлган беқиёс меҳри, фидойилиги халқимизга хос чинакам миллатпарварлик ва юртпарварликнинг юксак бир тимсоли даражасида бадий инкишоф этилган.

---

<sup>74</sup> Маҳмуд Сатторов. Тоғай Муродни таниш Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.112.

<sup>75</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. I жилд. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Ziyo nashr, 2019. – Б.262.

Албатта, адабиётимизда воқеа бўлган ва юксак ғоявий бадиияти ва халқона услуби билан ажралиб турган етук бир роман қимматини Маҳмуд Сатторов каби бир-икки адабиётшуноснинг асоссиз, субъектив фикрлари белгиламайди. Дехқонкулнинг ўзи оддий тўпори одам кўрингани билан қалби жуда шикаста инсон эканлигини унинг оиласидаги фожиа мисолида, яъни аёлининг аянчли ўлими воқеаси орқали яққол тасаввур этиш мумкин. Дехқонкулнинг хотини бу ёлғон дунёга, аёл деган шаън-шавкатини сўндирган, топтаган ва эрини ҳам қулга айлантириб қўйган шўро тузумига ва адолатсизликларга чидолмасдан, исён кўтариб, ўзига ўт қўяди. Дехқонкул бешикни чордоққа опчиқиб кетаётганда унинг ҳаммасига бечора аёли томонидан шеър, қўшиқлар битилганини кўриб қолади. Шунда у бу хонадон қандай мушфиқ ва жафокаш инсонни йўқотганини билади. Дехқонкул биринчи марта юрагида санчиқ сезади. Романнинг шу жойларини ўқиётганда, китобхон кўксидан фарёд отилиб чиқади. (Саид Аҳмад) Бундай асарларда инсоннинг ўзликни англаш йўлидаги изтироблари, давр ва жамиятнинг шафқатсизликларини муҳит нуқтаи назаридан баён этиш кўзга яққол ташланади. Булар замирида ранг-баранг кечинмаларни, ҳис-туйғуларни бошидан ўтказган инсон образи, унинг яшашдан мақсадининг бадиий талқини тажассум топади. Сўнгги йиллар романларида қандай жанр ва қандай тасвир усули бўлишидан қатъи назар, олам ва одамнинг ўзаро диалектик бирлигини англаш ва шу уйғунлик тасвирининг кучайгани ҳам кўзга ташланиб туради. Шу муносабат билан адабиётшунос Исломжон Ёқубовнинг мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринли бўлади: “Маълумки, ўзбек романи поэтикаси янгиланмоқда. Айтиш мумкинки, романчилигимизнинг асосий тамойиллари муайян даражада ойдинлашмоқда. Бадиий рамзларга эътибор кучайганлиги сабабли муайян рамзни англамоқ учун унинг моҳиятини теран фалсафий-психологик мушоҳада ва таҳлил қилиш лозимлиги аён. Романларда метафорик образлилик, мажозийлик, истиоравийлик, полифоник талқинлар ва ҳатто

гротеск йўлидан боришга интилиш кузатилади”<sup>76</sup> деб ёзганида ҳақ эди , деб ўйлаймиз.

Янги давр адабиётининг йирик намояндаларидан Тоғай Мурод шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули ёки маълум бир мафкурага хизмат қилувчи қаҳрамон сифатида эмас, балки кўпроқ туғма-табiiй, сирли-сехрли хилқат сифатида кўрсатувчи, унинг давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу-хислат ва ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи қатор етук асарлар ҳам худди шу даврда юзага кела бошлади.

Тоғай Муроднинг мазкур романи асосида атоқли режиссёр Шухрат Аббосов томонидан яратилган кўп серияли бадиий фильм намойиши нафақат юртимизда, балки Туркия каби хорижий мамлакатлардаги нуфузли танловларда ҳам муваффақият қозонганлиги ҳам адибга ва Истиқлол даври ўзбек адабиётимизга катта шухрат келтирди. Булар ҳам Тоғай Муроднинг халқимиз тафаккури ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўша олган нодир истеъдод соҳиби эканлигидан ёрқин далолатдир.

## **2.2.§ “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романи: ҳаётiiй манбалар, бадиий талқин ва тасвир муаммоси**

Истиқлол шарофати билан, айниқса, сўнгги йилларда юртимизда инсон онг-тафаккури янгиланиб, эрк-ҳуқуқлари ва диний эътиқоди тўла таъминланганини, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида таъкидланганидек, нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамиятининг йирик намояндалари ва кўплаб хорижий эллардаги миллионлаб ватандошларимиз ҳам ҳавас ва ҳайрат билан тан олишмоқда, фахр билан эътироф этишмоқда<sup>77</sup>. Ислом маърифати кенг ёйилаётгани, халқимиз миллий ўзликни чуқур англаб, қалбида муқаддас “Қуръон” ва муборак ҳадисларга

<sup>76</sup> Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. –Тошкент: Фан ва технология, 2006. –Б. 89.

<sup>77</sup> Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси // Янги Ўзбекистон. –Тошкент, 2021. 16 август.

бўлган имон-этиқоди ортиши адабиётнинг асл моҳияти, ҳаётий илди-манбаларини, хусусан, Алишер Навоий каби улуғ шоир ва ёзувчилар ижодиётининг ижтимоий-эстетик, маънавий-тарбиявий аҳамиятини кенгроқ идрок этишимизда ҳам муҳим асос бўлмоқда. Мумтоз адабий мерос ва бадий тафаккур оламига оқилона ёндашув шўро даврида фаол ижод қилган кўплаб йирик адибларимизнинг асарларидаги диний мотивлар, исломий ақида ва тасаввуф ғояларининг теран илди-ларини чуқурроқ англашга ҳам ёрдам беради. Таъкидлаш лозимки, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги янгилаш ва ижобий ўзгаришлар, энг аввало, мустақиллик шарофати билан содир бўлмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Адабиёт ва замон” мақоласидаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқдир: “Шўролар даврида миллий кадриятларимиз, мозийдаги қаҳрамонларимиз қарийб қаламга олинмас, олинганда ҳам улар синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилар, қораланарди, холос. Диний эътиқод эса бутунлай манфий тушунчага айлантирилган эди. Бирёқламалик, юзакилик адибларимизни бир хил овозда, бир хил оҳангда куйлашга ўргатиб қўйган эди. Фақат бахтни ва саодатни куйлаш, аслида йўқ ёрқин келажакни улуғлаш одат тусига айланган эди. Инсон ҳаётидаги турли изтироблар, зиддиятлар, мағлубиятлар қатағон мавзу ҳисобланар, улар асло рағбатлантирилмас эди”.<sup>78</sup>

Дарҳақиқат, мустабид шўро даврида бой тарихимиз ва адабиётимиз холисона ўрганилмасдан, аксинча, улар қораланиб, тақиқлаб келинганлиги эндиликда барчага аён бўлди. “Ёзувчи келажакнинг махсус муҳбири бўлиши керак” – дейишади. Тоғай Мурод ҳам ёрқин истеъдод соҳиби бўлиши билан бирга исломий маърифатдан, Қуръондан яхши таълим олган ва унинг ҳаётий, оқилона талаб-йўриқларига қатъий амал қилган, имон, эътиқоди мустаҳкам, диёнатли ижодкорларимиздан бири бўлган. Бунинг

---

<sup>78</sup> Орипов А. Адабиёт ва замон. Мустақиллик даври адабиёти. –Тошкент: Ғ.Ғулом номли НМИУ, 2006. – Б. 5.

ёркин бир исботи сифатида Тоғай Муроднинг “Ёзувчи халқ ва миллатнинг маънавий посбони” деган сўзлари унинг ижодий кредоси эди десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам у миллатимиз келажаги ҳақида ҳамиша қайғуриб ижод қилган. Шу боисдан ҳам унинг асарлари халқ эътиборини қозонди ва бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан мутолаа қилинмоқда.

Тоталитар тузумнинг ҳукмрон мафкураси сиёсати оқибатида кўплаб катагонлар рўй берганлигига Нақшбандий ва Яссавийларнинг исломий ақида ва ғояларини давом эттирган алломаларимиздан бири Сўфи Оллоёр шахси ва меросини ихлос билан ўрганган Тоғай Муродга нисбатан қилинган тазйиқлар мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. 80-йилларда авжига чиққан партиянинг сиёсий-мафкуравий тазйиқларига қарамасдан, Тоғай Мурод ўзига хос эътиқод ва шижоати билан ҳаётий ҳақиқатни башоратгўйлик билан айта олганлиги машъум совет даврида ўзига хос бир ижодий жасорат эди дейилса, асло муболаға бўлмайди.

Эндиликда тарихга айланган бу ҳақиқат моҳиятини биргина мисол орқали тасаввур этишимиз мумкин. Бу жиҳатдан ўша машъум 80-йилларда Тоғай Мурод билан Олтинсой тумани газетаси таҳририятида бирга ишлаган Жўра Қодиров каби ҳамкасб журналистларнинг ҳавас ва ҳайрат билан ёзган эсдаликлари ҳам бюрократ райкомпартия раҳбарларининг Сўфи Оллоёр ҳақидаги мақоласи учун Тоғай Муродга нисбатан қилган ноҳақлик ва пасткашликларини янада чуқурроқ англаб олишимизга ёрдам беради<sup>79</sup>.

Миллий ва исломий тафаккур ҳамда маърифати учун қайғурган адибнинг биргина мақоласи туфайли қанчалик маънавий-руҳий азоб чекканлигини ўша нохуш воқеанинг бевосита гувоҳи бўлган ҳамкасбларидан бири Жўра Қодиров чуқур изтироб ва ҳамдардлик билан

---

<sup>79</sup> Катта можарога сабаб бўлган ва оқибати Тоғай Мурод ҳаёти ва ижодий тақдирида оғир асорат қолдирган “Сўфи Оллоёр ким бўлган?” номли мақола “Олтинсой тонги” газетасининг 1988 йил 21 июль сониде эълон қилинган. Ушбу мақола билан танишиб чиқишимизда ёрдам берган адибнинг рафиқаси М.Аҳмедовага ва сурхондарёлик журналист Ж.Қодировга ўз миннатдорчилигимизни билдириамиз.

шундай хотирлайди: “Улкан залга ўлик, бераҳм сукунат тушган. Ҳамма хозир зўр бир одамни дафн этиб келишгандай. Шу мотамсаро сукунатни минбарга кўтарилган райком ходими бўлиб юборди У бюро қарорини ўқишга киришди: “Газета бош муҳаррири Эшмирза Муҳаммадиевга қаттиқ хайфсан берилсин. Бўлим мудирлари огоҳлантирилсин. “Сўфи Оллоёр ким бўлган?” мақоласининг муаллифи Тоғай Мурод газета ишидан бутунлай четлаштирилсин”.

Қараб турибман. Тоғай Мурод йиғламоқдан нари-бери. Унинг полвонкелбат вужуди титрарди. Ахири бўлмади. У ўрнидан турди. Райком ходимлари уни гапиришига қўймади. – Биз сиздан ҳеч нарса эшитмаймиз, ўтиринг. Олтинсойни Ўзбекистонга шарманда қилганингиз етар. Аммо Тоғай Мурод ўтирмасди. Унинг кўзлари, юзи қип-қизил бўлиб кетганди. Унинг овози залда момақалди роқ янглиғ жаранглади.

–Айтинглар, мен нима қилибман? Менинг айбим нима? Шу мақоламмиди? Шунга шунчамиди? Мен унда нимани нотўғри ёзибман? Нимаси ёмон? Ҳали кўрасизлар, яқин қолди. Одамларнинг бари исломга қайтади, Худога қайтади. Керак бўлса, ҳамма қишлоқларда мачит бўлади. Одамлар эмин-эркин намоз ўқийди. Ҳар бир уйда Қуръон китоби очиғлиқ туради. Сизлар Худо беҳабар бир одамларсиз...”<sup>80</sup> XX аср ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёти ва адабиёти тарихида унутилмас воқеалардан бири бўлган бундай ижодий ҳодиса ёш адибимизнинг кўплаб шоир-ёзувчилардан, журъатсиз файласуф ва тарихчи олимларга нисбатан қанчалик маънавий юксак тура олганлигини яққол намоён этади.

Ана шундай диний маърифат ва умуминсоний ғояларни тарғиб этгани учун Тоғай Мурод ноҳақ жабр кўради ва маънавий жиҳатдан таҳқирланади: “Эй мусулмон бандаси, жон берар чоғинг кимни эслайсан? Партияними? Комсомолними? Албатта, Худо дейсан. Отажон, Онажон, дейсан. Отажонинг, онажонинг жанозасида эса тирик туриб, бир сиқим

---

<sup>80</sup> Қодиров Ж. Атоқли адибнинг фирқа зулмидан хўрлангани ҳақида. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 132-140.



тупроқ ташлай олмасанг!..”<sup>81</sup>. Тоғай Муроднинг партия бюроси вакилларига қарши мардона қатъият билан айтган бу сўзлари замирида қанчалик ҳаётий ҳақиқат ифодаланганлигини ўша манфур мафкура сиёсатининг тазйиқларини бошидан кечирган яна бир машҳур шоиримиз Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг қуйидаги дард ва армонли хотиралари ҳам тўла тасдиқлайди: “Одамлар, айниқса, партия ва совет органлари, масъул идораларида ишлайдиган ходимлар ҳатто ўз ота-оналар, яқинларининг жанозаси ва таъзиясига ҳам боролмай, касалхоналарда ётиб олишга мажбур бўлишган...”<sup>82</sup>.

Булар ҳам машъум тузумнинг нафақат адабий меросимизга, балки кўп асрлик исломий ва маънавий қадриятларимизга, халқимизнинг миллий ва диний эътиқод-эркинлигига қарши жоҳиллик билан қўлланиб келинган маккорона муносабатини кўрсатувчи далиллардан бири эди. Аслида эса Тоғай Мурод ушбу мақоласида улуғ мутафаккирларимиздан бири Сўфи Оллоёрнинг ёрқин шахси ва унинг эл-юрт орасида катта шуҳрат қозонганлиги хусусида кўплаб асосли фикрларни баён этган ва мафкуравийлик авж олиб, диний қарашлар кескин қораланган ўша оғир йилларда ўқувчиларни бу тарихий сиймо шахси ва ижоди билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилган.

Бинобарин, ислом дини аҳкомларини халқ орасида кенг ёйган ҳамда Машрабдек беназир шоир ва алломага ҳаммаслақ бўлган Сўфи Оллоёрнинг тасаввуфона тафаккурида, Оллоҳ каломи бўлган муқаддас “Қуръон”ни беқиёс улуғлашида ҳамда унинг халқчил асарларида ҳам Имом Бухорий каби буюк аждодларимизга хос ибратомуз талқинларни кўплаб учратамиз. Алломанинг туркий ва форсий тилларда яратилган ҳамда эларо кенг тарқалган асарларидаги пурмаъно ғоялари ва ақидалари бугун ҳам миллий истиқлол мафкурамизга, маънавийтимизга ҳамоҳанглиги билан ҳам

---

<sup>81</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Шарк НМАК, 2019. – Б.136.

<sup>82</sup> Воҳидов Э. Изтироб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 64.

алоҳида ажралиб туради.<sup>83</sup> Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” ва бошқа асарлари Ўрта Осиёдаги кўплаб мактаб ҳамда мадрасаларда асосий диний манбалар қаторида, зарурий адабиётлар сифатида ўқитилиб келингани ҳам уларнинг юксак тарбиявий ва ижтимоий-эстетик аҳамиятидан гувоҳлик беради. (Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги ўзбек хотин-қизларининг ёрқин вакиллари бўлмиш Кумуш ва Раънолар кичиклигидаёқ “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб” қаторида Сўфи Оллоёр, “Маслаки муттақин” асарларини тўлиқ ўқиган”<sup>84</sup> деб таърифланган). Бундай ҳаётий образларда ҳам давр руҳи ва халқимизнинг исломий маърифати, қадимий анъаналари қанчалар қадрланганлиги ҳаққоний акс этган. Афсуски, диний эътиқод ва исломий маърифат билан боғлиқ ақида ва қарашларнинг кескин қораланиши ва тақиқлаб қўйилиши адабиётимиз ривожига ҳам катта ғов бўлиб келганлигини Мустақиллигимиздан олдинги даврларда ошқора айтиб бўлмас эди. Масалан, халқ ҳаёти чуқур ёритиб берган “Ўткан кунлар”га қарши ўша даврдаги партия ва ҳукуматнинг ишонган сиёсий вакилларида М.Шевердиннинг машъум мақоласи чоп этилган. Унда ёзувчи жуда катта ғоявий хатоларга йўл қўйган деб, романи бутунлай зарарли асар деб кескин қоралайди: “Ўзбекларнинг биринчи романи – Қодирийнинг романи ғоявий жиҳатдан бизга ётдир... унда эскича одат, Қуръон, ўтмиш...” тарғиб қилинади...” – дейилади<sup>85</sup>. Бу нафақат бир адиб ижодига нисбатан, балки бутун миллатимиз, дину эътиқодимиз ва маданий меросимизга нисбатан ғаддор тузум сиёсати юргизган доимий ҳужум ва қабоҳатининг манфур бир кўриниши эди. 20–30 йиллари авж олган бешафқат мафкуравий хуружлар кейинчалик ҳам давом этади. Чунончи, академик Бахтиёр Назаров тадқиқотида кўрсатилишича, Ойбекнинг Иккинчи жаҳон уруши ва

<sup>83</sup> Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. –Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 1991. – 128 б.

<sup>84</sup> Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. – 396 б.

<sup>85</sup> Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 14.

урушдан сўнгги оғир йилларни акс эттирувчи асари, жумладан, 1947 йили нашр этилган “Қизлар” поэмаси ҳам халқ ҳаётини бузиб тасвирлаганликда ва асарда большевистик партиянинг ташкилотчилик, раҳбарлик роли етарли кўрсатиб берилмаганликда айбланади ҳамда дostonни қайта ёзиш талаб қилинади. Ёки таниқли танқидчи Раҳмон Қўчқоровнинг номзодлик диссертациясида тўғри таъкидланганидек, Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор” (1947) романида ҳам халқ ҳаёти ва миллий ҳамда диний урф-одатлар ҳаққоний тасвирланган воқеа ва ҳолатлар ҳам машъум тузум сиёсати ва мафқураси томонидан кескин қораланган, уларни зарарли эпизод сифатида асардан чиқариб ташлаш талаб этилган. Яъни романдаги куйидаги ҳаётий воқеа тасвири ўша даврдаги партиянинг ҳайбарақаллачи мафқурачилари томонидан совет тузуми сиёсати учун зарарли ва хавфли воқеа деб баҳоланган: қишлоқдаги Мадамин бова деган нуроний бир мўйсафид вафоти ва уни мусулмон киши сифатида васияти бўйича дафн этиш билан боғлиқ воқеалар романнинг катта бир “сиёсий хатоси” деб талқин этилган. Энг ёмони, мана шундай сиёсий айбловлар рўқач қилиниб, асар “социалистик воқеликни бузиб кўрсатувчи роман” деб, бутунлай бадном этилганлиги ва ёзувчини уни қайтадан ёзишга мажбур қилингани ҳам адабиёт ва адабий танқидчилик тарихимизнинг ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган қора саҳифаларидан бири бўлиб саналса керак.<sup>86</sup> Улкан адибларимиз – Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорларнинг ана шундай етук асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, халқ ҳаёти, миллий руҳияти ва диний урф-одатларини ҳаққоний акс эттирганлиги ҳам холис ўрганилмаган. Ёзувчилар уюшмасида бир неча кун давом этган бирёқлама муҳокамаларда ҳам, Тоғай Мурод романидаги Ботир фирқанинг ибораси билан айтганда, “масалага партиявий позициядан ёндашилган”. Натижада бу йирик асарлар партиянинг сиёсий-мафқуравий матбуотида ҳам муносиб кадрланмаган, аксинча кескин қораланиб, Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам ленинча большевистик партиянинг ташкилотчилик ва доноларча

---

<sup>86</sup> Қўчқоров Р. Истеъдод кадри. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 76.

раҳнамолик ролини кенг миқёсда кўрсата олмаганликда, социализм галабаларини тараннум эта олмаганликда айбланганлар. Таассуфки, улуғ ижодкорларимиз ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказиб, уларнинг бевақт ўлимларига ҳам сабаб бўлган бундай аянчли факт ва мисоллар адабиётимиз озмунча эмас<sup>87</sup>.

Ниҳоят, Истиқлолга эришганимиздан сўнг жамиятимиз маънавий ҳаётида ҳам туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бошланди. Бадиий адабиётимизда ҳам турли шакл ва мазмун ўзгаришлари, мавзулар ва тасвирлар хилма-хиллиги, услубий-баёний ўзига хосликлар ҳамда инсон образини яратишда ижодий индивидуаллик кенг миқёсда намоён бўлмоқда. Адабиёт ва санъатда бўлаётган бундай ижобий ўзгариш, тамойиллар, энг аввало, бадиий ижодда эркинлик ҳукм суриши билан боғлиқ умидбахш бир ижодий жараёнлар эканлиги шубҳасиздир. Кейинги йиллар адабиётида чинакам ижод қилиш, ҳақ сўзни ва ҳақиқатни айтиш эркинлиги кенг қамровда ривожланаётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Мустақиллик йилларига келиб, тарихга, тарихий шахслар образига, ҳаёт ҳақиқатига ҳаққоний ёндашиш анъанаси етакчилик қиляпти. Бинобарин, ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгариши ва жамият ҳаётидаги улкан ислоҳот ва эврилишлар бадиий тафаккур савияси ҳамда мезонларининг янгиланишига, образлар талқинларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй беришига кучли таъсир кўрсатди. Ижодкорлар олам ва одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини, шунингдек, уларни тасвирлашда ҳам янгича ёндашув зарурлигини англаб етдилар ва шу йўлда жиддий ўзгаришларнинг маҳсули бўлган ранг-баранг бадиий асарлар яратила бошланди.

Жумладан, Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романининг юзага келиши ҳам, энг аввало, жамият ҳаёти ва реал воқеликка асосланганлиги билан китобхонлар эътиборини жалб этади. Романда

---

<sup>87</sup> Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. –Тошкент: Фан, 1979. – 174 б.

мустабид совет тузуми давридаги бўғиқ ҳаёт, хусусан, салкам бир аср ҳукмронлик ва зўравонлик қилиб, инсонлар дунёқараши ва тафаккурини чеклаб, адабиёт ва санъат ривожига ғов бўлиб келган машъум коммунистик партиянинг даҳшатли сиёсати ҳамда унинг мудҳиш оқибатлари ҳаққоний акс эттирилган. Таниқли адабиётшунос Дилмурод Қуронов Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи ҳақида фикр юритиб, бошқа йирик романлар каби бу асар ҳам ижодкорнинг жамиятдаги муаммоларга нисбатан муносабати натижаси, муайян бир ечими сифатида юзага келганлигини таъкидлайди. Чўлпоннинг асари ва Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи ҳам “жамиятнинг муайян босқичдаги ҳолатидан “қониқмаслик” ёхуд унга нисбатан “исён” натижаси ўлароқ яратилган”<sup>88</sup> деб ёзганида тадқиқотчи ҳақ эди.

Шундай хулоса Тоғай Муроднинг романларига нисбатан ҳам айтилса, ҳақиқатга хилоф бўлмайди. Негаки “Отамдан қолган далалар” ҳам, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи ҳам адибнинг собиқ совет тузуми давридаги кўкка кўтариб мақталган социалистик жамиятнинг нобоплиги, халқ ҳаётининг оғирлиги ва ижтимоий муҳитнинг бўғиқ эканлигидан норозилиги ўша ҳолатларга нисбатан ўзига хос бир исён тарзида яратилгандир. Яъни “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи биргина ёзувчи Тоғай Муроднинг собиқ шўро тузумининг асосий қуролига айланган “партократия” ва бюрократия ҳукмронлигига нисбатан салбий муносабати, кескин норозилиги ва нафратини ифодалаб қолмасдан, балки унда даврнинг зиддиятли, мураккаб кечганлиги ҳамда халқимиз руҳияти, маънавияти қанчалар исқанжага солингани каби оғир ҳолатлар ҳам асосий образлар орқали кенг тасвирлаб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Узоқ йиллардаги пуч ғояларга алданган шахс фожиаси, умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар ва ҳолатлар воситасида кескинлиги-ю, фожиаси билан кўрсатувчи асарларда бош қаҳрамоннинг маълум бир нуқтада ўзликни, бу

---

<sup>88</sup> Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.138.

фоний дунёнинг ўткинчилигини англаш туйғусининг пайдо бўлиши ушбу романдаги умумбашарий мазмунни ўзида жамлаганини билдиради.

Романнинг яратилиши сабаб-омиллари ва ҳаётий манбаларини ўрганишда ва унинг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида фикр юритишда адибнинг ғоявий-бадий нияти ҳамда ушбу асардан кўзланган мақсадга алоҳида диққат қилишимиз керак бўлади. Тоғай Мурод асарларида унинг йирик адиб ва бир мутафаккир сифатидаги кенг дунёқараши ва унинг мустабид совет тузумидаги машъум сиёсат ва ҳукмрон коммунистик мафкурага муносабати, бу зўравонлик сиёсатининг даҳшатли оқибатларини акс эттириш асосий ўрин тутди. Сўнгги йиллар ўзбек романчилигини кенг ўрганган У.Қосимов, З.Пардаева, И.Ёкубов ва Р.Қўчқор каби тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Тоғай Муроднинг “қизиллар салтанати” бўлган социалистик тузумга ва унинг инсон қалбини, эркини бўғувчи “советлаштириш” сиёсатига нисбатан муносабатини ўзининг бутун ижоди давомида: ҳикоя ва мақолаларида, қисса ва романларида ҳам турли шакл-йўсинда изчил баён этиб келинган.<sup>89</sup> Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки болаликдан тийрак табиатли, туғма ўткир нигоҳ ва тиниқ фикр-мушоҳада қила олишдек салоҳиятга эга бўлган Тоғай Мурод халқимизнинг шонли тарихини ҳам яхши билган, айниқса, ўтган аср ўрталаридан бошланган мустамлака йилларида, Октябрь тўнтаришидан кейинги советлар даврида рўй берган кўплаб фожиона воқеаларни ҳам эшитган ва айримларини ўз кўзлари билан кўрган, улардан қаттиқ изтироб чеккан миллатпарвар ижодкорларимиздан эди.

Бу жиҳатдан асар бош қаҳрамони Ботир фирқанинг мураккаб ва зиддиятли ўй-кечинмалари ва айниқса, унинг романдаги эпизодик, аммо асар ғоявий мазмунини чуқурроқ англаб олишимизда муҳим ўрин тутувчи тош битикчи образи – қабристон ходими билан мулоқоти алоҳида

---

<sup>89</sup> Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. –Тошкент, 2003. – 43 б.; Ёкубов И. Мустақилик даври ўзбек романлари поэтикаси. –Тошкент: Nurafshon business, 2021. – 336 б.; Қосимов У. Тоғай Мурод ижоди. –Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 28 б.

аҳамиятга эга. Фикримизнинг далили сифатида Тоғай Муроднинг қалбидаги армонли туйғу ва дардли кечинмаларини ифодаловчи самимий эътироф ва хотираларини келтириб ўтишимиз жоиз. Адиб ҳаёти ва ижодига доир кўплаб қимматли қайдлари ва фикрларининг ўзига хос ишончли манбаси бўлган Кундаликларидаги қуйидаги битикларига назар солайлик: “Ёзувчи эл-юртнинг маънавий аскарлари бўлади. Ёзувчи эл-юртнинг мафкуравий посбони бўлади...”<sup>90</sup> Адабиёт ва ёзувчи бурчи ҳақидаги ушбу мухтасар, аммо ғоят муҳим фикрларни адиб ижоди ва асарларининг яратилиши билан боғлаб, кенгроқ контекстда ўрганиш ижод жараёни ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Тоғай Муроднинг асарлари каби ҳажман қисқа, мазмунан чуқур, адиб услубига хос халқона такрорлар билан теранлашган Кундаликларидаги бундай қайдларида ҳам халқ қайғу-аламлари ифодаланиши билан бирга, айтилган вақтда, уларда адиб “мен”и – ўзига хос йирик бир миллатпарвар ижодкор шахснинг изтиробли ўй-фикрлари ҳамда юксак орзулари ҳам ёрқин акс этганлигини кўрамиз

Буларнинг барчаси бўлажак ёзувчи қалбида ўчмас из қолдириши билан бирга унинг тафаккур оламини беҳад бойитиб, истеъдодини ҳам руҳан, ҳам маънан озиқлантирганлиги шубҳасиздир. Чунки буюк адиб ва мутафаккирлар таъкидлаганидек, адабиётнинг биринчи асл манбаи, уни озиқлантириб турувчи туганмас замин-захира ҳам бой, ранг-баранг ҳаётдир. Яна шуниси муҳимки, бўлажак шоир ёки ёзувчи ҳаётни ва атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни лоқайд бир томошабиндек четдан шунчаки бепарво бир ҳолатда кузатибгина қолмайди. Балки уларни чинакам санъаткорларга хос сезгирлик ва куюнчаклик билан кузатади. Барчасини қалби орқали ўтказиб, чуқур мушоҳада юритади, натижада ўша воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини бошқалардан кўра кенгроқ ва теранроқ англаб етади. Машҳур адиб Илья Эренбург чинакам санъаткорнинг

---

<sup>90</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар. Мақолалар. Кундалик дафтардан. –Тошкент: Шарқ, 2019. – Б. 110.

кузатувчанлик нигоҳини рентген нурлари билан муқояса қилганлиги ҳам бежиз эмас. Тоғай Мурод каби йирик адибларнинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишув муҳим бир ҳақиқатни тасдиқлайди. Яъни чинакам ижодкор шахс дунёни бошқалардан фарқли равишда ўзгача нигоҳ орқали “кўради”, ҳис қилади. Ана шу ноёб истеъдоди туфайли унинг тафаккур ва сезгилари дунёни ўзгача идрок этади. Бу жараёнда ижодкорнинг дунёқараши ва тафаккур тарзи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маълумки, буюк мутафаккир Аристотель таъкидлаганидек, бадиий ижод “қайта яратиш” – “воссоздать”<sup>91</sup> маъносини ҳам англатади. Машҳур алломаларимиздан бири Фитрат ҳам ўзининг “Адабиёт қоидалари” асарида ижодни “зеҳний юмуш” (яъни ижод этиш, яратиш)<sup>92</sup> деб таърифлашида ҳам катта асос бор.

Воқеликни англаш ва мушоҳада юритиш босқичида санъаткорни ижодга йўналтирувчи асосий омиллардан бирига эҳтиёж сезилади. Бу ижодкорнинг ўзлигини ифода қилишдек ҳаётий ва маънавий-руҳий бир эҳтиёждир. Ижодкор учун ёзиш худди тирикликнинг, яшашнинг зарурий шартига айланади. У тафаккурида шаклланган воқелик–моделни тасвирлаш орқали ўз дарди, яъни “мен”ини ифода қилишга интилади. Шу тариқа ижодкор инсон қалби ва тафаккури, эстетик дидини шакллантириш, унинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш фаолиятини ўзи учун ҳаётий бир қисмат деб билади. Жаҳоншумул буюк рус адиби ва мутафаккири Лев Толстойнинг “Айтмасдан чидаб туролмайдиган пайтдагина ёзиш, ижод қилиш керак”<sup>93</sup> деган ақидасида ҳам ижодкорликнинг ана шундай ҳаётий шарт ва омили ифодаланган, бизнингча.

Бадиий адабиёт инсон ҳаётининг жуда кенг манзараларини, инсон қалби ва руҳиятидаги, тафаккуридаги эврилишлар ҳамда ўзгаришларни образлар воситасида намоён қилади. Бунда ижод аҳли воқеа-ҳодисаларни, инсонлар кўнглидан кечадиган ҳис-туйғуларни бадиийлик мезонлари

---

<sup>91</sup> Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.149.

<sup>92</sup> А. Фитрат. Танланган асарлар. (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев) – Тошкент: Ma'naviyat, 2009. – 336 б.

<sup>93</sup> Толстой Л.Н. О литературе. –Москва: Худ. литература. 1955. – С. 21.



асосида талкин қилади. Зеро, ижодкор табиатан жуда сезгир бўлади, улар ҳар қандай жамият – ижтимоий ҳаётнинг турфа хил воқеа ва ҳолатларини жуда теран англайди. Бу мураккаб ва пинҳоний жараёнда, руҳшунос олимлар таърифлаган онгости оқимида ижодкорнинг тафаккурида ўша ҳолатларга фаол муносабат шаклланади ҳамда улар ижодкорга тинчлик бермайди, унинг онг-шуури ва ҳис-туйғуларини жўш урдириб юборади. Деярли барча йирик адибларда у ёки бу асарнинг яратилиши жараёни, яъни илк ғоявий-бадиий ният аксарият ҳолларда шу тарзда туғилади. Шу тариқа уларни образли тарзда бадиий тасвирлашга ҳаракат қилинади. Лекин бу илк ижодий ниятнинг амалга ошиши, яъни асар ёзишни бошлаш кўпинча осон бўлмайди, баъзан бунинг учун узоқ вақт ва яна қандайдир шарт-омиллар, таъсирчан ҳаётий бир сабаб-туртки бўлиши ҳам талаб этилади<sup>94</sup>. Масалан, буюк адиб Лев Толстой Кавказ халқлари ҳаёти, уларнинг Ҳожимурод каби миллий қаҳрамони тақдирини яхши ўргангани ҳолда бу мавзудаги повестини ёзишни ҳеч бошлай олмаганлиги ёзувчининг кундаликларидан ва бошқа манбалардан маълум. Ниҳоят, кунларнинг бирида ёзувчи яқинда шудгор қилинган кенг бир дала ёнидан ўтаётганида қоп-қора тупроқ ичида янчилиб ётган, аммо ҳалигача бир-икки илдиз-томири сўлмасдан тирик яшнаб турган бир ўсимликни кўриб қолади. Бизнинг далаларда ўсадиган отқулоққа ўхшаш “репи”, “татарин” (“қариқиз”) деб номланган бир гиёҳнинг шудгордан сўнг ҳам кўкариб турганлиги, яъни яшашга бўлган сўнмас иштиёқи буюк мутафаккир адибни ҳайратга солади ва шу ҳолати билан гўё унга калаванинг учини топиб бергандек бўлади. Ана шу гиёҳдаги кучли энергия, ҳаётий бардош ва қудрат янги асарининг бош қаҳрамони – миллий озодлик курашининг сардори, тенгсиз баҳодир Ҳожимуроднинг метин иродасини рамзий маънода бадиий гавдалантиришга асос бўлиб туюлади. Табиат – она заминдаги инсон кўли билан топталган ва янчиб ташланган оддий бир гиёҳнинг яшашга интилиши Лев Толстой миясида ва хотирасида кўп

---

<sup>94</sup> Цейтлин А.Г. Труд писателя. – Москва, 1969. – С.164.

вақтлардан буён пишиб етилган воқеаларни фавқулодда ичдан ёритиб-нурлантириб юборгандек бўлади, яъни асар сюжетини аниқ-тиниқ тасаввур қилиб, шу заҳотиёқ повестни ёзишга ўтиради. Бу ҳолатни ёзувчи повестининг муқаддимасида ҳам ва асар хотимасида ҳам миннатдорлик билан эътироф этади<sup>95</sup>. Ёки бошқа бир мисол: Абдулла Қаҳҳор “Даҳшат” ҳикоясини ёзиш учун ўн йиллар керак бўлганлиги ҳам ижод жараёнининг ўзига хос бир ҳолати саналади ва ундан муҳим хулоса ҳам чиқариш тўғри бўлади. Тоғай Мурод асарлари учун ҳам ана шундай ҳаётий воқеа-ҳодисалар у ёки бу тарзда “туртки” ролини ўйнаган дейишимизга асос етарли деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, ёзувчи ўй-хаёлини чуқур эгаллаган ва у ёзмоқчи бўлган воқеа-ҳодисалар ижодкор қалбига кўчиб, адиб ибораси билан айтганда, унинг “кўнгил куйига тушсагина” асар ёзишни бошлайди<sup>96</sup>.

Адиб асарларининг етуклиги ва бамисоли гўзал бир қўшиқдай яратилиши ва китобхонларга манзур бўлишининг асосий бир сабаби ҳам, энг аввало, мана шунда бўлса керак. Тоғай Муроднинг машҳур қиссалари ва илк романидаги сингари сўнгги йирик асари бўлган “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида ҳам жамият ҳаётидаги яқин тарихий воқеликлари акс эттирилади. Романда собиқ шўро давридаги мустабид ҳукмрон мафкура оқибатлари ва халқимиз бошидан кечирган зиддиятли, мураккаб воқеа-ҳодисалар жараёни айрим инсонлар тақдирига қандай катта таъсир кўрсатганлиги қаламга олинади. Яъни шўро давлати ва коммунистик партияга содиқ бўлган фаол бир шахсининг замон эврилишлари натижасида ўзининг кўп йиллар давомида шаклланган маслак-эътиқодидан айрилишга мажбур бўлганлиги ва унинг чигал туйғулари, ўй-хаёллари кенг акс эттирилган. Романда Ботир фирқанинг бир томондан кулгили ва довдир инсонлиги, шу билан бирга анчагина уддабурон фирқа аъзоларидан бўлганлиги қизиқарли воқеа-ҳодисалар орқали ҳаққоний тарзда изчил

---

<sup>95</sup> Толстой Л.Н. Хаджи Мурат. Москва. 1985. – С. 8- 238. (ўзбекчаси ҳам бор)

<sup>96</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар. Мақолалар. Кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. –36.

тасвирланади. Масалан, романда акс эттирилган кундалик турмушда учрайдиган типик воқеалардан бирига диққат қилайлик. Ботир фирқанинг аёли қозонда ёғ куйдираётиб, унга қозондаги мойга қараб туришни тайинлайди... Шу пайт радиода гимн зшитилади. Ботир фирқа шу заҳоти эски коммунистлардай ғоз туриб радиодаги гимни мижду қоқмай тинглайди, қозондаги ёғ ёниб кетади. Асар сюжетида бундай таъсирчан лавҳаларни кўплаб келтириш мумкин.

Маълумки, адабиёт ва санъат асарларининг яратилиши, машҳур адиб, мутафаккирлар таъкидлаганидек, ижтимоий ҳаёт ҳамда маънавий-руҳий эҳтиёж билан боғлиқдир. Яъни адабиёт ва унинг асосий бир тури бўлган роман жанри ҳам бевосита ҳаётинг замин асосида, бошқача қилиб айтганда, ҳаёт талаблари билан, инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжи билан боғлиқ тарзда дунёга келди. Яъни бадиий адабиёт ҳам инсон ўзини ифода этишга, ҳис-туйғуларини баён этишга киришган пайдан бошланган. Бизнингча, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи яратилишига сабаб-омиллардан яна бири шундаки, собиқ шўро даврида коммунистик партия сиёсати ниҳоятда авж олган ва “советлаштириш” жараёни бутун адабиёт ва санъатни ҳам эгаллаб олган эди. “Темир қолип”га айланган бу талаб-мезон ижод эркини бўғувчи катта тўсиқ бўлганини танқид ва адабиётшуносликда узоқ давом этган ижобий қаҳрамон муаммоси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айниқса, 60-70-йилларда бу муаммо бадиий ижод ва танқидчиликда асосий масалалардан бири бўлган. Фикримизнинг далили сифатида бир-икки мисол келтирамиз.

Атоқли адабиётшуносларимиздан бири Озод Шарафиддиновнинг машҳур адиб Саид Аҳмад ижодига бағишланган ва “Гулистон” журналида эълон қилинган салмоқли мақолалардан бири ҳам фикримизга далил бўла олади. Адиб истеъдоди ва ижоди ҳақида, қолаверса, ёзувчининг сўз санъаткорлиги хусусида ҳам теран фикрлар билдирилган ушбу мақолада ҳам Саид Аҳмаддек йирик адибнинг энг катта хизмати давр қаҳрамонини, яъни коммунист образини яратганлиги деган хулоса таъкидланадики,

бугунги кунда бу мулоҳаза, назаримизда, бирёқлама, анчайин бўрттирилган ҳамда муайян даражада баҳсли фикр бўлиб ҳам туюлади. Чунки Саид Аҳмаднинг адабиётимизда муҳим воқеа бўлган ва Абдулла Қаҳҳордек талабчан устозларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлган “Уфқ” трилогиясидаги бош қаҳрамонлардан бири Икромжон коммунист образини улуғлаш мақсадида яратилмаганлиги эндиликда оддий ўқувчиларга ҳам аён дир. Аммо совет мафкураси устувор бўлган, социалистик реализм усули асосий мезонга айланган ўша мураккаб йилларда шундай талқинлар бўлиши табиий бир ҳолат эди. Ёки Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир сингари улкан адибларимизнинг бир қатор етук асарларида коммунистик партиянинг раҳбарлик роли кўтаринкилик билан ёритилмаган ва уларнинг асарларида партия ташкилотининг етакчи вакиллари образлари асосий қаҳрамон қилиб олинмаган деган айбловлар билан танқид қилингани илмий ва адабий жамоатчиликка маълум. Аслида, бундай айблов, камситишлар ҳам ҳукмрон мафкуранинг адабиёт ҳамда санъат асарларига қўйган ва соғлом ақлга тўғри келмайдиган бемаъни сиёсий талаблари билан изоҳланса тўғри бўлар эди.

Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романидаги воқеалар билан яқиндан танишиб борар эканмиз, кўз олдимизда, энг аввало, Ботир фирқа образининг жонли бир инсон сифатидаги қиёфаси гавдаланади. Унинг ададсиз ўй-кечинмалари орқали инсоннинг ўзига хос маслак-этиқоди ўртасидаги муносабат кўпчилик ҳаёл қилганидай шунчаки оддий ҳолат эмаслиги аён бўлиб боради. Энг аввало, Ботир фирқанинг ўзини аямай астойдил меҳнат қилгани, партия ва ҳукумат лозим кўрган ҳар қандай лавозимда ҳам адолатга амал қилишга урингани, ҳамиша ҳукумат топшириқларини тўла бажаришга интилгани ҳолатлари тасвирида мураккаб табиатли бир одам сиймоси намоён бўлади. Айни вақтда, унинг атрофидаги одамлар тақдирига лоқайд эмаслиги, айниқса, очлик ва қашшоқликдан жонсарак ҳаёт кечираётган ночор кишиларга ёрдам қўлини чўзгани ёки бузиб ташланаётган тарихий обидаларни, ҳатто масжиднинг

катта дарвозасини ҳам сақлаб қолишга уринишлари, ўз юртини обод қилишга тиришганлари маълум даражада бошқаларга ибрат бўлиши мумкин. Бироқ, таассуфки, мана шундай бадий, мантиқий изчиллик ҳамда ҳаётий тасвирлар мароми асарнинг охиригача бериб борилмайди. Натижада китобхондаги кизиқиш ҳам бир қадар сусайиб, қаҳрамонга нисбатан ишончи ҳам камая боради.

Бизга маълумки, бадий адабиётнинг ҳаёт ва давр воқелигини бутун мураккаблиги билан кенг акс эттиришдек оғир вазифа ҳамиша ўша даврнинг етакчи шахслари характерини ёрқин ифодалаш орқали амалга оширилган. Ҳаёт муттасил ўзгариб-ривожланиб бориши билан қаҳрамонлари характерларини бадий гавдалантиришнинг мураккаблиги туфайли бу борада турли баҳс-мунозаралар кўп бўлган ва ҳозирда ҳам давом этаётир. Бу жиҳатдан йирик адибларнинг йиллар давомида муҳим ижодий қоидага айланган ақидалари ҳам эътиборга молик. Бежиз эмаски, турли давр ва турли оқимларга мансуб кўплаб таниқли ёзувчиларнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги қарашлари силсиласидаги “олтин ҳалқа”лардан бири бу – бадий маҳорат бобидаги фикр-мулоҳазаларидир. Бадий маҳорат бу, аввало, ёзувчи қалбидаги олижаноб мақсадни, оламга сочмоқчи бўлган муҳаббат ёки нафратни чуқур ифодалай олувчи ёрқин образлар яратиш демакдир. Санъаткор ҳаётни образлар орқали тадқиқ этар экан, барча фикр-туйғулари, китобхонга айтмоқчи бўлган “дард”ини образларда мужассамлаштиради. Шу боис ёзувчининг ҳалққа айтадиган гапи қанчалик муҳим ва зарур бўлса, бунини китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар ҳам шунга мувофиқ ёрқин бўлиши керак.

“Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романининг бутун мазмуни тасвирланган етмишдан ортиқ бобларнинг кўп қисмида асосий бош қаҳрамон бўлган Ботир фирқа ишонарли тарзда, яъни доимий ҳаракатда, зиддиятли ўй-изтироблар ичида ва хилма-хил ҳис-туйғулар, замзамалар қуршовида кўрсатиб борилади.

Роман, хусусан, Ботир фирқа ва Ражабов нутқлари орқали улар яшаган даврдаги сиёсий-мафкуравий муҳит, жумладан, қайта қуриш йиллари ва мустақиллик арафасидаги талотўплар, ижтимоий-маънавий беқарорликлар биргина оломон тўғрисидаги ўй-мулоҳазалар орқали жонли ва ишонарли акс эттирилганини қайд этиш лозим. Ботир фирқанинг қўйидаги ўй-фикрлари ҳаётий воқеликни, миллионлаб одамларнинг ҳайрат ва афсус туйғуларини ҳам ўзига хос тарзда ифодалай олганлигига китобхонларда тўла ишонч пайдо қилади: *“Булар... бир оломон, оломон! Оломонда тўртта таркибий хислат бўлади. Бу қандай хислатлар? Булар – гоя, ирода руҳ, ахлоқ. Ана шу тўртта хислат жам бўлса оломон бўлади. Ана шу тўртта хислат туфайли оломон қудратли ҳам даҳшатлидир. Оломон – бўрон, оломон – ёнгин, оломон – сел! Шу боисдан-да, оломон бўлар-бўлмасга қўзғала бермайди. Оломон бирор-бир гоя учун қўзғалади. Янги бир гоя дунёга келса – оломон ана шу янги гоя учун қўзғалади. Мазкур гоя порлоқми ё тубанми, аҳамиятсиз бўлади. Оломон қатордан қолма, кўндан қолма – шиорлари остида саф бўлади. Оломон учун жамиятнинг яхши куниям бир, ёмон куниям бир. Жамият бирор ютуққа эришса – оломон қўзғалади. Жамият бирор парокандаликка учраса – тагин оломон қўзғалади. Оломон яхши кунда бир сиёсатдонни улуғлайди. Ёмон кунда... айни шу сиёсатдонни ер билан баравар этади! Оломон... тўқимтабиат бўлади! Бир кунлик кайфият билан жам бўлади. Бир соатлик мақсад билан йиғилади. Кейин, бирдан... айниб қолади. Бирдан... тариқдай тарқаб кетади! Оломон жуда осонлик билан ўзига лидер топади. Чунки оломон лидерсиз бир қадам босолмайди. Лидерсиз бир сўз айтолмайди! Лидер оломон номидан ганимига қарата биринчи бўлиб тош отади. Биринчи бўлиб ўқ отади. Шу боис, оломон ўз лидери кетидан... кўрларча эргашади! Ўз лидери изидан... подаларча юради! Ким оломон лидери бўла олади? Ўзида йўқ... фазилатлар билан оломонни ишонтира олувчи, ёлгон-яшиқ гоялар билан оломонга таъсир эта олувчи, маза-бемаза шиорларни хорижий тиллар билан қўшиб сўзлай олувчи зот – лидер бўла олади! Инсон*

генерал бўлиши мумкин, аксинча, лидер бўлолмайди. Инсон министр бўлиши мумкин, аксинча лидер бўлолмайди. Масалан, Николай II оқпошио бўлди. Аммо лекин лидер бўлолмади. Ўртоқ Ленин оқпошио бўлолмади. Аммо-лекин лидер бўлди!..”<sup>97</sup> Келтирилган катта матний парча маълум даражада сиёсий-публицистик руҳда битилганга ўхшаб кетади. Лекин матн мазмунида ифодаланган бундай изчил, ҳаққоний тасвир, ҳолатлар орқали Ботир фирқа образи эволюцияси, динамикаси, унинг характери ҳамда онг-тафаккуридаги ўзгаришлар яққол сезилиб туради. Шу ўринда Тоғай Мурод романида реал ҳаёт ва кишилар психологиясидаги кескин ўзгариш ва турфа хил эврилишлар, бошқача айтганда, СССР деган империянинг таназзули арафасида кўплаб минтақаларида пайдар-пай содир бўлган олатасир йиғинлар, митингбозлик ва оломончилик ҳодисалари ҳаққоний тасвирланганини машҳур шоирларимиз Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достонидаги жаҳолат тўғрисидаги ривояти ёхуд “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” рўзномасида чоп этилган эсселари ва Абдулла Ориповнинг “Оломонга” ёхуд Муҳаммад Юсуфнинг “Халқ бўл, элим” шеърлари билан муқояса қилинганда, янада яққолроқ ҳис этиш мумкин. Абдулла Ориповнинг “Оломонга” шеърини ўқиган китобхонда Ботир фирқанинг оломон тўғрисидаги таърифлари анча асосли эканлигига ишончи ортади. Унинг оломон ва тарихий ўтмишимиздаги ҳамда кейинги йиллардаги моҳияти тўғрисидаги тасаввури янада кенгайтиши, онг-тафаккури ҳам янада чуқурлашиши шубҳасиздир:

Машраб осилганда қаёқда эдинг,

Чўлпон отилганда қаёқда эдинг...

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,

Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?<sup>98</sup>

Бу асарларда ифодаланётган ғоя ва мазмуннинг умумий муштараклиги шунчаки ташқи ёки тасодифий ўхшашлик ёхуд қандайдир

<sup>97</sup> Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. –Тошкент: Шарк, 2001. –Б. 91-92.

<sup>98</sup> Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд. Шеърлар ва дostonлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –Б. 329.

тақлидчилик натижаси ҳам эмас. Балки турли жанрларда битилган бу асарлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва уларга маслакдош бўла олган Муҳаммад Юсуф ҳамда Тоғай Муродларнинг халқимизнинг дард-ҳасрат тўла қалбидаги асрий нидоларининг яқдил бир акс-садоларидир.

Бу фикрни яна бир қиёс билан давом эттириш мумкин. Тоғай Мурод Ботир фирқа образида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва социалистик мафкура одамлар онгу руҳига чуқур таъсир қилишини депутатлар мисолида ҳам акс эттирган ва бу жиҳатдан ҳам Эркин Воҳидовнинг “Халқ ноиблари” шеърига ҳамоҳанглик ва муштаракликка гувоҳ бўламиз: “Депутат бўлиш учун минбардан тушмаслик керакми? Бақириб-чақириб керакми. Иккинчи тоифа одам – олижаноб одамдир, улуғнамо одамдир, авлиёнамо одамдир. Бу тоифалар хўрланган халқ учун қайғуради, ҳақоратланган халқ учун қайғуради, эзилган халқ учун қайғуради”.<sup>99</sup> Шу муқояса орқали ҳам Тоғай Мурод ва Эркин Воҳидовларнинг халқ дарду ташвиши билан яшагани, жамият маънавий ҳаётидаги иллатларни тезроқ бартараф этиш ҳақида қайғургани, бу орзу-ҳаракатлари билан жадиждларнинг изчил давомчилари бўлганлигини кўрамыз. Яъни “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи фош қилувчи характерда ёзилган. Романда шўровий ғояларга берилиб кетган одамнинг фожиаси кўрсатилган. Ҳаёти ўткинчи ғоялар билан суғорилган ва умри шу сохта ғояларга хизмат қилиш билан ўтган инсоннинг охири ҳеч нарсасиз қолиши фожиаси ғоят ишонарли тасвирланган ҳамда Тоғай Муродга хос, санъаткорона тарзда кўрсатилган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романининг аксарият бобларида айрим ўринларда Тоғай Муродга хос изчил тасвир ва талқинлар етишмайди, бунинг натижасида энди Ботир фирқа кўпроқ ёзувчи истаган гапларни сўзлаётгандай, ёзувчи буюрган ишларни қилаётгандай таассурот қолдиради. Масалан, у бир қарасак, митингга бориб, унинг қатнашчилардан норози бўлгани кўрсатилса, яна бир қарасак, ўзича бугунги амалдорлардан ёзғиришга

---

<sup>99</sup> Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 92



тушиб кетади. Ёки ёшларнинг ахлоқи, юриш-туришлари бузилганлиги ҳақида ўй-хаёлларга берилса, гоҳида ёзувчиларнинг бемаъни ва ярамаслиги, жамиятимиздаги порахўрларнинг ноинсофлиги ҳақида ўзича фикр юрита бошлайди. Романда тасвирланишича, Ботир фирқа бошқа партия фаоллари каби дурустроқ бир соҳада олий маълумотга ва дипломга эга эмас. Аммо бирор илм даргоҳида мунтазам ўқимаган, тизимли билим-малакага эга бўлмаган ва романнинг ҳам бирор жойида алоҳида бир илмий салоҳиятга эгаллиги кўрсатилмаган Ботир фирқадек ўртамиёна савияли бир одам кутилмаганда Филофей, Маноман, Грознию Ленинлар ҳақида, халқнинг бугунги тарихи ва тақдири ҳақида ҳаттоки тажрибали тарихчи ё файласуф олимлар ҳам биланвермайдиган даражада ўй-мушоҳадалар юрита бошлайди. Ленин ва унинг партиясию лидерлик ҳақида ҳам сиёсатдонлардай гапиради. Булардан шундай хулоса келиб чиқадики, ёзувчи бугунги китобхонларга ниманики айтишни хоҳлаган бўлса, ўша билим ва маълумотларни қаҳрамоннинг оғзига гўёки чайнаб солгандай, уларни айтишга мажбур қилингандай таассурот пайдо бўлади. Бу қаҳрамон шу қадар сиёсий ўқимишли ва билимли инсонки, яъни интеллектуал салоҳияти шунчалар юқори даражадаки, ҳатто унча-мунча олий маълумотли етук мутахассислар ҳам тушунолмайдиган суицид ҳодисаси ҳақида ҳам бемалол фикр юритиб, бошқаларга тушунча беришга уринади. Таассуфки, бундай нотабиий таъриф-тавсифлар, ортиқча илмий-сиёсий билимдонликлар асар ёки қаҳрамонини бойитишга хизмат қилмайди, балки китобхонда унга нисбатан ишончсизлик туғдиришига қолаверса, зеркиш, шубҳа уйғотишга ҳам сабаб бўлади. Чунки ҳаётдаги жонли одамлар сингари адабиётдаги ҳар бир қаҳрамоннинг ҳам ўзи кўтариши мумкин бўлган ғоявий-бадий вазифаси бўлади, ўшандан ортиғи унинг ҳаққонийлигига путур етказди. Шуниси таажжубланарлики, Тоғай Муроддек истеъдодли ва тажрибали ёзувчи асар қаҳрамони елкасига у кўтаролмайдиган юкларни ҳам ортадики, бу ҳол қаҳрамон сўзи ва хатти-ҳаракатларининг ҳаётлийлигига шубҳа уйғотиши аниқдир. Бундай

мантикий бўшлик ва сунъий бўрттиришлар айрим адабиётшунослар эътироз билдирганидек, романнинг бадий даражасининг пасайишига ҳам сабаб бўлади <sup>100</sup>.

Маълумки, бадий ижод учун ҳар қандай такрор номақбулдир. Буюк Алишер Навоий ҳам “Бир деганни икки демак хуш эмас, Сўз чу такрор топди – дилкаш эмас” деб, ижод аҳлини қатъий огоҳлантиргани бежиз эмас. Дарҳақиқат, ҳассос адабиётшуносларимиздан бири Иброҳим Ғафуров айтганидек, истеъдодли ижодкорлар ўзини ўзи такрорлашидан сақланиши адабиёт ривожини учун жуда муҳимдир. Шу жиҳатдан ёндашилганда, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романини ўқиган киши Тоғай Муроддай талантли ва катта тажриба-малакага эга бўлган адибимиз ҳам баъзи ўринларда маълум даражада ўз-ўзини такрорлай бошлагандек тасаввур пайдо бўлади. Биз бу ўринда китобхонларда ҳам эътироз уйғотувчи қуйидаги баъзи ҳолат ва тасвирларни назарда тутяпмиз. Энг аввало, ёзувчи яратган қаҳрамонларнинг қайси жиҳати биландир бир-бирларига ўхшаб қолмаслиги лозим. Масалан, Ботир фирқанинг гапириш йўсини “Момо-Ер кўшиғи” қиссасидаги асосий қаҳрамонларнинг сўзлашиш тарзига ўхшаб қолгандай. Шунингдек, “Отамдан қолган далалар” романидаги китобхонларга яхши таниш, ҳатто кадрдон бўлиб қолган Деҳқонқулнинг гапиришларини ҳам бир оз эслатгандай бўлади. Яъни икки романда ҳам ёзувчининг ҳукмрон шўро давридаги мафкурага нисбатан киноявий муносабати ҳаётининг бир йўсинда акс эттирилганлиги ўринли, аммо бу ҳолатларнинг ифодаланишида, назаримизда, образлар бир-бирига анча ўхшаш бўлиб қолганлиги ҳам сезилади.

Ёки “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романидаги замонавий хотин-қизларнинг энг илғор намояндаси сифатида тасвирланган “оташнафас қайта қурувчи, демократия байроғини боши узра кўтариб юрувчи” Диля, яъни Дилбар Мирзахўжа қизининг сўзлашув йўсини “Отамдан қолган

---

<sup>100</sup> Ўйладдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 116.

далалар”даги “маданият вакили” Кларанинг нутқиға анчагина ўхшаш бўлиб қолган.

Муаллиф тилидан берилган айрим сўз-иборалар ҳам (“оғзини ушлаб кулди”, “оёқ илди”) каби ифодалар ҳам унинг олдинги асарлари тилидан бу романдаги қаҳрамонлар тилига ўтиб қолгандай туюлиши мумкин. Булар, албатта, жиддий камчилик бўлмаса ҳам, барибир, ўқувчиларда асарнинг айрим ўринларида қаҳрамонлари тили тўла индивидуаллашмагандек таассурот қолдиради. Ҳолбуки, чинакам санъат асарида ҳар бир образ ўз хатти-ҳаракати, руҳияти ва ўз нутқи-сўзлари билан ҳам бошқа қаҳрамонлардан ажралиб туриши жаҳон адабиётининг кўп асрлик тарихи ҳамда бой тажрибаларидан яхши маълум. Бундай ноқисликлар шу билан изоҳланадики, романда акс эттирилган мавзу муаммолар адабиётимизда нисбатан кам ёритилган янги мавзу ва ғоялардан бўлганлиги билан боғлиқ. Уларни ёзувчи тезроқ китобхонлар эътиборига тақдим этишга шошилгандек кўринади. Шу туфайли бўлса керак, бу асар Тоғай Муроднинг мумтоз қиссалари ва адабиётимизда катта бир воқеа бўлган “Отамдан қолган далалар” романидек ўқувчилар орасида у қадар машҳур бўлиб кетмади. Лекин барибир ўзига хос истеъдод соҳиби бўлган адибнинг эзгу мақсад йўлида яратилган ушбу романи ҳам ҳаётий воқеалари, муҳим ғоявий мазмуни ҳамда миллийлиги каби жиҳатлари билан Истиқлол даври ўзбек прозасида муносиб ўрин тутиши шубҳасиздир.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Чинакам санъат асари яратиш учун ижодкор “шахсий туйғу, кечинмаларини эл-юртга меҳр-оқибат туйғулари билан бирлаштириши” керак. Ушбу сўзларда Тоғай Муроднинг ижодий кредоси, ижодий бир дастур-аъмоли, муқаддас принципи, барча ижод аҳли учун ҳам етук асар яратишнинг олтин бир қонунияти ифодаланган.

2. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романининг яратилиш тарихи ва ижод жараёни архив материаллар, Кундаликлар, ижодкор

каламига мансуб мақолалар асосида ёритилди ва бадиий такомилида ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари муҳим ижодий дастур бўлиб, адабиёт ривожига ва қонуниятлари, тамойилларини ёритишда ҳам қимматли манба бўлиши мумкинлиги далилланди.

3. Адиб ҳикоялари, қиссалари, романларининг яратилиш жараёни ҳамда ҳолатлари ўрганилиб, улар матни ва номларидаги ўзгаришлар, жанрлараро ғоявий-бадиий тадрижи кузатилган, адиб ижоди ва услубидаги тақомиллашув жараёни белгиланган.

4. “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романида баъзи ўринларда публицистик руҳ устунлиги, асар тили ва айрим қаҳрамонлар нутқи пухта эмаслиги ва баъзи такрорлар таҳлил асосида кўрсатилган.

## **III БОБ. ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ВА АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК**

### **3.1. § Тоғай Мурод асарлари тили ва услубининг ўзига хослиги**

Ижод жараёнининг энг масъулиятли ва сермашаққат босқичи бу – шубҳасиз, бадиий асар тили устида ишлашда намоён бўлади. Жаҳон адабиёти тарихига назар солсак, Навоий ва Толстойлар, Адулла Қодирий ва Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемирлар ёхуд Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдек мумтоз шоир ва ёзувчиларнинг бадиий асар тили устида заргарона меҳнат қилганликлари ҳамда сўз танлаш, қўллаш машаққати нечоғлиқ улкан масъулият талаб қилишини кўз олдимишга келтиришимиз мумкин.

Тоғай Мурод ҳам устозларнинг фикрларини давом эттирган ҳолда, тилни асар негизи-асосини ташкил этувчи замин-пойдевори деб таърифлайди: “Бадиий асар мисоли бир минора. Асарни ўз пойдевори бўлади. Асар умри ана шу пойдевордан бино бўлади. Асар пойдевори – тил. Ҳаёт тил билан бошланади, ҳаёт тил билан адо бўлади. Шу боис, ҳаётга келажак инсонни “Тили чиқибди”, – дейди. Ҳаётдан кетажак инсонни “Тилдан қолибди”, дейди. Бу халқона ибора тилнинг ҳаётий ва руҳий эҳтиёж эканлигининг Тоғай Муродга хос донишмандона бир талқини дейиш мумкин. Улуғ устозлар каби Тоғай Муроднинг бетакрор ижоди, тил-услуби ва сўз санъаткорлиги ёш адиблар учун бадиий маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Айниқса, она тилимиз давлат тили сифатида яшар, унинг равнақи йўлида барчамиз масъул эканмиз, буюк адибларимизнинг ижоди ва бадиий тил сабоқлари янада чуқур аҳамият касб этади. Тоғай Муроднинг ижодий-эстетик концепциясининг бадиий ифодаланишини ўрганиш, таҳлил қилиш ёзувчи дунёқараши ва услубий ўзига хослигини англашнинг асосий йўлларида бири саналади. Илмий-адабий манбаларда, тадқиқотларда шоир ва ёзувчиларнинг услуби ҳақида бир қатор таърифлар берилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, буюк алломалардан бири Абдурауф Фитрат ижодкор услубининг шаклланиши

ва унинг бадий ижодда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай мулоҳаза юритади: “шоир-ёзувчи санъаткорликда кўтарила борган сари ўзига махсус бир услуб ярата бошлайди. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуб ҳам борликқа чиққан бўладир”.<sup>101</sup> Бу таърифда ижодкор услубининг асосий шарт-омиллари ҳам қайд этилгани бежиз эмас.

Ёхуд йирик адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳам ижодкор услубининг ўзига хослиги ва у кенг қамровли бир тушунча эканлигини қўйидагича талқин этади: “Новаторлик, оригинал услуб балки узок изланишлар, давомли меҳнат самараси ўлароқ вужудга келади. Услуб ҳар куни оладиганимиз ҳавога ўхшайди – биз ҳавони таркибий қисмларга ажратиб кўришни хаёлимизга ҳам келтирмай, нафас олаверамиз. Услуб ёзувчининг бутун ижодига сингиб кетган бўлади. Уни ижоднинг руҳи, ҳар бир асардан анқиб турадиган хушбўй хид дейиш мумкин. Ёзувчининг ҳаётга муносабатидаги, характер яратишдаги, тасвирий воситаларидаги, фикрлаш йўсинидаги, қўйинг-чи, ҳатто биографияси ва шахсиятидаги ўзига хосликлар ҳаммаси бирикиб, унинг услубини вужудга келтиради. Бироқ услуб мана шундай мураккаб ҳодиса бўлса ҳам, ижоднинг бир соҳаси борки, унда услуб биринчи қарашдаёқ кўзга ярқ этиб ташланиб туради. Бу ёзувчининг тили. Тилда ёзувчининг маҳорати ҳам, эстетик принциплари ҳам, ҳаёт рангларини пайқай олиши ҳам, нозик фарқларни хис этиш қобилияти ҳам аниқ кўринади”.<sup>102</sup>

Тоғай Муроднинг бадий тил ва услуб ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Бадий тил ва услуб ижодкор руҳи, истеъдоди ва ўзига хослигини ифодаловчи бир кўзгу экан, уни ижодкорнинг дунёқараши, тили, адабий-эстетик идеали ва бадий маҳорати масалалари билан узвий алоқадорликда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ёзувчининг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига фалсафий-эстетик муносабати, миллий характер яратиш,

<sup>101</sup> А.Фитрат.Адабиёт қоидалари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.26. (Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев)

<sup>102</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. -Биринчи мўъжиза. –Тошкент. 1979. – Б.292-293.

бадий тасвир воситаларини қўллаш маҳорати, унинг тафаккур ва мушоҳада йўсинидаги ҳаётийлик, изчиллик, шунингдек, ижодкор биографиясидаги ўзига хосликлар – ҳаммаси биргаликда унинг такрорланмас услубини шакллантиради. Серқирра ва мураккаб ҳодиса бўлган услуб адиб тилида нисбатан яққолроқ намоён бўлади. Адабий асарнинг тили ва услубида ёзувчининг ҳаёт рангларини фарқлай олиши, сўз ҳамда унинг маъноларини чуқур ҳис этиш маҳорати, сўзнинг тагмаънолари, ифода имкониятини нозик илғай олиш қобилияти ҳам аниқ кўринади.

Ёрқин ўзига хос услуб эгаси бўлган Тоғай Мурод каби санъаткорлар нафақат ўзидан аввалги устоз ёзувчиларнинг, балки замондош ижодкорларнинг ҳам илғор услубий тажрибаларини муайян даражада ўзлаштиради. Айни вақтда, унинг бетакрор услуби ҳам кейинги давр адибларига таъсир ўтказа олиши ҳам шубҳасиздир. Фикримизнинг далили сифатида Тоғай Мурод асарларининг мавзу ва қаҳрамонлари тасвиридаги миллийлик каби ёрқин жиҳатлари бугунги кунда фаол ижод қилиб келаётган Ғафур Шермуҳаммад, Нормурод Норқобил каби истеъдодли адибларнинг қисса ва ҳикояларида самарали бир анъана сифатида ижодий давом эттирилаётганлиги адабий жамоатчиликка маълум. Жумладан, “Чавандоз” бадий фильмининг муваффақиятли яратилишида ҳам Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссасининг ижодий таъсири борлигини фильм ижодкорлари ҳам таъкидлашади.

Шунингдек, услуб санъаткорнинг реал ҳаёт, воқеликни ижодий англаш ва бадий-эстетик тарзда ўзлаштириш шакли, воситаси ҳамдир десак, хато бўлмайди. Масалан, битта ҳаётий мавзу ё муаммо бир неча шоиру ёзувчилар томонидан турли хил аспект ва шаклларда ёритилиши мумкин. Сўз санъаткорининг воқеликни ана шундай бадий-эстетик идрок этиш жараёнида шакл ва мазмун уйғунлигидаги ўзига хослик ижодкорга хос индивидуал тасвирлаш маҳорати ҳам намоён бўлади. Турли ёзувчилар айнан бир давр, қаҳрамон ёхуд воқеа-ҳодисалар ҳақида ёзсалар-да,

уларнинг оламини англаши, бадиий талқини ва ифода тарзи хилма-хил бўлиши табиий. Чунки бу жараёнда санъаткор бетакрор истеъдоди, маҳорат, тажрибаси, услубидаги ўзига хосликлар ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бизга маълумки, тилни халқ яратади, аммо унга сайқал бериб бадиийлаштирувчи, уларни янги оҳанглар билан бойитувчилар, энг аввало, шоир ва ёзувчилар, яъни моҳир сўз санъаткорлари бўлиб ҳисобланади. Шоир, ёзувчиларнинг тил маҳорати ва сўз санъаткорлиги уларнинг халқ руҳиятини чуқур англаши, адабий тил билан жонли сўзлашув тили унсурларини қанчалик пухта билиши улардан моҳирона фойдалана олишларида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан Абдулла Қодирий, Гафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор Ҳамид Олимжон ва Миртемир каби ижодкорларимиз асарларига ёндашадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси ҳам жонли халқ тили бойликлари ва рангдорлигини адабий тилга санъаткорона пайванд қилиб, ҳар бир сўз ва иборани маҳорат билан қўллай олганликларини кўриш мумкин. Шундай хусусиятлар Тоғай Мурод асарларининг бадиий тили ва услубига ҳам хос.

Ёзувчи тилида ишлатилган ҳар бир сўз бирикмаси, сўз, ҳатто морфема бутун матнда образли бутунликни ташкил этишга қаратилган. Айниқса, воқеа ва қаҳрамон тасвирларидаги такрорлар бадиий матнни мазмунан бирлаштириб, характерлар руҳиятини очувчи муҳим восита сифатида қўллангани аҳамиятлидир. Такрорланиб келаётган мазкур сатрларнинг табиийлиги ва жарангдорлигини кучайтириб, қаҳрамон характерига хос ҳолатнинг ҳаётийлигини таъминлаган. Адибнинг эътибори ҳеч бир детални кўздан қочирмайди. Воқеалар ривожини мантиқан давом этади, шу билан бирга маъно ва оҳанг ҳам кучайтирилиб, тасвирнинг кўлами, таъсирчанлиги ҳам ошади.

Булардан аён бўладики, Тоғай Мурод қўллаган бадиий сўз ва ибораларнинг такрор қўлланиши тасвирланаётган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини ҳамда қарашларини ифодалаш, уларни бадиий-эстетик



баҳолаш, айна воқеа-ҳодиса ё ҳолатларнинг кўзда тутилган жиҳатлари, у ёки бу қаҳрамоннинг характер табиатига хос хусусиятларнинг намоён бўлиши жараёнини кўрсатиш орқали ўқувчи эътиборини тортиш ҳамда уларни чуқурроқ ақс эттиришга хизмат қилиши билан муҳимдир. Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ёзувчи бадиий нутқи ва тасвирлаш услубидаги ўзига хос такрорлар қаҳрамон ҳиссиёти янада изчил, таъсирчан тарзда ифодалашга йўналтирилган. Булар барчаси муҳим ғоявий ва услубий вазифани бажаради. Асарнинг ҳаётийлиги ҳамда таъсирчанлигини, қаҳрамон кечинмаларининг ҳаққонийлиги ва ишонарлилигини кучайтиради.

Бадиий асар сюжетида содир бўлаётган воқеаларни яққол кўз олдимизга келтириш учун муаллиф бу ҳолатларни ҳозирги замонга кўчиради, шу йўл билан китобхон тасаввури ҳам анча жонланади. Янги ўзбек реалистик насрини жаҳон адабиёти билан беллашадиган даражага кўтаришда Қодирий, Чўлпон ва Фитратларнинг етакчи бўлганлигини эътироф этиш билан бирга, улардан кейин адабиёт майдонига кириб келган Ғафур Ғулوم, Ойбек ва Қаҳҳорларнинг ижодий изланишлари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йирик адибларимиз миллий адабиётимизга хос мумтоз анъаналарни халқ оғзаки ижоди тажрибалари билан пайванд қилиб, реалистик насримизни юксак бир босқичга кўтардилар. Бу мураккаб ва истиқболли жараёнда Тоғай Муродлар авлодининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги адабиётшуносларимиз томонидан тўғри эътироф этилган. Хуршид Дўстмуҳаммад каби замондошлари гувоҳлик беришича, Тоғай Мурод кўпчилик муаллифларнинг “тили” ғализлигидан, мутлақо ўзбекча эмаслигидан тутақиб кетар, русчадан нўноқларча таржима натижасида урчиб бораётган чала ва сохта тил бу, дея хуноб бўлгани бўлган эди.

Адабиётшуносликда, бадиий асар тили ҳақида ёзилган илмий-танқидий асарларда ёзувчининг сўз бойлиги, тилдаги тағмаёно, қочиримлар ва кўчма маънолар, миллий ранглар, муаллиф тили,

персонажлар тилини индивидуаллаштириш ҳамда монолог, диалог каби масалалар нисбатан кенгроқ ёритилган. Масалан, Йўлдош Солижонов сингари адабиётшунос олимлар XX асрнинг 80-90-йилларида яратилган ўзбек романларининг тил хусусиятларини бадиий нутқ типлари асосида яхлит нутқий жараён сифатида тадқиқ этар экан, уларда монолог, диалог масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Тоғай Мурод асарларида монолог ва диалогдан фойдаланишда ҳам кўникилган тасаввурлар ҳамда кенг қўлланиб келинган шакллар доирасида қолиб кетмасдан, кўпинча диалог, монологга янги бадиий-стилистик функциялар юклашга муваффақ бўлади. Яъни адиб асарлари тилида диалогнинг янги маъно қирраларини кашф этади. Уларни чинакам санъаткорларга хос тарзда ўзининг ғоявий-бадиий ниётларига тўла хизмат қилдиришга эриша олади. Диалогларда фикрларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг маънодорлиги орқали муаллиф персонажларнинг психологик ҳолат ҳамда ички кечинмаларини ҳам очиб беради. Чунки монолог ва диалоглар образларнинг индивидуал хусусиятларини очишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, “Отамдан қолган далалар” романида Дехқонқулнинг ноҳақ қамалиши, унинг инсонлик шаънини ҳақоратловчи усуллар билан тергов қилиниши жараёни берилган парчада бадиий тасвир воситаларини қўллашда ҳам адибнинг маҳоратидан далолат берувчи ёрқин лавҳалар, характерли диалог ҳамда сўз-иборалар кўплаб учрайди. Узоқ давом этган савол-жавоблар, яъни диалоглардан ташкил топган бу лавҳа асар персонажларнинг психологик портретини чизишда ҳам алоҳида бир маъно ва бадиий-эстетик мазмун касб этади:

– Хў-ўш, биринчи сўров: ўртоқ Жамолиддинов, раисингизни олтинларини қаерга кўмиб эдингиз?

Ўйландим-ўйландим – ўйланиб ўйимга етолмадим.

– Ўйнаб кўяй, сўровингиздан, – дедим. – Қандайчикин олтинни айтаяпсиз?

– Қандайчикин бўларди – Мурунгов олтини-да.

–Олтин сарик бўлади, деб эшитиб эдим. Аммо-лекин олтинни ўзини кўрганим йўқ.

Ёки ”От кишнаган оқшом” қиссасидаги Зиёдулла чавандоз билан ёш болакай ўртасидаги диалог ҳам ўзининг ҳаётийлиги ва табиийлиги билан ўқувчининг эътиборини жалб этади:

–Кимнинг ули бўласан? – дедим.

–Отамнинг.

–Отанг ким?

–Шокиркул.

–Ҳа-а, отинг нима? Карим? Ўлма! Бу иштон хўл-ку, Каримбой?

–Энам тўйда. ...

Бундай диалоглар ҳам ёзувчининг миллат руҳияти, онг-тафаккури ва халқона сўзлаш одат-усулларини жуда чуқур билишини ҳамда улардан қаҳрамонлар тасвирининг ёрқин, ишонарли ва жонли инсонлар бўлиб чиқишида ўринли фойдаланганликларини кўрамыз. Диалог нутқий восита бўлиши билан бир каторда ёзувчининг ғоявий-бадий мақсадини ҳам ифодалайди. Адиб диалоглар орқали нафақат инсон характери ва психологиясини очиқ беради, балки инсонни ўзига хос фазилатлари билан кўрсатишга, ижтимоий муҳитни тасвирлашга ҳам муваффақ бўлади. Юқоридаги диалог ва монолог мисолида, Зиёдулланинг кўпқарига қайтиши билан боғлиқ пинҳоний ўй-кечинмаларини ифодалашида биргина “Карим муаллим қайтарди...” деган сўз-ибора ҳам ана шундай ғоявий-бадий салмоқ касб этган.

Диалогда нутқ ифодаси, бадий деталь, образли ибораларнинг бир неча марта такрорланиб келиши Тоғай Мурод бадиияти ва тасвир услубига хос бўлган тавсифий восита бўлиб саналади. Хусусан, сўз, иборалар такрори – бадий нутққа хос ташбеҳ ва эпитетлар сингари кенг қўлланадиган, анъанавий интонацион-синтактик ифода усуллари билан биридир. У айрим товушларини, бир ёки бир неча сўзни ёки сўз бирикмаларини, баъзан эса муайян ибораларни ўринли такрорлаш орқали

фiкр ёки хис-туйғуни осон ва чуқур ифодалашга, унинг таъсир кучини оширишга ҳамда турли интонацияларни бўрттириб кўрсатишга имкон берадиган стилистик восита саналади. Образлар нутқи, ўй-хаёллари орқали уларнинг ички дунёсини ҳам, айрим шахсларнинг рухий ҳолатлари орқали ижтимоий муҳитни, давр руҳини ҳам маҳорат билан кўрсата олган. Асар қаҳрамонлари нутқидаги лексик-услубий такрорлар улар руҳияти ва туйғуларини кучайтирувчи, сюжет воқеалари мазмунини чуқурлаштирувчи вазифани ҳам бажаради.

Ёзувчининг истеъдоди ҳаётни ўзига хос тарзда кўра олиш, хис қилинган туйғуни бошқаларга ҳам содда ифода орқали юктира олиш, ҳаётий характерлар ярата билишида яққол кўринади. Тоғай Мурод ўз ижоди билан XX аср ўзбек адабиётига янгича, ўзига хос тасвирий усул ва воситалар олиб киргани ҳамда унинг поэтик тасвир кўламини кенгайтирганлиги билан таҳсинга лойиқдир. Шу жиҳатлари билан ҳам Тоғай Мурод дунёни идрок этишда фавқулодда нодир бир истеъдодга эга бўлган адиблардан саналади. Унинг теран ва нозик қарашлари инсон руҳиятининг энг чуқур қатламларига сингиб кетади. Адиб асарлари тили ва услубининг ўзига хос жиҳати шундаки, у бой халқ оғзаки бадиий ижодининг тасвирий усулларида, анъанавий насримиз имкониятларидан моҳирона фойдаланиш билан бирга, айна пайтда, маълум даражада замонавий Европа адабиёти шакл ва воситаларини ўзлаштириш йўлидан ҳам кенг фойдаланганини сезиш мумкин.

Адабиёт ва ижод моҳиятини чуқур ўрганган мутафаккирлар бир санъаткорнинг иккинчисига таъсирини куёш нурларининг ерга таъсирига ўхшатишгани маълум. Яъни ерга қадалган уруғ куёшнинг тафти билан кўкариб-униб чиққанидек, адабий таъсир туфайли ёзувчи рус адабиётининг йирик намояндалари: Толстой, Достоевский, Гоголь, Чехов ва В.Распутин асарларини чуқур ўрганиб, Ғарб адабиёти билан ҳам яқиндан танишган эди.

Тоғай Мурод улуғ устозларнинг қимматли сабоқларига амал қилган ҳолда асардаги характер мантиғини бузадиган ёхуд маънони хиралаштирадиган, воқеалар ривожини сусайтирадиган ва табиийликни чеклайдиган ташқи эффект-тафсилотларга ўрин қолдирмайди. Ёзувчи тили ва услубига хос бундай жиҳатлар асар қаҳрамонларининг ички дунёси билан боғлиқ хусусиятлар тасвирида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Адабиётшуносликда етук санъат асарларини халқ ҳаёти ва руҳиятининг кўзгуси деб аташади. Бу анъанавий таърифни Тоғай Мурод асарларига нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Ёзувчи асарларини, айниқса, халқимизга манзур бўлган “Юлдузлар мангу ёнади” ва “От кишнаган оқшом” қиссаларини ўқувчилар қалбига яқин қилган, завқ билан ўқилишини таъминлаган фазилатлардан бири, шубҳасиз, уларнинг халқ оғзаки бадиий ижодиёти сарчашмаларидан тўйинган мазмундор тили ва услубидир. Атоқли адиб ва адабиётшуносларимиз ҳам Тоғай Мурод тилини шоирона, халқона деб таърифлаганлари бежиз эмас. Академик Тўра Мирзаев ҳам ёзувчининг услубини “қанчалик халқ дostonлари насрига яқин бўлса, шунчалик оригинал, ўзига хосдир. Адабиётда Тоғай Мурод яратган тасвирий-услубий йўлдир...”,<sup>103</sup> деб таърифлаганда ҳақлидир.

Қаҳрамон руҳияти ва феъл-атворини чизишда муҳим восита бўлган ҳамда бошқа адиблар тилида деярли учрамайдиган бу сержило такрорлар (фақат бир-икки ўриндаги жузъий номувофиқликни истисно қилганда) ёзувчи ғоявий-бадиий ниятини чуқурроқ англатиши ва воқеалар замиридаги асосий маъно-мақсадни кучайтириши билан бирга, рўй бераётган муайян ҳаракат-ҳолат тарзи ёхуд давомийлигини бевосита акс эттира олиши билан ҳам диққатни жалб этади. Айни вақтда, улар асардаги баён ва тасвирларнинг ифодалилигини, тилининг мусиқий оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини оширувчи самарали бадиий-эстетик бир омил бўлиб

---

<sup>103</sup> Тўра Мирзаев. Отлар ҳам йиғлайдими. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.28.

хизмат қилади. Қиссалар тилидаги моҳирона ишлатилган ихчам миллий тасвирий воситалар туфайли баъзан биргина сўз-ибора орқали ҳам чуқур ҳаётийлик ва теран образлиқка эришилган. Шу билан бирга асарда ҳикоя қилинаётган воқелик, инсон ёхуд предметга нисбатан муаллиф муносабати ҳам равшан акс этирилганки, булар барчаси, шубҳасиз, тасвир-ифодаларнинг ҳаққонийлиги ва эмоционаллигини кучайтиради. Далил тариқасида ушбу асарлардан бир-икки мисол:

“Ҳар банданинг кўкда юлдузи бўлади, ошна. Шу юлдузнинг ёнгани шу банданинг ёнганидир. Шу юлдузнинг сўнгани банданинг сўнганидир. ...эвараларим давраларида: –Ё бобомнинг пири! – дея айқириб-айқириб олиша беради. Юлдузим мангу ёнади”. Ёзувчи ушбу сўзлар такрори орқали халқимиз тарихи ва маънавиятининг узвий қисми бўлган миллий ўйин-олиш мусобақамизни санъат даражасига олиб чиққан полвонлар сулоласининг бардавомлигини рамзий маънода ёрқин ифодалаб беришга муваффақ бўлган.

Ёки “От кишнаган оқшом” қиссасида ҳикоя этилишича, мустабид тузум сиёсатининг югурдак-шотирлари бўлган тамагир ва нопок мансабпарастлар қишлоқдаги кўплаб яхши отларни эгаларидан зўравонлик билан тортиб олиб, мажбуран гўштга топширтириб юборишади. Бу бедодлик суюкли отларидан айрилиб, ёш болаларникидай кўнгли чўкиб қолган чавандозлар учун қанчалар оғир кўргулик бўлганини ёзувчи миллий шаклда мухтасар сўз-иборалар билан акс этиришга муваффақ бўлади. “Катталар уйма-уй юриб от олди. Эл бермайин деса – катталар! Эл ёқалашайин деса ёнида – шапкалар! Эл остонагача отларига эргашиб борди. Эл қон-қора қақшади. Эл дарди ичида бўлди. Неча-неча қорабайирлар кетига қараб-қараб кетди. Неча-неча жийронлар кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча саманлар гўшт бўлиб кетди. Чавандозлар эмчақдоши урушдан қайтмаган бўзбола мисол мунгайиб қолди”.<sup>104</sup>

---

<sup>104</sup> Хусанбоева Қ. Адабиёт маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – Б.298-311.

Тоғай Мурод етук сўз санъаткорлари каби бадий такрорлардан тасвирланаётган воқеа ёки қаҳрамонга нисбатан ўзининг субъектив-ҳиссий муносабатларини ифодалаш, уни баҳолаш, воқеа-ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англатиш учун ўқувчи диққатини тортиш ва уни бўрттириб кўрсатиш сингари мақсадлар учун фойдаланган. Айниқса, юқоридаги парчадаги сўз-иборалар Тоғай Мурод асарлари тили ва услубидаги такрорларнинг халқона руҳи, ранг-баранглиги, турли мақсад, шакл ва йўналишларда қўлланилиши адибнинг моҳир сўз устаси эканлигини яққол намоён этади. Товушлар уйғунлиги, аллитерация, яъни бир хил ёки оҳангдош товушларнинг қайтарилиши – булар асосида сўзлар такрорига олиб келувчи товуш такрори, жарангдорлиги кўзда тутилади ва улар адиб асарлари тилида кенг ва моҳирона қўлланади. Тоғай Мурод асарлари тили ритмикаси маълум даражада ёритилган бўлса-да,<sup>105</sup> аммо адиб насридаги бундай такрорларнинг хилма-хиллиги, уларнинг бадий-эстетик вазибалари ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Адиб романлари тилида ҳам такрорий сўз-иборалар услубий ранг-баранглик ва сержило оҳанг яратувчи асосий воситалардан бири сифатида кенг қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Айрим сўзлар, товушларгина эмас, ҳатто фикр-жумлалар такрори ҳам характерларнинг ички дунёсини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Романдан олинган мисол шу жиҳатдан алоҳида эътиборга молик деб ўйлаймиз:

“Далаларим боболарим аччиқ кўз ёшларидан дала бўлди. Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди. Далаларим аёлларим гулдай хазон умридан дала бўлди.”<sup>106</sup> Дехқонқулнинг дард-армон тўла бу сўзларида муаллифнинг асосий ғоявий-бадий нияти ва асар мазмунининг ҳаётий пафоси ўзининг чуқур фалсафий бир хотимасини топган.

Юқорида роман ва қиссадан келтирилган парчалар тили ва услубига эътибор берсак, матнидаги бирор жумла, ҳатто бирор сўзни тушириб

---

<sup>105</sup> Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрида ритм. Филол.фанлари номзоди...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. – Б.24.

<sup>106</sup> Т.Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Зиё нашр, 2019. –320 б.

колдириш ёхуд уларнинг ўрнини бошқа сўзлар билан алмаштириш мумкин эмас. Акс ҳолда, тасвирдаги ички ритмик мутаносиблик бутунлай ўзгариб кетади ва сўзлар англатаётган маъно-мазмуннинг мантикий яхлитлигига ҳам таъсир қилади. Чунки матндаги жуфт ва такрор ишлатилган, ўзаро узвий боғланган ҳар бир сўз-иборанинг ўзига яраша ғоявий-бадий салмоғи, муайян эстетик қиммати бор.

Совет ҳукуматининг зўравонлик сиёсати билан амалга оширилган ноҳақлик ва бедодлик олдида ожиз қолиб, ҳар дарди ичида бўлган чавандозларнинг унсиз-чорасизлиги биргина жумлада чуқур ифодаланган. Айни пайтда, сўнгги дамларигача кадрдон эгаларидан нажот кутиб, чор-ночор бадният кимсаларнинг амрига бўйсуниб кетаётган ва ҳадемай бошларига тушажак мудҳиш қисматни сезган зийрак отларнинг мунгли ва жовдираб қарашларини айни шу сўзлар асар руҳи ва ёзувчи бадий ниятига мос тарзда чуқур ифодалай олган. Сўз санъатининг беқиёс имконият ва таъсирчанлигини кўрсатувчи бундай мисолларни адиб асарларидан осонлик билан кўпайтириш мумкин.

Атоқли адиб ва адабиётшуносларимиз ҳам Тоғай Мурод асарлари тили ва услубини шоирона, халқона деб таърифлаганлари бежиз эмас. Ўз асаридан қоникмаслик, уни янада мукаммаллаштириш кўплаб ёзувчилар, ҳатто машҳур устоз адибларга ҳам хос бўлган ижодий бир фазилат. Тоғай Мурод ҳам ана шу анъанавий ижод усулини кўллаб, танқидчи адабиётшуносларнинг, кўп сонли мухлисларнинг ҳақли эътироз-таклифларини инобатга олиб, бир неча йил давомида асарларини қайта-қайта кўчириб, уларга сайқал беради.

Бундай тил ва тасвир мукаммаллигига кўп йиллик машқ ҳамда ижодий изланишлар натижасида етиб келганлигига адибнинг илк ҳикоялари тилидан бир-икки мисолни кўздан кечириб амин бўламиз. Масалан, “Бобоси ва невараси” деб номланган дастлабки ҳикоясидан куйидаги бир парчага назар ташлайлик: “Тўғридан қараганда худди вақтинча ўрнатиб қўйилгандек кўринадиган катта-катта кулоқлари”...



Тоғай Муроднинг дастлабки ҳикояларидан олинган бу парчадаги чўзиқ ўхшатиш ё тасвирни бадиий жиҳатдан етук ё мукамал тасвир деб бўлмайди. Албатта, улар илк ижод намуналари бўлганлиги учун, бадиий жиҳатдан айрим ноқисликлар, маромига етмай қолган тасвир ва ҳолатлар учраши табиий. Аммо адибнинг илк ҳикоялари ва мақолаларида ҳам адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, бадиийлик талаб-мезони ва тамойилларига асослангани, инсон руҳияти, маънавияти, кўнгил бойлиги ҳамда табиат тасвири уйғунлиги каби масалаларни тўғри англаганлиги кўзга яққол ташланиб туради.

Тоғай Мурод ҳикоялари ва романларидаги услубий фарқланишни сезиш қийин эмас. Адиб кичик асарлари тили ҳам миллий, содда ва аниқ, роман тили эса залварли, полифоник характерда. Бу эса, аввало, ёзувчи маҳоратидан далолат бўлса, иккинчидан, тафаккур ва дунёқарашидаги тадрижийлик ҳамда ижодий такомилдан гувоҳлик бериб туради.

“Шунча йил ёзувчилик қилиб, ҳали Тоғайдек қўлёзма устида узоқ ишлайдиган ёзувчини кўрмаганман, – дейди Саид Аҳмад. Бир суҳбатимизда Тоғай: “Мен ҳеч кимдан кўркмайман. Ҳар қандай зўравон билан тикка олиша оламан. Китобхондан кўрқаман”, – деган эди. Бу ақида ҳам Тоғай Муроднинг ўз асарларига нисбатан талабчанлиги ва китобхон олдидаги масъулиятни жуда қадрлашидан далолат берадики, ушбу жиҳатлари билан ҳам улуғ адибларнинг ижодий анъаналарининг изчил бир давомчиси эканлиги намоён бўлади.

Фикримизнинг исботи учун адибнинг сўнгги асари “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи тили ва услубидан айрим мисолларни кўздан кечирайлик. Чунончи, роман тилининг жонли бўлишини таъминлаш мақсадида халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари маҳсули сифатида нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган мақолларга фаол мурожаат этилган. Бу орқали адиб ўз фикрларининг нисбий тугаллигини таъминлаб, уларни халқона ифода қилинишига эришган. Жумладан: “*Отангни кўрдим, аҳмади фориз, энангни кўрдим, товони ёриқ*”, “*Оғзинг тўла қон бўлсаям,*

душманинг олдида тупурма”, “Ўзимга эн бўлолмайман, сизга қандай бўй бўламан”, “Ўлмак, ўлмакни иши кўммак”, “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ”, “Бугунни эртаси бор”, “Старост – не радость”, “Бобонинг тол тиккани – ўзига ном эккани”, “Яхшидан боз қолади, ёмондан – доғ”, “Сўзловчи нодон бўлса, сен доно бўл!”, “Отнинг ўлими – итнинг байрами”, “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши – ёруғ”, “Ҳайит ўтгач, хинони кетингга қўй”, “Гап десанг қоп-қоп”, “Номи улуг, супраси қуруқ”, “Кўза кунда синмайди, кунда синади”, “Итдан бўлган қурбонликка ярамас”, “Одам бор – ўлим бор”, “Ўзбек ўзагини қирқади”, “Осмон йироқ, ер қаттиқ” сингари кўплаб халқ мақолларини истифода этиш муайян вазият талабига кўра фикр ихчамлиги, лўндалиги, ифода образлилиги ва таъсирчанлигини таъминлаш, ҳодисанинг моҳиятини англаштида ижобий натижалар берган.

Романда тилимизда кенг қўлланиб, барқарорлашиб кетган фразеологик шаклдаги: “Чилласида чироқ кўрмаган”, “Қулоғи динг бўлди”, “Туя кўрдингми – йўқ?”, “Кўлини совуқ сувга урмаган”, “Оғзи бўш”, “Тилингизга бол”, “Оёгини ёйиб келмоқ”, “Арпага урноқ бўлмайди”, “Кўнглига қил сизмайди” каби қисқа, лўнда ва тағмаъноли иборалардан ҳам самарали фойдаланилган. Матннинг равонлиги, оҳангдорлиги, китобхон хотирасида мустаҳкам сақланишига эришиш мақсадида муаллиф ўрни билан қофияли наср-сажъдан ҳам фойдаланган. Масалан:

*“Кўшчи калондимоғ-калондимоғ қадам босди. Кибор-кибор қулоч отди. Керма қош-керма қош боқди. Колхоз идораси қошида оёқ илди. Идора томонга сердимоқ назар солди. Гап йўқ, сўз йўқ – нарвондан томлади”. (манба 5-бет)*

*“Мазкур палатада ётмиши беморлар... ёппа-барака қўзғолди. Ёппа-барака эшикка ёпирилди. Ёппа-барака боис – эшикка тиқилиб қолди!*

*Оқибат – бирови бировини итарди. Бирови бировини муштиради, бирови бировини тимдалади. Қий-чув билан айвонлади”. (манба 115-бет)*

*“Имон билан яшагувчи, ноҳақликка чидолмовчи, хўрлик – золимликдан нафратланувчи, чин инсон бўлиб яшагувчи зот – асл зиёлидир.” (манба 129-бет)*

*“Одам ҳамиша... уфққа қараб яшайди. Уфққа қараб юради. Уфққа қараб хаёл суради. Уфққа қараб орзу қилади. Уфққа қараб ... дуои фотиҳа ўқийди”. (манба 134-бет)*

Тоғай Мурод нафақат муқаддас миллий урф-одатларимиз ва унутилаёзган расм-русумларимизни шоирона бир илҳом ва маҳорат билан кўйлади, балки у она заминимиз, саховатли далаларимиз ва табиатимизни ҳам чексиз улуғлайди. Эндиликда қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, мумтоз адибларимизнинг дурдона асарлари тили ва уларнинг юксак сўз санъаткорлиги каби Тоғай Муроднинг ҳам чуқур миллий руҳ билан бойитилган халқона тили ва бахшиёна услуби алоҳида тадқиқотларга муносибдир.

Ниҳоят, бадиий асар тили ва ёзувчи услуби билан боғлиқ бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. Маълумки, ҳеч бир адибнинг тили ва услуби бирданига бадиий етук ва мукамал бўлиб қолмайди. Балки улар ўша санъаткорнинг ғоявий-бадиий тафаккури чуқурлашуви билан, адабий тажриба, маҳоратини орттириши ҳамда халқ тили бойликлари, мумтоз адабиёт гўзалликларини ижодий ўзлаштириши билан тўла шаклланиб, сайқал топиб боради.

Дарҳақиқат, Тоғай Мурод ҳам ўз оригинал услубига эга бўлган бетакрор ижодкор бўлганлиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак. Ёзувчи ижодини муттасил кузатиб борган йирик санъаткорлар, малакали танқидчи ва адабиётшуносларгина эмас, балки бугунги адабий жараёндан озми-кўпми хабардор бўлган ҳар бир сезгир китобхон ҳам адиб асарларини, энг аввало, унинг насрий шеърларни эслатувчи ўзига хос рангдор тили, шоирона услубидан ҳеч қийналмай билиб олади. Адибнинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи тили ва услубидан юқорида келтирилган парчалар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу, албатта,

ёзувчининг ёрқин истеъдоди, образли тафаккури, воқеликни ҳиссий-эмоционал қабул қилиши ва тасвирлашидаги миллий ўзига хосликлар билан ва хусусан, унинг халқчил тили ва сўз танлашидаги бахшиёна бир санъаткорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тоғай Муроднинг тилимиз ва маънавиятимиз ривожига қўшган беқиёс хизматларидан бири шундаки, у ҳақиқий миллатпарвар адиб сифатида бошқа тиллар босимида чекланиб қолаётган она тилимизнинг ҳаётий муаммолари билан яшади. Адиб асарлари орқали қалбга ўрнашган *“ит йиқилиш”*, *“қони тортди”*, *“обтова”*, *“чигана”*, *“ғужмоқи бугдой”*, *“ҳанги”*, *“халачўп”*, *“гардкам”*, *“чориқ”*, *“чўнқайма”*, *“уччога”*, *“аччиқ шапалоқ”*, *“аёлбоз”*, *“эркакзот”*, *“чолдевор хона”*, *“моча”*, *“жухуди атлас”*, *“дилбузар”*, *“узанги йўлдошлар”* каби минглаб тилимизда бор, лекин жуда кам ишлатиладиган бўлиб қолган халқона сўз ва иборалар қайта жонлангандек бўлди. Ҳолбуки, *“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”*га кирмаган неча юзлаб сўзларимиз йўқолиб бораяпти, истеъмолдан чиқиб, нутилиб кетаяпти. Уларни асраб қолиш ҳақида ким жон куйдиради? Тилимизнинг бор кучи, сўзлари йиғилиб, китобларга муҳрлаб қўйилса, бундан тафаккуримиз бойийди ва маънавиятимиз ютади. Аслида, Тоғай Мурод асарларининг ўзи бир жонли луғат. Уни тўплаб, шарҳлаб, чуқур изоҳлаб нашр қилинса, кўпгина нутилган сўзларимиз ёхуд воҳа ва водийларимиздагина ишлатилиб, маҳаллий бўлиб қолаётган сўзларимиз адабий тилимиз хазинасини бойитиб, тилимизнинг кучига куч қўшади. Сўзлар такрорлангани сари эзмалик қилмайди, балки қўшиқнинг нақорати, ғазалнинг шоҳбайти бир ички мусиқа мавжида маъно устига маъно, тасаввур қатига тасаввур индиради.<sup>107</sup> Бу ҳам тилшунослик ва адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан саналади ҳамда улар олдимизга янги муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўяди.

---

<sup>107</sup> Вафо Файзуллоҳ. Абадият. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.202-204.

Шу билан бирга адибимизнинг сўз қўллашидаги битта жиҳат устида озроқ ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди. Ёзувчининг айрим қиссалари, айниқса, романи тилида баъзан адабий тилимиз мезонларидан бир оз чекиниш ҳоллари учрайдики, бизнингча, бу усул тилимиз ва нутқимиз табиатига чуқур сингишиб, ўзлашиб кетиши қийин кўринади, қолаверса, оддий ўқувчилар ҳам бунга тезда кўникиб кетиши енгил кечмайди. Чунончи, “Отамдан қолган далалар” романи матнидаги айрим сўз ва иборалар негадир – балки техник эътиборсизлик оқибатидами ёки таҳрирнинг етарли бўлмаганлиги туфайлими, зарур кўмакчи ва келишик кўшимчаларисиз берилган: “*Қизиллар апил-тапил бугдойзор милтиқ (?) буради*”, “*Мен эшак (?) толга қантараман*”, “*Зиёдни онасини ётоқ (?) эргаштираман*”, “*Пичоқни қайроқтош (?) чархлаб олдим*” ва ҳоказо. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи тилида ҳам бундай ҳолатлар анчагина. Масалан, “*минбар қаради*”... Бу шаклдаги нотугал-услубий ғализлик ҳикоялари тилида ҳам учрайди: “*Бобо пенсия чиққан, “пайқаса ҳам*”... Бу каби ҳолатлар мазкур сўз ва жумлаларда ғализлик туғдириб, китобхонларнинг асарда акс эттириляётган у ёки бу ҳолатни тасаввур этишини қийинлаштиради. Шунингдек, асар тилида учрайдиган “*Узумбош чумчуқ чўқилаб ташламишдай – чумчуқ чўқилаб ташламишдай бўлиб қолди...*” каби айрим чўзиқ такрор ва тафсилотлар ҳам тасвирда ортиқча бўлиб туюлади. Бу мулоҳазалар кейинги нашрларида талабчан муҳаррирлар томонидан инобатга олинар ва улар янада мукаммаллашар деган умиддамиз. Шу муносабат билан бугунги адабий жараёнимиздаги янги асарлар яратилиши билан кўзга ташланган бир ҳолатга ҳам эътибор қаратишни истар эдик. Албатта, шакл ва мазмун ифодасидаги поэтик изланишлар ва янги асарлар яратилиши қувонарли ҳол. Чунончи, шундай ижодий изланишларнинг бир намунаси бўлган ёш ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг 2020 йили “Asaxiy books” МЧЖ нашр этган “Кўркма” номли романи муҳим мавзуга бағишланган. Аммо ушбу асар тилида ҳам, бизнингча, адабий тилимиз меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кўп

учрайди. Мисоллар: “Эскидан қолган бир капкир қарғиш бадалига ҳаво ўтиб турар эди томоғимдан қум сизгани каби чанқаган саройи танасига”; “Ғалати эди, саволларим ва ўзим каби бетартиб”....<sup>108</sup> Бу ҳам балки бир ижодий-услубий эксперимент-тажрибадир. Аммо тилимизнинг кўп йиллик анъана ва меъёрларига риоя этмаслик бадий ёки услубий кашфиёт бўлмаса керак. Зеро, етук бадий асарларнинг тили ва услуби ҳам мукамал бўлиши – чинакам санъатнинг олтин қоидаси, юксак мезони ҳисобланади. Бироқ Тоғай Мурод каби йирик адиблар ижодига бағишланган кўплаб адабий-танқидий мақолаларда уларнинг бадий тил маҳорати ҳақида етарли фикр юритилмаганлиги, таҳлилий сабоқлар камлиги танқид ва адабиётшунослигимиздаги кемтиклик, бир муаммо дейилса, хато бўлмайди.

### **3.2.§. Адиб ижоди ва адабий танқидчилик**

Тоғай Мурод қиссалари ва романдаги асосий воқеа-ҳодисалар, характерларнинг фавқулодда реал-ҳаётийлиги, ифода тасвирларнинг табиийлиги, халқчиллиги сирлари, аввало, ёзувчининг серқирра ижтимоий фаолияти, ибратли турмуш тажрибалари, ижодкорнинг бой ва такрорланмас шахсияти билан изоҳланса, назаримизда, тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзининг ноёб истеъдоди, нодир асарлари билан китобхонлар кўнглида катта меҳр, ихлос уйғота олган беназир адиблардан бири Тоғай Мурод ижоди, энг аввало, ўзининг чуқур миллийлиги, халқчиллиги ва ҳаққонийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Адибнинг ўз сўзлари билан айтганда, шахсий туйғу, кечинмаларини эл-юртга меҳр-оқибат туйғулари билан бирлаштира олган асарлари янги Ўзбекистонимизнинг юксак миллий ва умуминсоний ғоялари билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёзувчини эл-юртнинг маънавий аскарлари, мафкуравий посбони деб билган Тоғай Муроднинг она-Ватанга чексиз меҳр ва садоқати ёшларимизни эл-юртимизга фидойи,

<sup>108</sup> Жовлиев Ж. Кўрқма, Тошкент: Asaxiy books, 2020. – Б. 6-9.

комил инсон қилиб тарбиялашда чуқур маъно ва аҳамият касб этади. Адибнинг соф миллийлик руҳи билан йўғрилган қисса ва романларида она юртимиз тарихи, аجدодларимизнинг шонли ва фожиавий қисмати ўзига хос тарзда таъсирчан ифодаланган. Уларда диёримиз табиати ва кадриятлари тараннум этилади, замондошларимиз дард-ташвишлари ёрқин акс эттирилади.

Тоғай Муроднинг 70-йиллардаёқ ишонч-эътиқоди: миллат ва халқнинг машъум совет тузуми тақиқлаб келган ва йўқолиб бораётган кадриятлари, яъни миллатни миллат қиладиган қадимий урф-одатларимизни сақлаб қолишга, уларни тирилтиришга астойдил бел боғлаган ўзига хос шижоатли, чинакам ватанпарвар, миллатпарвар адиб эканлигини илк асарлари ва мақолалари билан ҳам намоён этади. Ёзувчининг ноёб истеъдоди ва бетакрор асарларини ҳаққоний баҳолаган, уни чин дилдан қутлаган ҳамда унинг порлоқ келажагини башорат қилган Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Сарвар Азимов, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировдек йирик адиб ва олимлар билан бирга Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Вафо Файзуллоҳ, Усмон Қосимов, Ҳакимжон Каримов каби тадқиқотчилар ҳам яқдиллик билан Тоғай Мурод ижоди адабиётимиз тарихида янги саҳифа бўлганлигини эътироф этишган.

Афсуски, бундай юксак эътирофларга қарши ўлароқ, адиб асарларининг ўзига хос миллий руҳи, қаҳрамонларининг ҳаётийлиги, бетакрор халқона ва бахшиёна услуби ҳам қадрланмади. Етук қиссалари ҳам қайта-қайта муҳокамалар қилиниб, ёзувчини рағбатлантириш ўрнига унинг истеъдоди камситилди, теран ва салмоқли ғоялари бирёқламалик билан нотўғри талқин этилди. Асарларини коммунизм ғояларига зид, совет тузумига қарши руҳда яратилган ва “алмисоқдан қолган феодализм сарқитларини акс эттирган” бутунлай яроқсиз асарлар деб, шабкўрларча рад этганлар ҳам бўлган. Чунончи, танқид ва адабиётшунослик соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келган ҳамда қатор китоблар нашр

эттирган филология фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматовдек катта тажриба ва малакага эга олим ҳам Тоғай Мурод асарларининг ўзига хослиги ва уларда ҳаққоний тасвирланган қадимий ва миллий урф-одатларимизни, хусусан, сумалакни тилга олгани учун адиб қиссасини нашр қилишдан рад этган.<sup>109</sup> Бундай ҳолат ва жараёнларни тўлиқроқ тасаввур этиш учун уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларига кенгроқ тўхталиш лозим. Шу муносабат билан яқин тарихимиздаги адабий жараён ва танқидчиликнинг баъзи лавҳаларини ҳам ёдга олиш мақсадга мувофиқ кўринади.

20-30-йиллардаги мураккаб даврни ва адабий муҳит, танқидчиликдаги устувор қарашларни кўз олдимизга келтириш учун атоқли адибларимиз Қодирий ва Чўлпоннинг беқиёс асарларининг халқ оммаси томонидан қанчалар катта қизиқиш билан ўқилгани, аммо ҳукмрон мафкуранинг дастёри бўлган адабий танқидчилик эса бу асарларни найза кўтариб қарши олгани ва уларга нисбатан қандай ноҳақлик қилганини эсга олайлик... Ёхуд Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳорларнинг жўшқин ижодий илҳом билан яратилган дастлабки йирик асарлари ҳам ҳукмрон мафкура томонидан кескин танқид қилингани 30-йиллардаги адабий жараённинг мураккаблиги, танқид ва адабиётшунослик савияси саёз бўлганлигидан гувоҳлик бериб туради.

Адабий жараён ва танқидчилигимизнинг профессионал савияси пастлиги, бу ҳолатлар, асосан, ҳукмрон партиявийлик принциплари ва мафкуранинг темир қолиплари билан боғлиқ бўлганини Тоғай Муроднинг фавқулодда катта бир ижодий кўтаринкилик билан яратган “Ойдинда юрган одамлар” қиссасининг кейинги тақдири қандай кечганлиги тарихи мисолида яққол тасаввур қилишимиз мумкин. Ёзувчининг гувоҳлик беришича, қиссани 1980 йили тугатиб, “Шарқ юлдузи” журнаliga не умидлар билан тақдим этади.

---

<sup>109</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар. Мақолалар. Кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq, 2019. – Б.123-126.



Асарга ички тақризни Озод Шарафиддинов ёзади. Тақриз мана бундай бошланади: “Мен умримда бундай асар ўқимаганман”. Тақриз мана бундай якунланади: “Бу асар ҳақида ҳали жуда кўп яхши-ёмон гаплар бўлади, ғала-ғовурлар бўлади. Аммо шу асар адабиётда қолади”.<sup>110</sup> Яна асар журналда босилмади. Асар тағин холис тақриزلарга берилди. Асарга улкан адиблар, профессорлар, академиклар холис тақриз ёзди.

“Ойдинда юрган одамлар”ни ўқиб, ҳамон ўзимга келолмаяпман. Бу нима, бадий асарми ё бир мўъжизами? Ўзбек адабиёти ҳали бундай мўъжизани кўрмаган”.<sup>111</sup> Профессор Умарали Норматов ана шундай тақриз ёзди. Ана шу мўъжиза журнал тортмасида икки йил ётди. Асар тақдири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ихтиёрига ўтди. Мажлисларга қўйилди, йиғилишларда муҳокама бўлди. Яна-тағин мажлисларда мени тикка турғизиб қўйиб, муҳокама қилдилар. Гўё мен бир жиноий иш содир этганман. Мен улкан йиғилишларда бошимни эгиб, серрайиб туравердим. Гўё бир жиноятчи мисол турдим. Қўл қовуштириб, бош эгиб турдим.

Йиғилишларда коммунистик партиявий нутқлар жаранглади. Коммунистик мафкуравий нутқлар жаранглади. Советчасига кўрсавод, чаласавод, тўнка нутқлар жаранглади. Нутқларда мана бундай гаплар бўлди:

– “Ойдинда юрган одамлар” ўтмишни қўмсовчи асар. Муаллиф бу асари билан ўзбек совет халқини ўтмишга, бидъатга қайтишга чорламоқда, ундамоқда.

–Муаллиф бу асари билан алмисоқдан қолган урф-одатлар, (эски расм-русумлар, чиркин маросим маърака)ларни қайта тикламоқчи бўлган. Йўқ, муаллифнинг бу ғализ, (хавфли) ғояси ўтмайди. Ўзбек совет халқи коммунизмга қараб бормоқда. Асар образлари фарзандсизлик доғида

---

<sup>110</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq HMAK, 2019. – 176 б.

<sup>111</sup> Ўша манба, Т.Мурод, 3-жилд – 176 б.

куйиб, табибга боради. Нега табибга боради? Нега райкомга бормайди? Ахир, бу образлар қайси жамиятда яшяпти?

– Асар антисовет асар. Совет тузумига, совет ҳалқига ёт асар. “Ойдинда юрган одамлар”да сумалак пишириш боби бор. “Шарқ юлдузи” журналини бош муҳаррири, профессор Ҳафиз Абдусаматов улкан мажлисда шундай дейди:

– Асарда сумалак деган бир бидъат таом ҳақида бутун бошли боб бор. Сумалак феодализмдан қолган таом, эскилик сарқити. Мен шу сумалак бобини ўқиб чиқиб, ҳайрон бўлиб, муаллифдан сўрадим. Муаллиф эса сумалакни туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг миллий таоми, деб изоҳ берди. Ресторанларнинг “Ўзбек миллий таомлари” деган менюсини қараб чиқдим. Биронта ресторанда ҳам, биронта “Ўзбек миллий таомлари” менюсида ҳам “Сумалак” деган миллий таомни кўрмадим. Демак, сумалак эскилик сарқити”.<sup>112</sup> Асар журнал тортмасида икки йил ётди.

Ўша даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган Сарвар Азимов ҳам олдинги ички тақриз ёзган йирик мунаққидлар каби қиссадан ҳайратга тушади ва бундай оригинал-ноёб асарни Сурхондарёлик ёш бир ёзувчи ёзганига ишонгиси ҳам келмайди. Ўзи йирик адиб ва катта тажриба ва салоҳиятга эга бўлган адабиётшунос олим бўлгани учун ҳам, кўнглига келган бир тахминий фикрини аниқлаш учун Тоғай Муроддан “Аждодингизда бирор созанда ё хонанда ўтганми?” –деб сўрайди ҳам. – Йўқ, сиз бир суриштириб кўринг. Аждодингизда ё бир бастакор бор, ё бир хонанда бор. Ветеринар докторни насл-насаби бунақа асар яратолмайди. Асар нотага солиб яратилган бир сонатага, симфонияга ўхшайди. Бундай асарни яратиш учун одамни суягида бўлиши керак, қонида бўлиши керак. Мен бу асарни чоп эттираман. Чунки бундай асар яратиш ҳеч кимнинг кўлидан келмайди... Гапнинг тўғриси, ўзбек адабиётида шунақа асар пайдо

---

<sup>112</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq HMAK, 2019. – 176 б.

бўлади, деб хаёлимга ҳам келтирмаганман...<sup>113</sup> Қисса уч йил журнал тортмасида ётди, 4-йил нашр этилди...

Юқоридаги лавҳалардан “Ойдинда юрган одамлар” қиссасининг бир томондан адабиётимизда бир бадий мўъжиза сифатида яратилгани эътироф этилгани, аммо ҳукмрон сиёсий мафқуранинг дастёрига айланган адабий танқидчиликнинг айрим вакиллари асарни антисовет асар деб, бутунлай рад этганлигини ҳам кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Вақт адибнинг ҳақлигини ва новатор ижодкор эканлигини кўрсатди ва қисса юксак санъат асари деб тан олинди.

Маъсума Аҳмедова тўғри таъкидлаганидек, сўнгги йилларда ҳам Тоғай Мурод ижоди бўйича илмий-ижодий изланишлар давом этипти, аммо уларда баъзи ноаниқликлар ва баҳсли фикрлар ҳам учрайди. Масалан, адабиётшунос Лола Аҳророванинг “Чин гаплар кўнгилда бўлади” номли мақоласида, назаримизда, айрим эътирозли ўринлар бор. “Афсуски, Тоғай Мурод асарлари ҳақида ўқувчиларга етарли маълумот бериш учун адабиётга оид манбаларнинг биронтасида, ҳатто 2010 йилда чоп этилган “Адабиётшунослик луғати” да ҳам, бошқа дарслик ва қўлланмаларда ҳам маълумот йўқ. Ҳолбуки, адибнинг охириги асари 1998 йилда ёзилган”, – дейди у куюнчаклик билан.<sup>114</sup> Самимий, аммо етарли далилларсиз айтилган бундай хулосага қўшилиб бўлмайди. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, таниқли адабиётшуносларимиз, академиклар Наим Каримов, Салоҳиддид Мамажонов, Бахтиёр Назаров, профессорлар Умарали Норматов, Озод Шарафиддиновлар томонидан яратилган, 1999 йили “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида Тоғай Мурод ижоди ва етук асарлари ҳақида муҳим фикрлар билдирилган; профессор Ҳакимжон Каримовнинг 2010 йили чоп этилган “Истиқлол даври адабиёти” дарслиги ҳамда шу муаллифнинг

---

<sup>113</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. – Б.126.

<sup>114</sup> Лола Аҳророва. Чин гаплар кўнгилда бўлади // Филологиянинг умумназарий масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: 2020. – Б. 297.

2017 йили эълон қилинган “Адабий портретлар” тўплами ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида анча кенг маълумотлар беришини таъкидлаш лозим. Ёхуд улардан олдинроқ адабиётшунос Усмон Қосимов томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек адабиёти. Тоғай Мурод ижоди” (1997) рисоласи каби асарларда ҳам адиб ҳаёти, ижоди, шахси ҳақида асосий маълумотлар, қимматли фикр ва хулосалар баён этилганини эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Шунингдек, истеъдодли адабиётшунос ва тадқиқотчиларимиздан Усмон Қосимов, Зулфия Пардаева, Исломжон Ёқубов, Шоира Дониёрова, А.Аҳронқулов, Умида Тўлаганова ва Завқиддин Сувоновларнинг диссертацияларида ҳам Тоғай Мурод ижоди турли аспектда таҳлил этилган ва улар китобхонларнинг адиб ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Шунингдек, ёзувчининг замондошлари томонидан яратилган ва 2007 йили нашр қилинган “Мен қайтиб келаман” номли хотиралар китобида ҳам Тоғай Мурод ҳаётининг болалик давридан то умрининг охиригача бўлган унутилмас воқеа-ҳодисалар билан бирга адибнинг бадиий ижоди ва адабий-танқидий йўналишдаги фаолиятига доир муҳим ва қизиқарли маълумотлар мавжудлигини чуқур қониқиш билан эътироф этиш мумкин. Улар ҳам ўқувиларга Тоғай Муроднинг ёрқин шахси ва бетакрор ижодкор сифатидаги нурли сиймосини яқиндан ўрганишга катта ёрдам бериши шубҳасиздир.

Филология фанлари номзоди Лола Аҳророванинг анча қизиқарли ёзилган юқоридаги мақоласидаги яна бир баҳсли хулосага эътибор қаратишга тўғри келади. Маълумки, Тоғай Мурод 2003 йили вафот этди. Аммо унинг ижодий фаолияти 1998 йили тугаган деб айтиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Бошқа адиблар сингари Тоғай Мурод ҳам умрининг охиригача ижодий меҳнат ва изланишдан, энг муҳими, ижодий фикрлаш ва мушоҳада қилишдан тўхтагани йўқ. “Ёзувчи умр бўйи ўқиб-изланиши керак. Ёзувчи пенсияга чиқмайди. Ёзувчи ўлганда пенсияга чиқади. Ёзувчи ўлганда тинади! Ўқиб-изланиш бу – пойдевор демак, теран томир демак.

Ўқиб-изланиш – ички куч-қудрат демак. Ички куч-қудрат булоққа ўхшайди. Булоқни йўлида қанақа қийинчилик бўлмасин, барибир отилиб чиқади. Чунки булоқда ички куч-қудрат бор, пойдевор бор”...<sup>115</sup> Мана Тоғай Муроднинг яшаш тарзи, умр бўйи амал қилиб яшаган муқаддас ишонч-эътиқоди ва юксак орзу-аъмоли ҳам.

Турмуш ўртоғи Маъсума Аҳмедованинг гувоҳлик беришича, кейинги пайтларда адиб бир оз хасталигига қарамасдан, то сўнгги кунларигача ноёб илмий ва диний-маърифий китоблар билан бир қаторда жаҳон адабиётининг сара намуналарини мутолаа қилишдан ва улар хусусида фикрлашдан тинмаган. Адибнинг *“Ёзувчи ўлганда тинчийди”* деган сўзлари унинг ҳаёт тарзи ва муттасил ижодий изланишда бўлганлигига рад этиб бўлмайдиган далилий бир ҳужжатдир. Жумладан, дунё адабиёти ва бадиий-эстетик тафаккурида катта воқеа бўлган ва кўплаб китобхону мутахассислардан анча олдин ўқиб чиққан Жеймс Жойснинг *“Улисс саргузаштлари”* романини ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланган ва романнинг қарийиб 100 саҳифасини ўзига хос талабчанлик ва маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Агар бевақт ўлим адибни орамиздан олиб кетмаганда, эҳтимол, яна янги асарлар яратиб, адабиётимиз ва маънавиятимизни янада бойитган бўлар эди.

“Ҳаётни ушлаб турадиган, ҳаётни олға олиб борадиган катта бир куч бор, ўзгармас бир қудрат бор. Бу – табиат. Табиатни ранги кўк, кўм-кўк. Шундай экан, ҳаётни ранги-да кўм-кўк. Ёзувчи-шоир ана шу кўм-кўкликка қайтади. Аср-асрлардан буён ана шундай бўлиб келган...”<sup>116</sup> Тоғай Мурод ўз характериға кўра табиатға яқин ёзувчи эканлиги, ҳайвонот оламини синчиклаб ўргангани, от ва бошқа ҳайвонларға хос хусусиятлар юзасида етарлича билимға эгалиги асарларининг поэтик жиҳатдан таъсирчан, ҳаққоний ва ишончли чиқишиға ёрдам берган, албатта. Айниқса, Чингиз

---

<sup>115</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. – 176 б.

<sup>116</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. 3-жилд. Ҳикоялар, мақолалар, кундалик дафтардан. –Тошкент: Sharq НМАК, 2019. – Б.93

Айтматов асарларида ҳайвонларнинг образлари инсоният дунёсини акс эттириш, табиатни ҳимоя қилиш ва авайлаб-асраш борасидаги ғояларни ташишга хизмат қилади. Бундай тасвирий услуб дунё адиблари ижодига, шу жумладан, ўзбек адибларига ҳам қайсидир маънода ўз таъсирини ўтказди. Бу масалада профессор Йўлдош Солижонов: “Чингиз Айтматов асарларида ифодаланган ғоявий фикрлар, инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот олами, инсон ва дин, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик сингари умумбашарий муаммолар, уни ифодалашга хизмат қиладиган образлар галереяси, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, зиддиятлар тасвири ўзбек ижодкорлари асарларида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани қувонарлидир”, деб ўринли таъкидлайди. Бу фикрга умуман қўшилган ҳолда, назаримизда, маълум даражада ўйлаб кўриладиган, яъни бир оз баҳсли жиҳати ҳам бордек кўринади. Энг аввало, бой ва қадимий фольклоримизда, кўп асрлик адабиётимиз тарихида, айниқса, Навоий ва Бобурлар, Муқимий ва Фурқатлар ижодида табиат ва инсон туйғулари уйғунлиги тасвирининг энг гўзал намуналари Чингиз Айтматовдан неча юз йиллар илгари яратиб берганлигини унутмаслигимиз лозим. Фикримизнинг далили сифатида нафақат Чўлпону Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлардан бошлаб Одил Ёқубовлар авлодигача, улардан сўнг Ўткир Ҳошимов ва Тоғай Мурод каби талантли прозаикларга ҳам беназир устоз бўлган Абдулла Қодирийни XX асрдаги барча туркий халқлар адабиётининг Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Садриддин Айний, Сотим Улуғзода, Чингиз Айтматов, Абдужамил Нурпеисов.... сингари забардаст намоянадалари ҳам чуқур миннатдорлик ва яқдиллик билан адибнинг тенгсиз бадиий маҳоратидан сабоқ олганликларини эътироф этганлар. Улуғ адиб маҳоратининг нурли бир қирраси, шубҳасиз, унинг асарларидаги табиат ва инсон руҳиятининг яхлитлигини ёрқин тасвирлаш санъатида яққол намоён эди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, Тоғай Мурод жаҳон адабиётидан, жумладан, Эрнес Сетон-Томпсон, Чингиз

Айтматовлар ижоди билан бирга ҳақ оғзаки ижодидан кўп баҳраманд бўлганлигини ўзи ҳам миннатдорлик билан эътироф этган.

Дарҳақиқат, Тоғай Мурод халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий адабиёт билан бир қаторда, жаҳон адабиётини ҳам яхши билган, табиатан вазмин ва мулоҳазакор, аммо руҳан курашчан адиб эди. Адиб ижодидаги жўшқинликнинг бир илдизи фольклорга, иккинчи илдизи Қодирий ва Қаҳҳор фелъетонларига хос ҳажвий-сатирик услуб, ижтимоий-сиёсий танқид ва давр муаммоларига бадиий-публицистик ҳозиржавоблик билан ойбекона кўламдорлик ва фалсафийликка туташади десак, хато бўлмайди. Тоғай Мурод ижодининг учинчи илдизи жаҳон адабиётидан озиқланади. Зотан, у 1985–1987 йилларда Москвадаги Адабиёт институтида таҳсил олди. Америкалик адиб Жек Лондон ҳикоялари ва “Бойнинг қизи” драмасини, канадалик адиб Эрнест Сетон-Томпсоннинг машҳур “Ёввойи йўрға” китобини ўзбек тилига таржима қилди. 1999 йили ҳақли равишда “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” деган фахрли унвонга лойиқ кўрилди.

Фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаевнинг эслашича, Тоғай Мурод XX асрнинг 70 -йилларида, эндигина бир неча ҳикоялари матбуотда босилиб чиққан ва анчагина танилиб қолган бошловчи ёзувчи эканидаёқ Муҳаммад Жомурод ўғли Пўлкан шоир ҳақида кўшимча материаллар тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимига тез-тез келиб турган. Тўра Мирзаев маслаҳати билан Ҳ.Т.Зарифов, М.Афзаловларнинг Пўлкан шоир ҳақидаги мақола ва рисолаларини ўқиб чиққан<sup>117</sup>, шоирнинг ўғли Умарқул, невараси Амирқул шоирлар билан танишган. “Бу ҳол Тоғай Мурод ижодига қандай таъсир қилди?” деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, Тоғай Мурод Кўрғон дostonчилик мактабининг таниқли вакиллари билан бири Жасоқ бахшининг шогирди Пўлкан шоир ижоди орқали мавзу ва жанр жиҳатидан турли-туман бўлган ҳамда халқимизнинг ўтмишидаги ҳаёти, урф-одатлари,

---

<sup>117</sup> Афзалов М. Пўлкан. –Тошкент: Фан, 1955. – Пўлкан шоир. Мақолалар тўплами, –Тошкент: 1976. – Б.164.

интилиши ва орзу-умидлари, курашлари ифодаланган дostonлар руҳига кириб борган. Пўлкан шоир куйлаган 70 дан ортиқ халқ дostonларининг орасида “Гўрўғли” туркумидаги “Қиронхон”, “Орзигул”, шунингдек, “Алпомиш” туркумидаги “Ёдгор”, “Рустам” каби дostonларнинг борлигини эсласак, Тоғай Муроднинг асарларидаги она заминга муҳаббат ва курашчанлик мотивларининг асл илдизлари миллий фольклорга бориб боғланишини тасаввур этамиз.

Академик Тўра Мирзаев Тоғай Муроднинг меҳнат ва маросим фольклори намуналари, хусусан, халқ кўшиқлари билан астойдил қизиққани, бу ҳақда ўзи ва атоқли олима Музайяна Алавия билан бир неча бор суҳбатлашганини эслайди. Институтнинг фольклор архивида ўтириб, кўшиқларнинг ўнлаб вариантлари, топишмоқ, мақол, латифалар билан атрофлича танишганини хотирлайди. Тоғай Мурод янги ижодий изланишларига туртки бера оладиган ҳаётий материалларни синчковлик билан кузатишга иштиёқманд ижодкор эди. Агар биз адибнинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасини кузатсак, унда Сурхондарё ва Қашқадарё фольклорининг<sup>118</sup> оҳанглари ва руҳининг ёрқин изларини кўришимиз мумкин. Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссаси ҳам бир илдизи билан халқ оғзаки ижодидан сув ичади. Академик Тўра Мирзаев халқ дostonлари ва фольклоршунос олимлар ёзувчини янги-янги ижодий марраларга йўллаганини эсларкан шундай деб ёзади:

“Янги асарларига материаллар тўплаш мақсадида Тоғай Мурод бўлимга кўп бора келган. Уни фольклорда отнинг тасвирланиши ҳолатлари ҳам қизиқтирар эди. Ёзувчи атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг “Ўзбек халқ дostonларида жанговар от образи”, “От асбоблари” тадқиқотлари билан танишиб чиқади. Айниқса, жанговар от тарбияси, унинг турли ҳолатлари тасвирланган “Алпомиш”, “Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги”, “Хуш келди” каби дostonларни қайтадан синчиклаб ўқиб

---

<sup>118</sup> Бойчечак. ЎХИ. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар О.Сафаров ва К.Очилов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.– Б.184.



чиқади. Сухбатларимиз давомида кутилмаганда: “Отлар ҳам йиғлайдими?” – деб сўраб қолди. Биз унга халқ орасида от билан боғлиқ турли-туман тасаввур ва афсоналар кўплигини, ҳатто от эгаси вафот этганда, отни эгар-абзаллаб, эгасининг этигини эгар қошига илиб, аёлларнинг отни ўртага олиб йиғлаш одатлари мавжудлигини, фольклор асарларидаги шундай ҳолатларда отнинг йиғлаганлиги тасвирларини сўзлаб бердик. Шундан кейин ёзувчининг “От кишнаган оқшом” қиссаси пайдо бўлди”.<sup>119</sup>

Англашиладики, Тоғай Мурод ҳар бир асарини яратишга жиддий тайёргарлик кўрган ва тасвир объектига ҳар томонлама ёндашган. Ўзбек халқ фольклори унинг ижодий-услубий изланишларида бадиий-эстетик омиллардан бири бўлган. Дарҳақиқат, Тоғай Мурод тасвир йўсини халқ насри, халқ достонларига жуда-жуда яқин туради. Масалан “От кишнаган оқшом” қиссасидаги Зиёдулла нутқидаги миллийлик, халқона ва бахшиёна услуб ва оҳангдорликка эътибор берайлик:

“Биродарлар, Момосулув тушимда чўлпон эди, ҳушимда ой эди, кўйнимда офтоб бўлди”.<sup>120</sup>

Ёки: “Биродарлар, неча-неча қорабайирлар кетига қараб-қараб кетди.

Неча-неча жайронлар кишнаб-кишнаб кетди.

Неча-неча саманлар гўшт бўлиб кетди.

Қишлоқда отлар кишнамай қолди.

Саҳарларда кўчаларда от туёқлари тикилламай қолди.

Оқшомлари отлар тарсиллатиб ер тепинмай қолди.

Адирларда отлар дупур-дупур чопмай қолди...

Чавандозлар эмчакдоши урушдан қайтмаган бўзбола мисол мунғайиб қолди”.<sup>121</sup> Юқоридаги тасвирлар, аниқроғи, тасвирий-услубий йўсин наинки халқ достонларига яқин, айти пайтда ғоятда ўзига хос ва Тоғай Муродгагина мос оҳорли услубдир.

<sup>119</sup> <http://togaymurod.uz/tura-mirzaev-otlar-ham-yiglaydimi/>

<sup>120</sup> Тоғай Мурод. Романлар, қиссалар. – Тошкет: Sharq, 2019. – 704 б.

<sup>121</sup> Тоғай Мурод. Романлар, қиссалар. – Тошкент: Sharq, 2019. – 705 б.

Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” киссасидаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ва ички кечинмаларини тасвирлашда ҳам шундай шеърӣй ва халқона ифодаларни кўрамиз. Қаҳрамонлар тақдири бизни бутунлай чулғаб олади, кўнглимизда ёруғ бир ҳамдардлик ҳислари уйғониб, уларнинг ўксик дилларига малҳам бўлгимиз келади. Гўё латиф хазин бир куй тинглагандек, кўнглимиз ғубордан фориг бўлгандай равшан тортади. Бу ҳам асар яратилишидаги адиб илҳоми билан боғлиқ.

Қиссадаги куёв-қайлиқлар тонгги тавсифини ёдга олайлик. Бу тасвир, аввало, ўзининг шарқона назокати ва бетакрор фасоҳати билан, аёл зотини беқиёс даражда эъзозлай олган Қоплоннинг қалб нигоҳи қанчалар тийрак ва некбин эканлигини шоирона акс эттириши билан асарга романтик бир жозиба бағишлаган. “Куёв кўнгли тонгдай ёришди, жамики олам оппоқ бўлиб кўринди – пойидаги йўл оппоқ, чойшабдек оппоқ. Уйлар, деворлар, дарахтлар-да оппоқ. Қушлар-да оппоқ, кўча ёқалаб оқмиш сув-да оппоқ. Сув жилдираши-да оппоқ, чойшабдаин оппоқ. Тонг етилди. Юлдузлар сўнди-сўнди. Зухра юлдуз ёлғиз қолди. Куёв кучоқ очди – тонгни бағрига босди. Тонг бепоён осмони, қорга беланмиш тоғлари билан, паришон адирлари, сарвқомат тераклари билан куёв кўйнига кирди.

Рўпарасидан одам келди. Куёв одамзодни илк бор кўрмишдай тикилди. Бу одам итидан-да ёмон кўрмиш Исмат овчи бўлди. Ушбу дамда Исмат овчида бинойидай одам бўлди. Оламда ёмон йўқ, барча-барча яхши бўлди”.<sup>122</sup>

Келтирилган парча ҳам Тоғай Муроднинг хаёлот уфқи кенглиги ва талантли мусаввирларга хос ёрқин тасвирлаш маҳоратидан гувоҳлик беради. Табиат ва инсон руҳиятининг бундай тасвирини покиза ҳис-туйғуларининг шоирона бир ифодаси деб баҳоласак тўғри бўлар эди. Китобхонларнинг руҳий-эстетик оламини бойитиб, уларни поклик ва маънавий баркамоллик сари бошловчи бундай поэтик кўтаринкилик,

---

<sup>122</sup> Тоғай Мурод Ойдинда юрган одамлар. Қиссалар. – Тошкент: Sano standart нашриёти, 2017. – Б. 32.

кўшиқ каби оҳангдор тасвир Тоғай Мурод тафаккури, бахшиёна тили ва услубининг, асар бадииятининг муҳим хусусиятлари бўлиб саналади.

“Момо Ер кўшиғи” қиссасида ўзларини “Жайдари халқ”дан ажралиб туришни истаган Паҳлавон Даҳолар қишлоқ аҳли қишин-ёзин сув ичадиган ва минглаб зиёратчилар учун муқаддас кадамжо саналмиш шифобахш булоқ сувини хайвонларча булғашдан ҳам ўзларини тиёлмайди. Куфрона бу қилмиши гуноҳи азим эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Мана ўзларини “табиат куйчиси, табиат посбони, оташин фуқаро ва ватанпарвар шоир”, деб кўрсатишга уринган Даҳоларнинг она-табиатга муносабати-ю, ночор маънавий қиёфаси! Бу жиҳатлари билан ҳам асар ўқувчини лоқайд қолдирмайди – ҳақиқий санъаткор сўзининг қадри ҳам шунда – эзгу даъватида<sup>123</sup>.

Она-замин ва табиат мавзуси Тоғай Мурод учун қанчалар қадрли бўлгани суҳбат ҳамда мақолаларида ҳам акс этган. Адибнинг баъзи сохта табиат куйчиси ва Орол “жонкуяри” билан суҳбати тағмаънодорлиги билан алоҳида ажралиб туради: “Ажаб ижодкорлар бор-да. Бир ижодкор мени пассивликда айблади. Адиб гражданд бўлиши керак, мана, Орол қуриб кетаяпти, дея пичинг қилди. Дарҳақиқат, бу ижодкорнинг тала-тўпи оламни бузади. У – “оташин гражданд”, у – тирноғидан сочигача қайта қуриш, ошкоралик, демократия “яловбардор”и. Экранны, радио, матбуот, минбарларни ҳеч кимга бермай наъра тортади. Шу “ёниқ” ижодкордан Оролнинг энг чуқур жойи неча метр, дея сўрадим. “Оташин гражданд” елкасини қисди, билмади. Сўнг: “Оролнинг жами майдони қанча?”-деб сўрадим. “Жасур ватанпарвар” бош ирғаб, билмайман, деди. “Ўзи, Орол қаерда?”-дея тағин сўрадим. “Табиат муҳофазачиси” шимол тарафга қўл силтаб: “Где-то, Қорақалпоғистонда”, деди. Мен харитани очиб, унга Оролни кўрсатдим. У Оролга тикилиб: “И-я, Оролнинг ярми Қозоғистонга қарар экан-ку!” деди. “Табиат куюнчаги” Оролнинг юзига ақалли харитадан бўлсаям бир қараб қўймаган экан! Шу ижодкор Орол ҳақида

---

<sup>123</sup> Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом (қиссалар). –Тошкент: Шарқ, 1994. – 464 б.

шеър ёзди. Шеърдаги ҳар бир сатр охирида “Орол” сўзи такрорланади. Мен эринмай, “Орол” сўзининг ўрнига “севгилим” сўзини қўйиб чиқдим. Ҳеч нима ўзгармади!” Афсуски, нашриётдаги масъуллар эътиборсизлиги ё компьютер мутахассисларининг бефарқлиги оқибатими, ушбу муҳим фикрлар китобда такроран бериб юборилган:<sup>124</sup>

Танқид ва адабиётшунослигимиздаги яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратишни истар эдик. Баъзи адиб ва мунаққидларимиз сўнгги йиллардаги адабий жараёндаги айрим ижобий тамойилларни, асосан, Ғарб адабиётининг ижодий таъсири билан боғлаб талқин қилишга кўпроқ мойиллик билдиришмоқда. Масалан, ёш тадқиқотчиларимиздан Д.Тошпўлатова ўзининг “XX аср тонгида Жойсдан кейин майдонга чиққан ҳар қандай истеъдод ижодида унинг “мен”и сезилиб туради. Ф.Кафка ва А.Камю ижодининг ўзбек адабиётининг 90-йилларида кириб келган вакилларига таъсири бугун қандай асарларнинг дунёга келганлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди.”<sup>125</sup> каби фикрларни билдирган.

Тўғри, кўп йиллар давом этган сиёсий ва мафкуравий зуғумлардан сўнг бизда ҳам фалсафий-мафкуравий, асос жиҳатдан хилма-хил йўналишга мансуб, янги адабий ва бадиий мукаммал асарлар пайдо бўла бошладики, бу эса адабиётнинг санъат сифатида ўзининг турли образли асл табиатини намоён қилишга замин ҳозирлади. Реализм билан баробар деярли барча адабий тур ва жанрларда диний-маърифий, модернистик, анъанавий ва ноанъанавий талқин устуворлиги сезиладиган бадиий асарлар майдонга келди. Бироқ, Ж.Жойс кабиларнинг ўзбек адабиётига кўрсатган ижодий таъсирига ортиқча баҳо бериш ҳам бирёқлама фикр юритиш бўлар эди. Бизнингча, бу ўринда адабий таъсир факти бир оз бўрттириб юборилган кўринади. Масалан, Тоғай Мурод каби етук адибларимиз асарлари ва қаҳрамонлари, энг аввало, миллий заминга

---

<sup>124</sup> Ўша асар. 3-жилд, 36-37-48-бб.( Э.С.Томпсон асарига сўзбошим).

<sup>125</sup> Тошпўлатова Д. Замонавий ўзбек насрида муаллиф онги ва уни ифодалаш шакллари.(У.Ҳамдам ва И.Султон асарлари мисолида.) Филол.фанлари фалсафа д-ри... (PhD) дисс. – Жиззах. 2022, - Б. 18.

асослангани, миллий тафаккур ва ижодий анъаналаримиз асосида яратилгани ҳам фикримизни исботлайди.

Тоғай Мурод танқидчиликда кўпроқ анъанавий бахшиёна йўналишдаги ёзувчи сифатида талқин қилинади. Бироқ унинг адабиётимиздаги энг жиддий бадиий кашфиёти, менимча, шахс талқинидаги янгиликдир. Бу борада ўзи севиб ўқиган, ўрганган Кафка, Жойс, Камю бисотларидан ўтган нималардир бор: шахс табиати, бахти, бахтсизлиги, қисмати талқинида Тоғай Мурод XX аср жаҳон модерн адабиётининг энг муҳим тамойилларига ҳамоҳанг йўллардан борди. Маъсума Аҳмедованинг айтишича, адиб ҳақиқатан ҳам “Улисс” романининг каттагина қисмини, юз саҳифасини таржима қилган. Афсус, кўлёманинг тақдири номаълум: ё таржима ёқмай йўқ қилинган, ёки қаергадир ташлаб қўйилган. Лекин Тоғай Мурод от ҳақида ёзганида шунақа чиройли тасвир қила олдики, у тасвир қилган отни беихтиёр “Бойчибор” деб юборгинг келади! Носир Фозилов ибратли бир хотира келтиради: “Устоз (С.Аҳмад) қанчалик катта ёзувчи бўлмасин, барибир у киши шаҳарлик-да, Тоғайдан маслаҳат олибди. Давр масаласини ҳисобга олсак, унда қардошлар саҳнасига чиққан бизнинг асаримиз яккаю ягона шу Тоғай Муродники бўлиб қолади”.

Бу мулоҳазаларга адабий таъсир ва ижодий анъана каби муаммоларга боғлиқ яна бир муҳим тарихий факт ва хотирани ҳам қўшимча қилишни лозим топамиз. Баъзи ёш адабиётшунос ва китобсеварлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин бўлган бу тарихий мисол Тоғай Мурод ва рус адабиёти мавзусига ҳам муайян аниқлик киритади деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, Толстой, Достоевский, Мандельштам каби улуғ классиклар шахси ва ижодини чуқур ихлос билан ўрганган Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романидаги ўзбек аёлларининг ўзига ўт қўйишдек фожиали тақдирларига юксак инсонийлик билан ҳамдардлик кўрсатган рус шоири Михаил Дудиннинг кучли бир шеърини келтириши ҳам адибнинг диди ва маданияти баланд эканлигидан гувоҳлик беради. Муҳими

шундаки, ушбу шеър романнинг етакчи ғоявий-бадий мазмунига ҳамоҳанг эканлиги билан тасвирни янада кучайтиришга хизмат қилганлигини ҳам эътироф этиш ўринли бўлади.

Шунингдек, Тоғай Мурод Валентин Распутинни “Россиянинг энг кучли ёзувчиси”, деб биларди. Уларнинг миллий тафаккури, кенг дунёқараши ва адабиётга, ижодкор шахсига муносабатларида ҳам ҳавас қилса арзийдиган муштарак хусусиятлар кўплиги учун ҳам Тоғай Мурод ўз асарларини Валентин Распутин рус тилига таржима қилишини хоҳлаган бўлса керак. Валентин Распутин ҳам бунга мамнуният билан розилик билдирганлиги ҳақида етарли маълумотлар эндиликда аёнлашмоқда. Бугунги кунга келиб у адабиётимизнинг мумтоз сиймосига айланди. Эндиликда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Шу муносабат билан Тоғай Мурод шахси ва ижодининг бетакрор эканлигидан ёрқин далолат берувчи, аммо танқид ва адабиётшунослигимизда эътиборсиз қолиб келаётган яна бир унутилмас воқеани тилга олиб ўтишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз. Хотираларда баён қилинишича, 2004 йил адоғида “Дружба народов” журнали бош муҳаррири ўринбосари, машҳур адиб Л.Терекopian Тошкентга келганди. Домла Озод Шарафиддинов уйига таклиф этадилар. Даврага меҳмоннинг эски қадрдонлари – Одил ака ва Пиримкул акалар ҳам ташриф буюрдилар. Қайтмас ёшлик даври, ижодий ҳамкорлик йиллари эсланди. Гап ўзбек адабиётининг бугунги кунига келиб тақалди. – Биз уюшма билан келишган ҳолда ўзбек адабиёти учун махсус сон бағишламоқчимиз, шунга сизлар нима дейсизлар? – дейди машҳур журнал номидан меҳмон. -Прозадан мен Тоғай Муродни тавсия этган бўлардим, – деди Одил ака. Тоғай Мурод адабиётга ўзбек менталитетини олиб кирди. Дунё адабиётида ҳозир халқлар этносига қизиқиш жуда кучайган, Тоғайнинг асарлари худди ана шу жиҳати билан эътибор қозониши шубҳасиз, – деди Пиримкул ака. – Мен ҳам Тоғай Муроднинг асарларини тавсия этаман, – деди Озод ака. Домланинг гапидан кейин меҳмон ён дафтарчасига нималарнидир қоралаб

кўйди...<sup>126</sup> Бу яқдиллик ҳам Тоғай Мурод ижодига берилган юксак бир эътироф эди.

Бундай мемуар-хотиралар ва қимматли маълумотлар ҳам адибнинг ижод жараёнини кенгроқ тасаввур этишимизда ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ёзувчининг турмуш ўртоғи, журналист ва таржимон Маъсума Аҳмедова ҳамда тадқиқотчи Фаррух Жабборов тўплаб, нашр эттирган “Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида” номли биографик характердаги асар шу жиҳатдан алоҳида қимматга эга эканлигини таъкидлаш керак. Унда эллик нафардан ортиқ муаллифлар бевосита ўзлари кўрган-билган воқеа-ҳодисаларни, хусусан, Тоғай Муроднинг ўзи айтган ва яқин қариндошларидан эшитган хотираларини умумий мундарижа асосида шакллантирганлар. 2007 йили нашр қилинган бу асар халқимизнинг маънавий ҳаётида қувончли воқеа бўлиши билан бирга, айтилган вақтда, XX аср ва Истиқлол даври адабиёти ва адабий танқидчилиги тарихини ўрганишда ҳам муҳим бир манба бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур нашрда жамланган хотираларда нафақат Тоғай Мурод туғилган, ўсиб-улғайган оила муҳити ва уларнинг ҳаёти-умргузаронлиги ҳақидаги унутилмас таассурот ва гувоҳликлар, балки ёзувчининг бадиий тафаккури шаклланишида у ёки бу даражада роль ўйнаган муҳим омиллар ҳам эътибордан четда қолмаганлиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этади Чунончи, жаҳон чемпиони Сайфиддин Ҳодиев хотирасига эътибор берайлик: “Бир пайт билалари бақувват, Алпомиш келбатли бир одам тўғри келди-да, мени қучоқлаб олди! Ўзимдан ҳам бақувват бу одамни танимас эдим. У эса қучоғидан қўймай, негадир, кўзларида ёш билан нуқул бир гапни такрорларди: – Раҳмат, полвон! Раҳмат сизга. Отангизга минг раҳмат... Раҳмат... Энди эсласам, мен ўша куни давримизнинг буюк адиби билан учрашган эканман. Бу одам Тоғай Мурод эди! У бугунги учрашувни эшитгани заҳоти, йўлга чиқиб, ўзи

---

<sup>126</sup> Мирпўлат Мирзо.Оқ саллали тоғлар дуоиси. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.52-53.

излаб топиб келибди! Ким билади, Тоғай ака бўлмаганда мен бу қадар катта полвон бўлмасмидим? Чунки мен курашнинг олтин қоидаларини Тоғай Муроддан ўргандим! У киши айтган “Полвон ўзини уч балодан: биринчиси – аёлбозлик, иккинчиси – ичкиликбозлик, учинчиси – нафс балосидан асрасин”, деган ҳикматига мен ҳам амал қилдим.

Тоғай ака курашчи билан курашчи тилида, чавандоз билан чавандоз тилида, деҳқон билан деҳқон тилида сўзлаша оларди. Шунинг учун у киши уларнинг характерини, ички оламини беш қўлдай биларди. Тоғай Муроднинг кураш ҳақида ёзган китобини эл таниган машҳур полвонларнинг кўзига суртиб, асраб юргани, ҳаттоки, бошларига қўйиб ётганини кўрганман. Ўзим ўша “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасини *30 мартадан кўпроқ ўқиб* чиққанман”.

Бундай ёднома-хотиралар мазмундорлиги, бадиий ижод ва санъаткор шахси ҳақидаги теран фикр ҳамда кузатишларга бойлиги билан ҳам адабий-эстетик тафаккур ривожига муҳим аҳамият касб этади. Турли йилларда нашр этилган ушбу хотиралар туркуми Тоғай Мурод сингари йирик адибларнинг ёрқин ижоди ва такрорланмас сиймоси ҳақидаги ранг-баранг таассуротларга асослангани билан бирга муштарак хусусиятларга ҳам эга. Ёдномаларда марҳум шоир ва адибларимизнинг адабиётимиз ривожигаги хизматлари улкан эканлиги ва ижодда қанчалар улуг бўлган адибларимиз ҳаётда ҳам шунчалар буюк шахслар бўлганлиги ёрқин акс этиб туради.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Тоғай Мурод асарлари яратилишидаги ички динамика, сюжет, композиция, таҳририй такомиллашув жараёнлари ва услубий фарқланиш ҳам адиб тафаккури ва маҳоратидаги тадрижийликдан далолат: кичик асарлари тили ҳам миллий, содда ва равон, роман тили залварли ҳамда полифоник характерда.

2. Тоғай Мурод асарларининг миллий мафкурамиз, маънавий, умуминсоний қадриятларимизга ҳамоҳанглиги кўрсатилган ва “Ойдинда



юрған одамлар” қиссасидаги миллий урф-одат тасвирига, “Отандан қолған далалар” романида Деҳқонқул образи характериға танқидчиликнинг нохолис баҳоси берилган, шуларға аниқликлар киритилди.

3. Адибнинг инсон, наботот, жамодот олами учлигини яхлитликда бадиий идрок этишини адабий анъана ва ўзига хослик асосида фольклор, мумтоз, жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш; асарлар сюжети, композиция ва услубий такомиллашув жараёнини адиб ижоди ва тафаккури тадрижи яхлитлиги тарзида ёритилган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тоғай Мурод асарлари – ижодкор шахси ва талантининг бадиий-интеллектуал маҳсули, тафаккури, ижодий мушоҳадаси натижаси ва уларнинг ижодий тарихи объектив қонуниятнинг бадиий ифодаси ўлароқ ҳам эътиборга лойиқ. Адабий асарда муаллиф биографияси унсурлари акс этиши ва ижодкор шахсини ўрганиш ижод намуналарини англаш ва таҳлил этишнинг самарали йўли эканлиги, асар ёзувчидан униб чиқиши, моҳияти, ҳаётий илдиз-манбалари, яратилиш жараёни биографик усул орқали тўлароқ юзага келади.

2. Мумтоз адабиётда ва адабиётшунослик илмида ”биографик метод“ истилоҳи айнан илмий атама тарзида ишлатилмаса ҳам биографик таҳлил кўринишлари мумтоз адабиётшунослигимизда Навоий ва Бобурлар даврига бориб тақалади. ”Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, ”Хамса”, “Бобурнома” асарларининг яратилиш жараёнини ёритишда улўғ шоирларимизнинг ўз изоҳ-эътирофлари ишончли манбадир.

3. Тоғай Мурод ижодий лабораторияси ўрганилган. Адибнинг қисса ва романлари яратилиш жараёни, уларда ёзувчи биографияси ҳамда ижодкор шахси намоён бўлиши масалалари кенг ёритилган. Хусусан, тарихий ва ҳаётий воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантиришда ёзувчи шахси, ижодий жасорати, поэтик маҳорати, ижод жараёни унинг илҳом онлари билан узвий боғлиқликда намоён бўлиши асослаб берилган.

4. Тоғай Мурод асарлари ва образлар галереясининг миллий, бадиий-эстетик тафаккур анъаналари асосида юзага келгани, адибнинг инсон, наботот, жамодот олами учлигини яхлитликда бадиий идрок этиши адабий анъана ва ўзига хослик – фольклор, мумтоз, жаҳон адабиёти контекстида ўрганилган. Ёзувчи қисса ва романлари сюжети ҳамда композицияси ягона яхлитликка бирикуви, услубий жиҳатдан такомиллашув тамойиллари адиб ижодий тафаккурининг тадрижи билан чамбарчас боғлиқликда ёритилган. Турли нашрлардаги ўзгаришлар

ўзаро чоғиштирилган. Адиб ижод маҳсулларига нисбатан айрим ноҳолис ёндашувлар, нообъектив қарашлар ўша давр ҳукмрон мафқураси билан боғлиқлиги исботланган.

5. Тоғай Мурод ноёб истеъдоди, миллат тақдирига қуюнчаклиги ва адабиёт-санъатига садоқати, имон-этиқоди, эстетик ақидаларини аниқлаш, қисса ва романлари яратилиш сабаблари, ҳаётий манбаларини изоҳлашда адибнинг кундаликлари, мактуб ва мақолалари, шунингдек, архив материаллари, замондошларининг хотира ҳамда ёдномалари таянч манба вазифасини ўтаган.

6. Адиб ҳаётий, ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик маслаклари бадиий образ ва характерлар талқинига кўчиши, ёзувчи ижоди қисса жанрининг турли шаҳобчалари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-фалсафий романлар яратиш жараёнларида ички эҳтиёж меваси ва ҳаётий заруриятга поэтик жавоб излаш жараёнларида такомиллашиб боргани кўрсатилган. Жанрлараро тадриж жараёнларининг поэтик услубдаги миллийлик, халқоналик, бахшиёналик руҳи билан уйғунлашуви таҳлил ва тадқиқ этилиб, Тоғай Мурод романий тафаккур йўсинини такомиллаштириб бориши, концептуал ғояларни ифода этиши билан боғлиқ ҳаётий, адабий-эстетик омиллар далилланган.

7. Адибнинг “Отамдан қолган далалар” романи ва Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” трагикомедиясидаги ўзбек деҳқони образлари қиёсий таҳлилга тортилиб, характерларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган. Уларнинг ижтимоий-тарихий асослари, ҳаётий манбалари, адабий-маърифий ва ижтимоий-эстетик аҳамияти очиб берилган.

8. Тоғай Муроднинг инсон ва ижодкор шахс сифатидаги “мен”лиги адабий қаҳрамонларида намоён бўлиши Жамолиддин кетмоннинг имон-этиқоди, Ақрабнинг ватанпарварлиги, матонати ва она-заминга садоқати, шунингдек, Бўри полвон, Қоплон, Зиёдулла чавандоз сингари

образларга хос миллий ғурур, орият, адолатпешалик ва бағрикенглик фазилатларини юзага чиқаргани қиёслар орқали далилланган.

9. Ёзувчи асарлари назарий-методологик жиҳатдан миллий истиқлол мафкурамиз ҳамда демократик тараққиёт тамойилларимиз, умуминсоний қадриятларимизга ҳамоҳанглиги кўрсатилган. Тоғай Мурод асарлари услубида кузатилувчи публицистик пафосга мойиллик, шунингдек, айрим қаҳрамонлари, хусусан, “Отамдан қолган далалар” романидаги Клара ва “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романидаги Дилбар Мирзахўжа қизи (Диля)нинг нутқида бир-бирига яқинлик ва такрорлаш сингари нуқсонлар мавжудлиги кўрсатилган.

10. Тоғай Мурод асарлари яратилишида ўзига хос ички динамика мавжудлиги ёзувчи қаламига мансуб қисса ва романлар сюжети ва композицияси, адиб услубининг такомиллашиб бориш жараёни мисолида очиқ берилган. Ёзувчи ҳикояларида воқеликнинг бир узви қаламга олинса, қиссаларида баёнчи қаҳрамон, романларида эса ижтимоий-сиёсий муаммо қўйилиши ушбу жанрлар табиатига монанд экани далилланган. Адибнинг кичик асарлари тили миллий, содда ва равон, қиссаларида дил изҳорлари самимий, романларида эса, айни фазилатлар сақлангани ҳолда, поэтик тил залварли ва полифоник характер касб эта бориши исботланган.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **I. Ижтимоий-сиёсий ва методологик адабиётлар**

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 360 б.
- 1.2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2017, 8-сон, –208 б.
- 1.3. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 30 сентябрь 2020.
- 1.4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари. Халқаро конференцияга табриги // Халқ сўзи online. –Тошкент: 2018. 7 август.
- 1.5. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси // Янги Ўзбекистон. –Тошкент, 2021. 16 август.
- 1.6. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. –Тошкент: 2021. 1 сентябрь.
- 1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –176 б.
- 1.8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –208 б.

### **II. Илмий-назарий адабиётлар**

- 2.1. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди // Ўзбек тили ва адабиёти, 1977. № 3.
- 2.2. Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор /Тўпловчи ва сўз боши муаллифи ф.ф.н. О. Жўрабоев/. –Тошкент: Тамаддун, 2013. –160 б.

- 2.3. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. –Тошкент: Noshir, 2008. –256 б.
- 2.4. Анализ литературного произведения. – Ленинград, 1976. –184 с.
- 2.5. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 194 б.
- 2.6. Асқад Мухтор. Тундаликлар. –Тошкент: Маънавият, 2015
- 2.7. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Тошкент: 2015; – 288 б.
- 2.8. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.–262 б.
- 2.9. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –560 б.
- 2.10. В творческой лаборатории Чехова. – Москва: Наука, 1974, –368 с.
- 2.11. Воҳидов Э. Шоиру шеър ушуур: Адабий эсселар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –224 б.
- 2.12. Дониярова Ш. Ижодкор ва услуб. –Тошкент, 2014. –104 б.
- 2.13. Дониярова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон. –Тошкент. Мумтоз сўз, 2011. –198 б.
- 2.14. Есин И.А. Принципы и приемы анализа литературного произведения: уч.пособие. –Москва, 2000. – 167 с.
- 2.15. Ёқубов И.Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. –Тошкент: Nurafshon business, 2021. – 336 б.
- 2.16. Жўракулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.
- 2.17. История русского литературоведения. –Москва,1980. –349 с.
- 2.18. Йўлдош Қ.,Хусанбоева Қ., Йўлдошева М. Кийик сўқмоқдаги йўловчи. – Тошкент: “Ўзбекистон МЭ” Давлат илмий нашриёти, 2014. – 192 б.
- 2.19. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – 533 б.
- 2.20. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. –88 б.

- 2.21. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2016. –232 б.
- 2.22. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи.1999. –544 б.
- 2.23. Каримов Ҳ. Истиклол даври адабиёти. –Тошкент: Yangi nashr, 2010. – 364 б.
- 2.24. Максим Горький. Адабиёт ҳақида. –Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1960. –902 б.
- 2.25. Максим Горький. О литературе. –Москва: Сов.писатель, 1955. – 903с.
- 2.26. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 418 б.
- 2.27. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. 174б.
- 2.28. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 2008. –224б
- 2.29. Назар Эшонкул. Мендан "мен"гача . – Тошкент: Akademnashr, 2014. - 512 б. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 109 б.
- 2.30. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. –385 б.
- 2.31. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 жилдлик. 13-жилд. –Тошкент: Фан, 1978. –440 б.
- 2.32. Ожлянский О. Рождение книги. –Москва: Худ. литература, 1973. – 302 с.
- 2.33. О писательском труде. – Москва: Советский писатель.1956. –406 с.
- 2.34. Паустовский Г.К. Олтин гул.–Тошкент,1997.
- 2.35. Пономарев Я.А. Психология творчества. –Москва, 1976. –304 с.
- 2.36. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 334 б.
- 2.37. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. –Тошкент: Фан, 2008. – 261 б.

- 2.38. Русские писатели о литературном труде в 4-х т-х. 2-3-тт. – Москва: 1957-1958.
- 2.39. Саид Аҳмад. Назм чоррахасида. –Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
- 2.40. Саид Аҳмад. Танланган асарлар: III жилдлик. –Тошкент: Шарқ, 2000. Жилд: III. Адабий ўйлар. – 336 б.
- 2.41. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т: 2004. – 127 б.
- 2.42. Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. –Москва: Худ. литература, 1970. –276 с.
- 2.43. Советские писатели. Автобиографии. в 5 т-х. 3-5-тт. –Москва: Худ.литература.1973-1988.
- 2.44. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 228 б.
- 2.45. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. –376 б.
- 2.46. Толстой Л.Н. О литературе. –Москва: Худ. литература. 1955. –764 с.
- 2.47. Тиллаев М. Ўткир Ҳошимов сабоқлари. –Тошкент, 2009. –726 б.
- 2.48. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001. –166 б.
- 2.49. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2018. –308 б.
- 2.50. Умунов Ҳ. Адабиёт назарияси (дарслик). –Тошкент: Шарқ, 2002. – 256 б.
- 2.51. Умунов Ҳ. Бадиий ижод асослари. –Тошкент, 2001. –120 б.
- 2.52. Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. – М.: Высшая школа, 2002. – 437 с.
- 2.53. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. –Тошкент: Mumtoz so‘z, 2012. – 308 б.
- 2.54. Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – Москва,1971. –281 с.
- 2.55. Цейтлин А.Г. Труд писателя. – Москва, 1969. –542 с.



- 2.56. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Биринчи мўъжиза. –Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –232 б.
- 2.57. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент: Шарқ, 2004. – 277 б.
- 2.58. Ш.Қурбон. Муҳаммад Юсуф сабоклари. –Тошкент, 2014.
- 2.59. Э.Фромм. Инсон қалби. –Тошкент, 2016. –100 б.
- 2.60. Ўзбек адабий танқиди (антология). –Тошкент: Turon iqbol, 2011. – 544 б.
- 2.61. Қаҳҳор А. Асарлар.6-том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 314 б.
- 2.62. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –288 б.
- 2.63. Қаҳҳор А. Ёшлар билан суҳбат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти,1968. –144 б.
- 2.64. Қодирий А. Диёри бакр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –472 б.
- 2.65. Қосимов У. Ҳозирги ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. – Тошкент: Ёзувчи,1997. –32 б.
- 2.66. Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. –208 б.
- 2.67. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 222 б.
- 2.68. Қуронов Д. Адабиётшунослик назарияси. –Тошкент: Академнашр, 2018. –480 б.
- 2.69. Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида. –Тошкент: Академнашр, 2018. –256 б.
- 2.70. Қўчқоров Р. Истеъдод қадри. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –108 б.
- 2.71. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –340 б.
- 2.72. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 198 б.

### **III. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР**

- 3.1. Дўстмуҳаммад Х. Концепцияни янгилаш учун... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 16 февраль.
- 3.2. Лола Аҳророва. Чин гаплар кўнгилда бўлади // Филологиянинг умумназарий масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: 2020. –Б. 295–297.
- 3.3. Мелиев С. Салбий қаҳрамон полифонияси (“Ўткан кунлар”: Ҳомид, Мусулмонқул) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019. –№4. –Б. 33–41.
- 3.4. Норматов У., Очилов Э. Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 35–44.
- 3.5. Сабирдинов А. Изланишлар самараси. Ўзбек романи кеча ва бугун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2005. – 28 январь.
- 3.6. Холмирзаев Ш. Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар // Тафаккур. – Тошкент, 1999. – № 1-2.
- 3.7. Қўчқор Р. Саробнинг пайдо бўлиши. Ёшлик. Тошкент, 1991. №9. – Б. 66–75.

### **IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР**

- 4.1. Ёқубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси. Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, ЎзТА ва ФИ, 2018.
- 4.2. Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари. Филол.фанлари номзоди...дисс. –Тошкент: 2000. – 145 б.;
- 4.3. Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанлари д-ри... дисс. –Тошкент, 2003;
- 4.4. Имомова Г.М. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
- 4.5. Имомкаримова М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. –Т.:ЎзФА ТАИ, 2004. 23 б.

- 4.6. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. 340 б.
- 4.7. Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Фил. фанлари номзоди дисс.автореф.-Тошкент. ЎзФА ТАИ,1991. 48 б.
- 4.8. Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Филол.фанлари доктори (DSc)...дисс.автореф. – Т.: ЎзТА ва ФИ, 2018.
- 4.9. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида). Филол.фанлари номзоди ...дисс. –Тошкент: ЎзФА ТАИ, 2005. –132 б.
- 4.10. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. 44 б.
- 4.11. Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол.фанлари д-ри... дисс. –Тошкент, 1997. 312 б.
- 4.12. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллар ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси.Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 2002. 49 б.
- 4.13. Сувонов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2019. –52 б.
- 4.14. Султонова Н. Исажон Султон романларида бадиий компонентлар модификацияси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Карши, 2020. 144 б.
- 4.15. Тошпўлатова Д. Замонавий ўзбек насрида муаллиф онги ва уни ифодалаш шакллари. Филол. фанлари фалсафа д-ри... (PhD) дисс. –Жиззах, 2022. –136 б
- 4.16. Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрида ритм. Филол.фанлари номзодлик ...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. –52 б.
- 4.17. Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирийижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс.Тошкент: 2019. –148 б.

- 4.18. Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Филол.фанлар фалсафа д-ри... дисс. автореф. – Тошкент: 2018. 48 б.
- 4.19. Қурбонов Т. О.Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати. Филол.фанлари номзоди...дисс. автореф. –Тошкент: ЎзФА ТАИ, 1997. 24 б.
- 4.20. Қосимов У Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик ва ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филол.фанлари д-ри... дисс. автореф. –Тошкент, 2020. –77б.
- 4.21. Қўчқоров Р. Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихи. Филол.фанларин номзоди...дисс. –Тошкент:1991.
- 4.22. Умурова Г.Х. Зулфия бадиий олами ва поэтик мактаби. Филол.фанлари ... (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 32б.

## **V. БАДИЙ АДАБИЁТЛАР**

- 5.1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 329 б.
- 5.2. Айний. Асарлар. 8 томлик. 3-том. Қуллар (роман). –Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1964. –472 б.
- 5.3. Айтматов Ч. Жамила (қиссалар ва ҳикоялар). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. –432 б.
- 5.4. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –112 б.
- 5.5. Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди? Драмалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 272 б
- 5.6. Валентин Распутин. Ёнғин. –Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2019. – 104 б.
- 5.7. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –280 б.

- 5.8. Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз // Шарқ юлдузи, 2018. № 5.
- 5.9. Орипов А. Шоирнинг туғилиши. –Тошкент: Шарқ, 2022.
- 5.10. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. –Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 1991. – 128 б.
- 5.11. Тоғай Мурод. Танланган асарлар, I, II, III жилдлар. –Тошкент. Шарқ, 2019.
- 5.12. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 1994. – 464 б.
- 5.13. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Роман. –Тошкент: Шарқ, 1994. – 272 б.
- 5.14. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Роман. –Тошкент: Nurafshon business, 2020. – 224 б.
- 5.15. Э.Сетон-Томпсон. Ёввойи йўрға (Тоғай Мурод таржимаси). – Тошкент: Zukko kitobxon, 2021. 352 б.
- 5.16. Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. Қиссалар. – Т.: Sano – standart нашриёти, 2017. – 192 б.
- 5.17. С.Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Хотиралар. Адабий ўйлар. –Тошкент: Sano-standard, 2014. – 352 б

## **VI. ИНТЕРНЕТ МАНЗИЛЛАРИ**

- 6.1. <http://www.sharqyulduzi.uz>
- 6.2. <http://www.ziyonet.uz>
- 6.3. <http://www.ziyouz.com>
- 6.4. <http://www.ijod.uz>